

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОРЗИБОНИ ЮСУПОВА

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛМОШЛАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

СамДУ илмий кенгашининг 2017 йил 29 сентябрдаги
2-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

Самарқанд –2017

ЮСУПОВА О. Ўзбек тилида олмошларнинг функционал-стилистик хусусиятлари. Монография. – Самарқанд, СамДУ нашри, 2017. –140 бет.

Мазкур ишда олмошларнинг вариантдорлик ва синонимик хусусиятлари, функционал-стилистик тизимда тутган ўрни аниқланган, расмий, илмий, публицистик, бадиий ва сўзлашув услубларидаги стилистик ўзига хосликлари очиб берилган. Ўзбек тилидаги олмошларнинг нутқ жараёнида тутган ўрни, аҳамияти, ўзига хос коммуникатив ва стилистик хусусиятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, бу борада муайян илмий хулосаларга келиш ҳамда бу хулосалардан амалда фойдаланишга шароит яратилган.

Китоб филолог мутахассислар, бакалаврлар, магистрлар, тадқиқотчи-изланувчилар ва соҳа билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор **С.КАРИМОВ**

Тақризчилар: филология фанлари номзоди,
доцент **Д.ЎРИНБОЕВА**

филология фанлари номзоди,
Ш.МАҲМАДИЕВ

ISBN 978-9943-997-73-3

© О.Юсупова
© Самарқанд давлат университети – 2017

Сўзбоши

Бугун ўзбек тилини яхлит бир тизим сифатида ўрганиш, унинг нутқий маданиятини замон талаблари даражасига кўтариш фаолиятимизнинг таркибий қисмига айланди. Ўзбек тили сўз туркумларига оид луғавий бирликларни функционал-стилистик аспектда ўрганиш ана шу масалаларнинг маълум қисмини ҳал этишга кўмаклашади. Ўзбек тилшунослигида сўз туркумларининг функционал-стилистик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган айрим ишлар амалга оширилган. Аммо бу тадқиқотлар кўламини бошқа сўз туркумлари ҳисобига кенгайтириш масаласи тилшуносларнинг диққат марказида турибди. Бинобарин, бу борада ҳал этилиши ва ўрганилиши лозим бўлган муаммолар анчагина. Монографияда шулардан бири алоҳида лингвистик хусусиятларга эга бўлган олмошларнинг функционал-стилистик имкониятлари яхлит ҳолда тадқиқ этилган. Гарчи М.Асқарова, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиев, Э.Қиличев, И.Суяров, Т.Акрамов, Б.Исабеков, С.Каримов, М.Позилова ва бошқаларнинг монографик тадқиқотларида, ўқув қўлланмаларида олмошларга хос бўлган стилистик жиҳатларнинг айрим қирралари ҳақидагина сўз юритилган бўлса-да, ушбу туркумга хос бўлган элементларнинг функционал-стилистик хусусиятлари таҳлили тўлалигича қамраб олинган эмас. Ушбу монографияда олмошлар вариантдорлиги ва синонимияси ҳамда унинг коммуникатив асослари, уларнинг бир синонимик уядаги ички боғланишлари, тил элементлари ўзаро алмашинувида амал қиладиган коммуникатив-нутқий ҳолатлар атрофлича ўрганилган. Олмошларнинг семантик маъно тараққиёти ва эмоционал-экспрессив оттенкалари юзага келишининг услубий шарт-шароитлари, бу имкониятларни рўёбга чиқарувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар таҳлил қилинган.

Ишнинг иккинчи ва учинчи бобларида олмошларнинг ўзбек тили вазилавий услубларига хос бўлган стилистик хусусиятлари ёритилган.

Ўзбек тилшунослигида олмошларни алоҳида туркум сифатида қарашга сабаб бўлган ва бунда уларнинг асосан лексик-грамматик жиҳатлари инобатга олинган назарий фикрлар ушбу сўз туркумининг функционал-стилистик хусусиятлари асосида таҳлил этилган янгича муносабатлар ҳамда хулосалар билан тўлдирилган. Бу билан

олмошларга хос бўлган нутқий имкониятлар ва уларнинг таҳлили илмий асосга қўйилган.

Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртлари филологик таълим йўналишида назарда тутилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Ўзбек диалектологияси», «Социолингвистика», «Прагмалингвистика» фанларини ўқитишда, ўзбек тили морфологияси ва стилистикасига оид алоҳида танлов фанларни ташкил этишда, сўз туркумларининг лингвистик таҳлиliga оид илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

профессор Суюн КАРИМОВ

Кириш

Тилнинг муҳим элементи ҳисобланадиган сўзнинг лингвистик табиати, шакл ва маъно хусусиятлари, унинг нутқий жараёнда тутган ўрни қадимдан тадқиқотчиларнинг диққатини тортиб келмоқда. Сўзларнинг инсон, нарса-ҳодиса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолат сингариларни ифодалашдаги ўзига хос жиҳатларини белгилаш мақсадида уларни муайян гуруҳлар ва туркумларга ажратган ҳолда таҳлил этиш борасида тилшунослар яқдилдирлар. Ўзбек тили лексик-грамматик тизимида алоҳида хусусиятларга эга бўлган олмошлар ҳам сўз туркумлари орасида мустақил гуруҳ сифатида эътироф этиб келинмоқдаки, бу эътироф маълум назарий асосларга эга.

Сўз туркумларининг, жумладан олмошларнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши ҳақида С.Аширбоевнинг «Ўзбек тили грамматик қурилишининг ўрганилиш тарихидан (1875-1917 йиллардаги рус туркологлари асарлари асосида)» мавзусида ёзилган номзодлик диссертацияси ва Ж.Элтазаровнинг «Сўз туркумлари ҳақида лингвистик назариялар» номли монографиясида маълумотлар батафсил берилган.¹

Уларда қайд этилишича, XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб чор Россияси Ўрта Осиёни ўзига бўйсундирган ва янги мустамлакани бошқариш учун ерлик аҳолининг тилини ўрганиши лозим бўлган. Шу мақсадда М.Терентьев, А.В.Старчевский, В.Наливкин, С.А.Лапин, И.А.Беляев, Л.Афанасьев, Н.Будзинский, Н.Остроумов кабилар сарт (ўзбек) тилини ўрганишга оид қўлланмалар ёзишган. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб ўзбек олимлари ҳам грамматикага оид асарлар ярата бошладилар. Қ.Рамазон ва Х.Қаюмий, Х.Қаюмий ва С.Долимов, О.Усмон ва Б.Азизовлар ҳаммуаллифликларида яратилган қўлланма ва дарсликлар шулар жумласидандир.² Бу асарларда олмошлар ҳақида айрим маълумотлар берилган.

Ф.Камол таҳрири остида нашр этилган «Ҳозирги замон ўзбек тили» (1957), А.Н.Кононовнинг «Грамматика современного узбекского литературного языка» (1960), М. Мирзаев, С. Усмонов, И.Расуловларнинг «Ўзбек тили» (1962), муаллифлар жамоаси томонидан яратилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили. I том» (1966),

¹Аширбаев С. Из истории изучения грамматического строя узбекского языка: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1975. – 49 с; Элтазаров Ж. Сўз туркумлари ҳақида лингвистик назариялар. – Самарқанд: СамДУ, 1996. – 128 б.

²Элтазаров Ж. Сўз туркумлари ҳақида лингвистик назариялар. – Самарқанд: СамДУ, 1996. –Б.102.

«Ўзбек тили грамматикаси»нинг академик нашри (1975), «XV-XIX асрлар ўзбек тили морфологияси» (1990) да ҳам олмошлар мустақил сўз туркумлар сифатида алоҳида ўрганилган. Бу адабиётлар рўйхатини «XII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили» (1986), Ш.Шоабдурахмонов ва бошқаларнинг «Ўзбек тили грамматикасининг практикуми» (1981), У.Турсунов ва бошқаларнинг «Ўзбек тили адабий тили» (1992), Б.Менглиевнинг «Ўзбек тили адабий тили» (2004), М.Қурбоновнинг «Ўзбек тили» (2002), Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тили» (2006) сингари асарлари ҳисобига давом эттириш мумкин.

Олмошлар масаласи ёритилган илмий манбаларни 3 гуруҳга ажратиб қараш мақсадга мувофиқ:

1. *Олмош тарихий нуқтаи назардан ёритилган асарлар.* Ўзбек тили тарихий морфологиясининг исмлар силсиласида қараладиган олмошлар қадимий туркумлардан бўлиб, уларнинг шаклланиши ва тараққиёти Ғ.Абдурахмонов ва Ш.Шукуровнинг «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси», А.Н.Кононовнинг «Грамматика современного узбекского литературного языка», Ж.Ҳамдамовнинг «Ўзбек тили тарихи. II қисм. Тарихий морфология. Биринчи бўлим» каби асарларда, Ҳ.Неъматовнинг айрим ишларида тадқиқот объекти бўлган ҳамда ўзининг тегишли илмий-назарий баҳосини олган.¹

Ўзбек тилшунослигида олмошлар тадқиқиға бағишланган сезиларли ишлардан бири Б.Юсуфовнинг кузатишлари бўлиб ҳисобланади.² Олимнинг «Эски ўзбек адабий тилида олмошлар (XV-XVI асрлар)» деб номланган монографиясида Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларида, XV-XVI асрларда юзага келган ёзма ёдгорликларда ўз ифодасини топган олмошларнинг барча турлари аниқланган ва тавсифланган. Эски ўзбек тили ва ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилган ва қўлланилаётган олмошларнинг асосий лексик-грамматик ҳамда семантик фарқлари, ўзига хос хусусиятлар ишончли далиллар асосида кўрсатиб берилган.

Муаллиф олмошлар хусусидаги у ёки бу фикрни тасдиқлаш мақсадида XI-XII асрларда яратилган ёзма ёдгорликлар ҳамда

1 Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Тошкент: Фан, – 320 б; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. –Л.: АН.СССР, 1960. –446 с; Неъматов Ҳ. XI-XII аср ёзма ёдгорликларидан олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. –№3. –Б.26-30; Ҳамдамов Ж.Ўзбек тили тарихи. II қисм. Тарихий морфология. Биринчи бўлим. – Самарқанд: СамДУ, 2003. – 180 б.

² Юсуфов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVI вв.) // –Ташкент: Фан, –1991. –146 с.

ҳозирги ўзбек тили ва унинг шеваларидан тўпланган материаллардан қиёсий фойдаланган.

Рус ва туркий тилшуносликлар ҳамда ўзбек тилшунослигида олмошларни ўрганишга бағишланган қатор ишлар Б.Юсуфовнинг монографиясида таҳлил қилинган ва уларнинг айримларига муносабат билдирилган.

Монографияда эски ўзбек адабий тилида қўлланган олмошлар *кишилик* (личные), *кўрсатиш* (указательные), *сўроқ* (вопросительные), *ўзлик* (возвратные), *белгилаш* (определительные), *гумон* (неопределенные), *инкор* (отрицательные) олмошлари тарзида етти турга бўлиб ўрганилган ва шу тартибда таҳлил этилган.

Тадқиқотга берилган иловалар ҳам илмий жиҳатдан аҳамиятлидир. Иловалардан маълум бўлишича, XV-XVI асрлар эски ўзбек тилида ифодасини топган 64 та олмош (*мен, сен, ул, у, нимарса, кимса* ва бошқалар), қайд этилган даврда қўлланган 48 та олмошнинг асли туркий эканлиги, 9 та араб тилидан ўзлаштирилган (*жамъи, коффа, биажмаиҳим* ва бошқалар), 7 та форс-тожик тилларидан олинган (*ҳамин, ҳамон, тобакай* ва бошқалар). Иловалардан XV-XVI асрларда қўлланган олмошларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги шакллариининг қиёсий жадвали ҳам жой олган.

У.Санакуловнинг докторлик диссертациясида олмошлар эволюцияси хусусида ҳам сўз юритилган. Унда Тўньюқуқ, Култегин, Олтин ёруқ каби ёзма ёдгорликлар тилида қўлланган *бән* (*мен*), *нә*, *кәнтү* (*кәндү*), *ўз*, *қамуг-қамуқ* (*ҳамма, барча*), *алқу* (*ҳамма*), *анақайа* (*ана-мана*), *сә-си* (*сен*), *үшүл*, *өшәл*, *шүл*, *үш*, *ошнү*, *әшнү*, *нә-нә*, *нәчүк*, *нәлүк*, *нәтәк*, *нәгу*, *нәша*, *қай*, *қач*, *қан*, *қанда*, *қайан* сингари олмошлар таҳлил қилинган. Иловадаги 12-жадвалда VII-X асрларда, 13-жадвалда XI-XIV асрларнинг ёдгорликлари тилида қўлланган олмошлар санаб ўтилган.¹

2. *Ҳозирги ўзбек тилидаги олмошлар махсус тадқиқ қилинган ёки олмошлар масаласи ҳам тилга олинган асарлар.* Мазкур сўз туркуми монографик йўналишда ҳам ўрганилган. Масалан, Х.Комилованинг «Ўзбек тилида сон ва олмош» асари ва И.Суяровнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида олмош» мавзуидаги номзодлик диссертацияси бу борадаги йирик тадқиқотлардан бўлиб ҳисобланади.² Ушбу ишларда олмошларнинг лингвистик табиати,

¹ Санакулов У. Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфологик меъёрларнинг шаклланиши ва тараққиёти (илк босқич): Филол фанлари д-ри ...дисс.автореф. – Тошкент, 2007. –Б.58-59.

² Комилова Х. Ўзбек тилида сон ва олмош. –Тошкент: Фан, 1953. –17 б; Суяров И. Местоимения в современном узбекском литературном языке: Дисс. ...канд.филол.наук. – Самарканд: СамГУ, 1965. – 294 с.

айниқса, грамматик хусусиятлари тўғрисида атрофлича мулоҳазалар юритилган, стилистик хусусиятларига ҳам қисман тўхталиб ўтилган.

Ўзбек тили олмошлари ҳақидаги илк махсус тадқиқот Х.Комилова қаламига мансуб. Унинг «Ўзбек тилида сон ва олмош» деб аталган ишида олмошларнинг умумий тавсифидан сўнг, уларнинг турлари ҳақида сўз юритилган ва улар 6 та деб кўрсатилган.¹ Олмошларнинг монографик тадқиқи И. Суяровнинг юқорида тилга олинган тадқиқотида махсус амалга оширилган. Мазкур диссертация бевосита олмошларнинг лексик-грамматик хусусиятларини таҳлил этишга бағишланган.

Олмошлар назариясига оид ва унга алоқадор бўлган муаммолар И.Суяровнинг ишида атрофлича ўрганилганлиги боис биз масалага батафсил тўхталмаймиз. Шундай бўлса-да, уларнинг айримлари ҳақида мулоҳаза юритишга зарурат сезилади.

Ишнинг «Олмошларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари» деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат. Унинг биринчи бўлимида ушбу сўз туркумини ўрганишга бағишланган ишларга муносабат билдирилиб, масаланинг ёритилишидаги мавжуд муаммоларга аниқликлар киритилган. Чунончи, муаллиф шундай деб ёзади: «... баъзи адабиётларда олмошларнинг фақат от, сифат ва сон туркумига оид сўзларнинг ўрнида қўлланиши таъкидланади-да, кейинчалик олмошларнинг турлари саналган ўринда равиш ўрнида қўлланувчи *қачон, қайда* каби сўзлар ҳам олмошлар ўрнида келтирилади».² Шу тарзда олмошлар равишлар ўрнида қўлланиши мумкинлиги далиллар асосида исботланган.

Олмошлар мустақил сўз туркуми эмас, деган қарашдаги олимларнинг фикрига эътироз билдириб, уларнинг фақат якка сўз ўрнидагина эмас, балки сўз бирикмалари, бутун бир гап, ҳатто бир неча гапдан иборат яхлит матнлар ўрнида ҳам қўлланилишига асосланиб, унинг сўз туркуми эканлигини исботлай олган. Олмошларнинг барчаси эмас, балки айрим турлари, шу туркумга мансуб биттаси ёки баъзилари ўзига хос айрим грамматик хусусиятларга эга эканлиги ҳақидаги фикр ҳам диққатга сазовордир. Бу муҳим хулоса ишнинг кейинги бобларида ўз тасдиғини топган.

¹ Комилова Х. Ўзбек тилида сон ва олмош. –Тошкент: Фан, 1953. –Б.7.

² Суяров И. Местоимения в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Самарканд: СамГУ, 1965. –Б.7.

Ишнинг кейинги боби олмошларнинг турлари ҳақидаги баҳс билан бошланади. Таъкидланишича, туркий, жумладан, ўзбек тилшунослигида олмошлар 6 тадан 9 тагача турга ажратилган. Муаллиф мазкур масала юзасидан билдирилган мулоҳазаларни атрофлича таҳлил қилиб, олмошларнинг 7 турдан иборат эканлиги ҳақида тўхтамга келади. Ҳозирги ўрта ва ўрта-махсус ва олий таълим тизими учун тузилган дарсликларда олмошларнинг ана шу етти тури қатъийлаштирилганлиги муаллиф қарашларининг назарий жиҳатдан асосли эканлигини тасдиқлайди. Тадқиқот давомида ҳар бир турнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилиб берилган.

Ўзбек тили олмошларини тадқиқ этишга бағишланган мазкур диссертацион иш ушбу сўз туркумининг она тилимизда тутган ўрни ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини туғдиради.

Ўзбек тилшунослигида олмошларнинг ўрганилиши ва унинг сўз туркумлари тизимида тутган ўрни, тарихий шакллари, олмошларнинг ўзига хос хусусиятлари, табиати, бадий матнларда учраши айрим мақолаларда ҳам ўз ифодасини топган. М.Асқарова, С.Иброҳимов, Ғ.Каримов, С.Мухамедов, М.Темирова, Б.Убайдуллаев, У.Шарипова, Қ. Маҳмудов, Ҳ.Ҳожиева, Д.Ҳакимова каби тилшуносларнинг мақолалари шулар жумласидандир.¹

Тадқиқотларнинг маълум қисми ўзбек шеваларидаги олмошларнинг лексик-грамматик хусусиятларини ўрганишга бағишланган.²

3. Олмошларнинг айрим турларининг стилистик хусусиятлари юзасидан фикр билдирилган ёки маълум даражада ёритилган

¹ Асқарова М. Олмошлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – №4. –Б. 27-30; Иброҳимов С. Айрим олмошларнинг эволюцияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1960. – №5. –Б. 56-63; Каримов Ғ. 20-йиллар ўзбек адабий тилида олмошларнинг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – №4. –Б. 50; Мухамедов С. Олмошларнинг лексик-морфологик структурасининг статистик анализи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1978. – №3. –Б. 47-50; Маҳмудов Қ. Кэнду олмоши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. – №4. –Б. 29; Темирова М. “Фарҳод ва Ширин”да олмошларнинг вариантлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991. – №4. –Б. 44-48; Ҳожиева Ҳ. Кишилиқ олмоши ва ҳурмат маъноси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – №4. –Б. 37-38; Ҳакимова Д. Сиз ва сен олмошларининг лексик-семантик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – №5. –Б. 77; Убайдуллаев Б. XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоирлари асарлари тилида олмошларнинг лексик-грамматик хусусиятлари: Филол фанлари номз...дисс.автореф. – Нукус, 2006. –21 б; Шарипова У. Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асаридаги сўроқ олмошлари // Илм зиёидир / Проф Р.Расулов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, ТДПУ, 2006. –Б.134-146.

² Алимуродов Х. Сурхондарё область кўнғирот шеваларида кўплик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – №4. –Б. 65-67; Жуманазаров Ю. Ҳазорасп шевасидаги кўрсатиш олмошларининг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1961. – №3. –Б.55-58; Узоқов Ҳ. Водил шевасида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1962. – №5. –Б. 32-36; Ишаев А. Ўзбек шеваларидаги кишилиқ олмошларининг кўплик формалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. – №4. –Б.27-31; Раҳимова К. Туркменистондаги ўзбек шеваларида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – №4. – Б.50; Содиков Т. Ўзбек шеваларида кўрсатиш олмошлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – №1. –Б. 45-49.

асарлар. Бу ишлар сирасига Р.Қўнғуров, С.Каримов, Б.Исабеков, Т.Акрамов ва Н.Позиловаларнинг мақолалари киради.¹ Жумладан, Р.Қўнғуровнинг «Олмош стилистикасига доир айрим мулоҳазалар» номли мақоласида кишилик, кўрсатиш, сўроқ, белгилаш, гумон олмошларининг услубий хусусиятлари, уларнинг асосий маънолари билан бир қаторда қўшимча маънолар касб этиши, бундай ҳолат эса бадий-эстетик вазифани бажаришга хизмат қилиши кўрсатиб берилган.²

М.Ҳамроевнинг «Ҳозирги ўзбек тилидаги кўрсатиш олмошларининг функционал-семантик хусусиятлари» номли монографияси ҳозирги ўзбек тилидаги кўрсатиш олмошларига бағишланган бўлиб, унда олмошнинг бу тури янгича нуқтаи назар билан талқин қилинган.³ Монографиянинг «Кириш» қисмида кўрсатиш олмошлари ҳақида йирик турколог ва ўзбек олимлари томонидан билдирилган фикрлар келтирилган. 1-боб туб кўрсатиш олмошларининг функционал-семантик хусусиятлари хусусида бўлиб, бу олмошлар ва улар иштирокида ҳосил қилинадиган шаклларга хос бўлган дейктик, анафорик ва катафорик амаллар бой материал асосида текширилган. Дейктик белги турлари, реализатор турлари, улар ўртасидаги маъновий муносабатлар кўрсатиш олмошлари мисолида ёритилган. Туб кўрсатиш олмошларининг коннотатив маъноларига ҳам монографияда эътибор қаратилган. Монографиянинг 2-боби «Кўрсатиш олмошлари ёрдамида ҳосил қилинадиган сўз шакллари ва бирикмаларнинг функционал-семантик хусусиятлари» деб номланади. Бу бобда кўрсатиш олмошлари асосида ҳосил қилинадиган формаларнинг дейктик амаллари тадқиқ қилинган.

Маълум бўлдики, ўзбек тилшунослигида мустақил сўз туркумларидан саналадиган олмошлар юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Уларда олмошнинг турлари аниқланган, маъновий хусусиятлари юзасидан кузатишлар олиб борилган, мазкур сўз

¹ Акрамов Т. Кишилик олмошларининг стилистик хусусиятларига доир // Лексика, стилистика ва нутқ маданияти. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 1980. – Б. 85-91; Исабеков Б. Кишилик олмошларининг семантик-стилистик хусусиятлари ҳақида ТошДУ илмий асарлар тўплами, №648. –Тошкент, 1980. –Б.86-91; Қўнғуров Р. Олмош стилистикасига оид айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. – Самарқанд: СамДУ, 1981. –Б.4-21; Каримов С. Олмошларнинг функционал-стилистик чегараланиши // Ўзбек тилининг грамматик қурилиши ва стилистикаси / Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 1992. –Б.80-85; Позилова Н. Иккинчи шахс олмошларининг прагматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1999. –№3. –Б.41.

² Қўнғуров Р. Олмош стилистикасига оид айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. – Самарқанд: СамДУ, 1981. –Б.4-21;

³ Ҳамроев М. Ҳозирги ўзбек тилидаги кўрсатиш олмошларининг функционал-семантик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2009. – 108 б.

туркумини яхлит ҳодиса сифатида тадқиқ этиш йўллари кўрсатиб берилган. Аммо уларнинг биронтаси ҳам олмошларга хос бўлган стилистик хусусиятларни тўлалигича қамраб ололмаган. Ўзбек тилшунослигининг бугунги тараққиёти ушбу сўз туркумига хос бўлган ФС жиҳатларни янада чуқур ўрганишни тақозо этмоқда. Шу боисдан, ишимизда долзарб масалалардан бири сифатида қаралган масаланинг ана шу жиҳатини имконият доирасида таҳлил этиш мақсад қилиб қўйилди.

I Б О Б

ОЛМОШЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДА ВАРИАНТЛИЛИК ВА СИНОНИМИК ОМИЛЛАР

Олмошлардаги стилистик оттенкаларнинг юзага келишида нутқий вазиятда бошқа сўз туркумларига оид бўлган сўзларнинг олмош вазифасини бажариши, олмошларнинг гапда грамматик вазифадан бошқа вазифаларни ҳам адо этиши, улардаги вариантларнинг бири ўрнида иккинчисининг қўлланиши, уларнинг функционал услублар доирасида чегараланиши каби ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу жараёни таҳлил қилиш эса олмошларнинг лингвистик моҳиятини тўлароқ англашга имкон беради. Ушбу бобда масаланинг ана шу жиҳатлари таҳлил қилинади.

1.1. Олмошларда эмоционал-экспрессив оттенкалар намоён бўлишининг стилистик шарт-шароитлари

Ўзбек тилидаги барча сўз туркумларида бўлгани каби, олмошлар ҳам стилистик хусусиятларга эга ва бу хусусиятлар нутқ жараёнида намоён бўлади. Акад. В.В.Виноградов олмошлар маъноларининг матний характери хусусидаги тезисни илгари сурганида масаланинг ана шу жиҳатини назарда тутган, деб ўйлаймиз.¹ Олмошларнинг йирик тадқиқотчиси К.Е.Майтинская ҳам мазкур туркумдаги сўзларни лексиканинг алоҳида, анчайин мураккаб ва кўп қиррали қисми деб ҳисоблайди ва: «Уларнинг ўз мазмуни бўлмайди, шахсларни, предметларни, ҳодисаларни, белгиларни, миқдорни атамайди, фақат маълум бўлган нарсаларга ишора қилади, кейинги воқеа-ҳодисаларга тайёрлайди. Олмошнинг аниқ маъноси вазият ва матн ёрдамида аниқланади», – дейди.² М.И.Алехинанинг «Нутқий коммуникация актидан ташқаридаги олмошлар умумлаштирувчи маънодаги сўзлар ҳисобланади. Нутқий актда эса улар аниқ мазмун билан бойийди», деган фикри эса бу мулоҳазаларни янада тўлдиради.³

Тилимизда бошқа сўзларга нисбатан олмошлар сон жиҳатдан озчиликни ташкил қилади. Ҳозирги адабий тилимизда уларнинг сони тахминан юзта атрофида. Шундай бўлса ҳам, универсаллиги ва

¹ Виноградов В.В. Русский язык. – М.: Высш. школа, 1981. – С.74.

² Майтинская К.Е. Происхождению местоименных слов в языках разных систем // Вопросы языкознания. – Москва, 1966. – №1. – С.15.

³ Алехина М.И. О классификации местоимений // Русский язык в школе. – Москва, 1982. – №1. – С.63.

қўлланиш частотасининг фаоллиги билан бошқа сўз туркумларидан жиддий фарқланади. «Мавҳумлик даражасининг кучлилиги уларнинг ёрдамчи сўзлар вазифасини бажаришига шароит яратади».¹ А.Г.Елисеева ва О.Н.Селиверстовалар олмошлар семантик жиҳатдан энг жумбоқ сўзлар тоифасига киришини қайд этишган эди.²

Шунинг учун ҳам анъанавий грамматикадаги олмошларга бўлган муносабат доирасидан четга чиқилиши ва уларнинг стилистик имкониятлари таҳлил этилиши ана шу универсалликнинг нимадан иборат эканлиги ҳақидаги саволларга ижобий жавоб беради. Олмошларнинг ФС таҳлилини ҳам умумлингвистик таҳлил комплексида олиб қараш кутилган натижаларни беради. Чунки тил бирликларини бу тарзда яхлит олиб ўрганиш уларнинг нутқий табиатини ҳамиша тўлароқ англашимизга ва шу асосда мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишимизга олиб келган.

Олмошларда номинативлик хусусиятининг йўқлиги, фақат гап таркибида от, сифат, сон ўрнида кела олиши уларни лексик-грамматик жиҳатдан ўзаро тенг қилиб қўяди. Аммо стилистик жиҳатдан улар ўртасига бу тенглик аломатини қўйиб бўлмайди. Баъзан гапдаги вазифаларига кўра равишларга, боғловчи ва кўмакчиларга ўхшаб кетиши ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Олмошлар дейктик белгилар (бевосита предметларни кўрсатиш) тоифасига кирганлиги учун, гарчи гапда иштирок этишига кўра санаб ўтилган сўз туркумларига тенг келса-да, стилистик жиҳатдан уларга оппозицияда туради.³ Бунинг устига, прономинализация ҳодисаси, яъни бошқа сўз туркумларига оид сўзларнинг олмошлашиши туфайли олмошлар характеридаги отлар, равишлар, кўрсатиш маъносидаги юкламалар сингари периферик гуруҳлар ҳисобига кенгайиб боради ва буларнинг барчаси уларнинг стилистик кўлами кенглигидан далолат беради.

Фикримизни исботлашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Тилдаги прономинализация натижасида бир туркумга оид бирлик иккинчи бир туркумга тегишли сўз хусусиятига эга бўлади. Айрим отларнинг

¹ Майтинская К.Е. Происхождению местоименных слов в языках разных систем // Вопросы языкознания. – Москва, 1966. – №1. – С.16.

² Елисеева А.Г. Селиверстова О.Н. Семантическая структура местоименного значения // Вопросы языкознания. – Москва, 1987. – №1. – С.79.

³ Олмошлар нутқда фақат дейктик белгилик хусусияти билан чегараланиб қолмайди. (М.И.Алехина дейкис тушунчасини фанга К. Бюлер олиб кирганлигини айтган. [Қаранг:11] Унинг анафорик (олдин эслатилган ва маълум бўлган предметларни кўрсатиш) ва препаратив (кўрсатилаётган предмет ҳақида кейин маълумот бериш) типлари ҳам мавжуд. [Бу ҳақда яна қаранг: 107]

олмош тарзида қўлланиши ҳам ана шу прономинализация туфайлидир: *Одамларнинг тили чиқиб қоптими? – Бировларнинг тили чиқиб қоптими? –Сенинг тилинг чиқиб қоптими?* ёки *Унинг қилган ишларига баъзан ҳайрон қоласан, одам! – Унинг қилган ишларига мен баъзан ҳайрон қоламан – Унинг қилган ишларига баъзан ҳайрон қоламан;* *Одамларниям тушуниб бўлмай қолди - Уларни тушуниб бўлмай қолди* каби. *Сен, мен, у* олмошларини уларнинг ўрнида қўлланаётган *одам* сўзи билан бир хилда қараб бўлмайди. Стилистик жиҳатдан улар бир хил қийматда эмас. Шу ҳолатда *одам* сўзи орқали нутқий экспрессия – сўзловчининг ҳаяжони кучли тарзда ифода этилмоқда. Мана шу тарзда отлардан бир қанча сўзлар ўзбек тилида олмошлар томон силжиётган бўлиши мумкин. Кечаётган ушбу жараёни тадқиқ этиш, унда иштирок этадиган семантик-стилистик ҳодисаларнинг қонуниятларини аниқлаш тилшуносларимиз олдида турган галдаги вазифалардан саналади.

Олмошлардаги стилистик имкониятлар юзага чиқадиган омиллар ўзбек тилида турли-тумандир. Худди шундай имкониятларнинг яна бири уларнинг гапда конкретизаторлик – аниқлаштирувчи вазифасини ўтаган вақтида кўриниб қолади. Бундай пайтда олмошлар бошқа сўз ўрнида қўлланилмайди, балки уларнинг маъноларини таъкидлашга, янада аниқлаштиришга хизмат қилади. Масалан, *Мен, Аҳмедов Эгамқул Юнусович...* дейилганда *мен* олмоши ҳеч қандай сўз ўрнида алмашаётгани йўқ. *У Аҳмедов Эгамқул Юнусович* ни янада аниқлаштириш, таъкидлаш вазифасини адо этаяпти, холос. *Ким келди – Шухратжон; Сен – Эргашев, икки қадам олдинга чиқ!* тарзидаги гаплар ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин.

Айни пайтда, нутқий жараёнда олмошлар маъносининг ўзини аниқлаштиришга ҳам эҳтиёж сезилади. Бинобарин, олмошлар англатган умумий, мавхум маънолардан аниқликка қараб бориш методи уларнинг семантик-стилистик моҳиятини очишга ҳисса бўлиб қўшилади.¹ Шунинг учун ҳам М.И.Алехина «Олмошлар таснифи ҳақида» мақоласида олмошлар маъносини аниқлаштиришга хизмат қилувчи қуйидаги омилларни кўрсатиб берган эди: махсус воситаларни қўлламасдан вазиятга қараб аниқлаштириш; ишора қилувчи жестлардан фойдаланган ҳолда аниқлаштириш; суҳбатдошларнинг нутқий актга қадар мавжуд бўлган тажрибаларига таянган ҳолда аниқлаштириш; аввалги матнда аниқлаштириш; кейин

¹ Алехина М.И. О классификации местоимений // Русский язык в школе. – Москва, 1982. -№1. –С.63-68.

шаклланадиган матнда аниқлаштириш; оҳанг ёрдамида аниқлаштириш каби.¹ Шунингдек, у нутқий актда олмошлар маъносини аниқлаштириш катта куч талаб қилишини айтиб, бунда умумий марказга эга бўлган доира кўринишидаги олмошлар тизимини, унинг ядросида КиОлар, иккинчи доирада кўрсатиш олмошлари (КўО), кейинги доираларда СўОлар, ГуОлар, бўлишсизлик олмошлари (БўОлар) ва БеОлар жойлашишини, марказдан периферийга қараб борган сари уларнинг кўрсатиш имкониятлари сусайиб, аниқлик кучи камайиб боришини ҳам таъкидлаган.² Олмошларнинг навбатдаги стилистик имкониятлари актуализаторлик, яъни уларнинг тил элементлари потенциал хусусиятларининг нутқда намоён бўлишида маълум актуаллаштирувчилик вазифасини бажаришида намоён бўлади.³ Масалан, КиОлар шундай вазифани бажара олади: *Манзил қайда? Сўрамагин, / Йўқотдим мен ўзимни. Сиз билан бу кеча тортишга афғон / Мен ўзим ярайман, / Фақат бир ўзим!* (У.Азим) каби. Ўзбек тилидаги бошқа олмошлар ҳам актуализаторлик вазифасини ўз зиммасига олиши мумкин.

ГуОлар мисолида олмошларнинг актуализаторлик хусусиятларига кенгроқ тўхталамиз. Масалан, номаълумлик – бу субъект аввал учратмаган ёки тушунтириб бера олмайдиган нарсаси ҳодиса тушунчасини англатади. *Қандайдир* олмошида ана шу номаълумликнинг айрим жиҳатлари актуаллашади. *Фазодан қандайдир номаълум жисм учиб тушди* гапида ана шу мавҳумликни ифодаловчи *номаълум* сўзининг ўзи бевосита иштирок этмоқда. Бундай пайтда *қандайдир* олмошининг қўлланишига нима ҳожат бор? *Фазодан номаълум жисм учиб тушди* гапи орқали ҳам фикрни ифода этиш, жисмнинг қандайлиги ҳали маълум эмаслиги тўғрисида ахборот бериш мумкин. Лекин бу фикр *қандайдир* олмошининг гапда иштирок этиш-этмаслик масаласини ҳал этмайди. Бир гапнинг икки варианты таққослангандагина *қандайдир* нинг ўрни аниқ билинади. Гапда *номаълум* сўзи иштирок этаётганлиги туфайли шу маънони бериши лозим бўлган семантик вазифадан озод бўлади, холос. Айни замонда, стилистик актуализаторлик вазифасини ўз

¹ Шу мақола. – Б.64-65.

² Шу мақола. – Б.68.

³ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2002. –Б.12.

зиммасига олади. Нафақат номаълумлик, балки унга бўлган қизиқиш оттенкасини ҳам ўзида мужассам қилади.¹

ГуОларнинг ўз қуршовидаги тил элементларига уйғунлигини аниқлаш, улар англатадиган семантик-стилистик оттенкаларни белгилаш уларни микроматн қуршовида компонент таҳлил қилишни тақозо этади.

ГуОларни назарий жиҳатдан турдош сўзларга нисбатан қўллаш мумкин бўлса-да, маълумлик-номаълумлик тамойилларига кўра улардан фойдаланиш ҳамма вақт ҳам стилистик жиҳатдан кутилган натижани бермаслиги мумкин. Уларни адресатга кўпроқ маълум бўлган нарсаларга нисбатан қўллаш мантиққа тўғри келади. Бундай олмошларни суҳбатдошлар учун мавҳум бўлган нарса-ҳодисаларга нисбатан ишлатиш стилистик ғализликка сабаб бўлади. Масалан, *Суҳбатдошим қандайдир маугли ҳақида ҳикоя қилиб берди* дейиш мумкин бўлгани ҳолда *Суҳбатдошим қандайдир мауглилар ҳақида ҳикоя қилиб берди* дейиш стилистик жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Чунки мауглининг ўзи биз учун мавҳум жонзот. Унинг бир нечтаси ҳақидаги ҳикоя эса мавҳумликни яна ҳам ошириб юборади. Агар унинг ўрнига *Суҳбатдошим қандайдир товуклар ҳақида ҳикоя қилиб берди*, деган гап айтилса, товуклар тўғрисидаги мавҳумлик тасаввуримизга сиғади. Чунки биз товукларнинг, ҳеч бўлмаганда, 2-3 хил турини кўз олдимизга келтира оламиз.

Мана шундай ҳолатларда ГуОларини, умуман олмошларни, у билан ёнма-ён келган, ўзаро боғланган, ҳатто турғунлик касб этган сўзлар билан яхлит бир компонент сифатида олиб ўрганиш уларнинг нафақат грамматик ва семантик, балки стилистик маъноларни ҳам аниқлашда жуда асқотади.

Компонент таҳлил бизни мавзу талабидан келиб чиқиб, олмошлардан фақат стилистик маъно ахтаравериш ташвишидан ҳам қутқаради. Чунки улар ёрдамида матнда англашилаётган қўшимча маънолар стилистик маъно бўлмасдан, балки семантик маънолар бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *Ҳовлимизда қандайдир қўйлар ўтлаб юрибди* гапини олиб кўрайлик. Дастлаб гапдан ГуОни олиб турамиз: *Ҳовлимизда қўйлар ўтлаб юрибди*. Ундан ҳовлида ўтлаб юрган жонивор ҳақида аниқ маълумотга эга бўлинмоқда. Гап таркибидаги *қандайдир* олмошининг киритилиши қўй сўзининг маъносига

¹ О.А.Сулейманова рус тилида *барча, бутун* олмошларининг ҳам актуализатор вазифасини бажариши мумкинлигини исботлаб берган эди. [Бу ҳақда қаранг: Сулейманова О.А. М естоименные актуализаторы весь и целый в современном русском языке // Филологические науки. – Москва, 1985. -№4. – С.78-82].

жиддий таъсир кўрсатади. *Қандайдир қўйлар* бирикмасига эътиборни қаратишга мажбур бўламиз. Сўзловчи нимани назарда тутяпти? Айтайлик, уларнинг ҳисори, жайдари, араби каби турлариними, қўзилар эмас, балки улардан каттароқлариними, қўчқорлар эмас, айнан қўйларними? Йўқ, албатта. Шошилинич нутқий вазият уларнинг биронтаси ҳақида ўйлашга имкон бермайди, унга зарурат ҳам йўқ. Сўзловчи бу ўринда икки ҳолатни назарда тутмоқда: биринчидан, ўтлаб юрган ҳайвонлар бошқа жониворлар эмас, балки қўйлар эканлигини; иккинчидан, *қандайдир қўйлар* дейилганда қўйларнинг номаълумлиги эмас, балки уларнинг эгаси номаълумлиги назарда тутилмоқда. Бошқача айтганда, *қандайдир* олмоши *кимнингдир* олмоши ўрнида қўлланмоқда. Энди бу гапларни ёнма-ён қўямиз: *Ҳовлимизда қандайдир қўйлар ўтлаб юрибди - Ҳовлимизда кимнингдир қўйлари ўтлаб юрибди*. Гаплар мазмунан бир хил қийматда деб ҳисобланган тақдирда стилистик жиҳатдан биринчи гапнинг қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, гарчи ҳар иккала олмошда ҳам гумон маъноси мавжуд бўлса-да, *кимнингдир* сўзида шубҳаланиш доираси тор, унда тахминдан аниқликка қараб мойиллик сезилади. *Қандайдир* да эса унга нисбатан мавҳумлик, умумийлик оттенкаси кучли. Шунинг учун ҳам, ушбу матнда унинг семантик қўлами кенгайган ва *кимнингдир* нинг маъносини ўзида акс эттирган. Лекин бу ҳолат ҳамма вақт ҳам давом этавермайди ва шунинг учун *қандайдир* нинг бир вақтнинг ўзида *кимнинг* дир маъносини ҳам бериши матний ҳолат сифатида баҳоланади.

Қуйидаги мисолларга эътиборимизни қаратайлик: *Қандайдир Турсунов менинг ишимга тўғаноқ бўлмоқчи. Қандайдир* олмошининг Турсуновга нисбатан гумон, тахминни англатиши – унинг семантик маъноси. Ушбу семантик маънонинг юзага чиқиши учун муайян нутқий вазият бўлиши лозим. Гапдаги гумон, тахмин маъноси адресант Турсуновни аввалдан танимаган бўлса рўёбга чиқади. Агар илгаридан таниган бўлса-чи? Бунда нутқий вазият ҳам, гап мазмуни ҳам бошқача бўлади: *Қандайдир Турсунов менинг ишимга тўғаноқ бўлмоқчи*. Турсуновга нисбатан беписандлик, менсимаслик, камситиш, ўзини юқори қўйиш, ўз тенги деб билмаслик каби оттенкалар юзага чиқади. Бу оттенкаларни ҳам олмошдаги навбатдаги семантик маънолар томон силжиш сифатида қарашимиз мумкин. Олмош маъносидаги бу каби семантик ўсиш СУ доирасида амалга ошади. Шу ҳолича БУ томон силжиш мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бундай пайтда муаллифнинг субъектив

муносабати ҳам қамраб олинади. Бу ҳолат ИУ ва РУларда юз бермайди. Олмошлардаги стилистик имкониятларнинг намоён бўлишида нутқий вазиятнинг аҳамияти катта эканлиги ҳақида гапирилганда худди ана шу ҳолат назарда тутилади.

Бу айтилган фикрлар уларнинг ИУ ёки РУда қўлланишини инкор этмайди, албатта. Бу услубларда у бошқа бир семантик имкониятларини намоёиш этади. Масалан, ИУда **Қандайдир** бир *N* нуқтани таянч нуқта сифатида оламиз. *А шаҳардан Б шаҳарга қараб қандайдир машина йўлга чиққан бўлсин* каби мисолларда **қандайдир** гумон, тахмин маънолари доирасидан ташқарига чиқади ва шартли равишда олинган объект маъносини англатади.

СУда бу олмошнинг яна бошқа имкониятлари борлиги маълум бўлади. Масалан, **Қандайдир** кўнглим *гаиш* гапида мавҳумлик; **Қандайдир** боргим келмаяпти гапида иккиланиш, ишончсизлик; **Қандайдир** ёши катталарга ўхшаб мулоҳаза юритади гапида ичдан эътироф этиш, тан олиш каби оттенкаларни юзага чиқаради ва шу тарзда нутқда модал муносабатларнинг ифодаланишига хизмат қилади. Баъзан нутқда у сўзловчига фикрий изчилликда, хотирани тиклашда кўмаклашувчи лингвистик омил сифатида намоён бўлади. Бирор воқеани ҳикоя қилаётган кишини кўз олдимизга келтирайлик: *Олдимдан қандайдир йўл чиқди. Боравердим. Қандайдир горга дуч келдим. Ичкарига кирдим. Қандайдир одамларнинг ҳайкаллари турар эди* каби. Бунда олмош нутққа табиийлик руҳини беради.

Айтилганлардан қисқача хулоса чиқариб, **қандайдир** олмоши ўз семантик маънолари билан муайян функционал услублар (ФУ) доирасида чегараланади, дейишимиз мумкин. Бу чегараланишлар ҳатто бир услуб доирасида ҳам кўзга ташланади. Масалан, *У қандайдир китобларни ўқиди ва дунёқараши ўзгарди* дейиш мумкин бўлгани ҳолда, *Мен қандайдир китобларни ўқидим ва дунёқарашим ўзгарди* дейиш мантиқсизликдир.

Қандайдир олмошининг семантик-стилистик имкониятлари хусусидаги ушбу таҳлиллар Ю.Смирновнинг: «Кузатишлар **қандайдир** олмошининг бошқа сўз гуруҳларига нисбатан субъектив баҳо воситаси сифатида фаол қўлланишлигини кўрсатади» деган фикри ўзбек тилига ҳам тааллуқли эканлигини англатади.¹

Қандай олмоши матнда сўрашдан бошқа маъноларни ҳам бера олади. *Қандай ажойиб, қандай замонлар эди, қандай даврлар келди*

¹ Смирнов Ю.Б. Семантико-функциональные особенности неопределенных местоименных прилагательных // Русский язык в школе. – Москва, 1985. – №4. – С.91.

каби жумлаларда олмошнинг вазифаси бутунлай ўзгарган. У ҳар уч мисолда ҳам ижобий эмоцияни бериш билан бирга, уларнинг ҳар бири яна алоҳида субъектив муносабатларни ифодалашга ҳам хизмат қилмоқда: *қандай ажойиб* да завқланиш, лаззатланиш, ҳайратланиш оттенкаларининг; *қандай замонлар эди* – ширин хотираларнинг, *қандай даврлар келди* – янги мустақиллик замонидан ғурурланиш, фахрланиш туйғуларининг юзага чиқишига хизмат қилмоқда. Жумлалар таркибидан *қандай* нинг олиб ташланиши билан бу хусусиятлар ҳам барҳам топади. Бундай пайтларда уларда депроминализация, яъни олмошлардан бошқа сўз туркумлари томон силжиш юз беради. Юқоридаги мисолларда олмошлар сифатлашган ва экспрессив маъноси янада кучайган. Қуйидаги мисол фикримизни янада мустаҳкамлайди: - *Бир бурда нонинг борми? - Қаёқда ...* (Ғ.Ғулом).

Яна айрим олмошларни кўздан кечирамиз. *Неча* олмошининг матндаги грамматик вазифаси аниқ. У соф сўроқ гапларнинг шаклланиши учун хизмат қилади: *Неча кило пахта тердинг?* ёки вазиятга қараб *Неча кило бўлди?* тарзидаги гапларда аниқ савол ифодаси сифатида намоён бўлади. Аммо *Неча марта сўрадинг; Нечанчи марта шу гапни айтаянсан* сингари депроминализациялашган ҳолатларда уларнинг маъносини нутқий вазият белгилайди. Шунинг учун ҳам *Неча марта сўрадинг – Кўп марта сўрадинг – бир неча марта сўрадинг* гапларининг стилистик қиймати бир хилда эмас. *Неча марта сўрадинг* да субъектив баҳо, яъни тингловчининг ҳаракатидан норозилик оҳанги сезилади. Бу оттенкалар кейинги гапларда акс этмаган.

Ким олмоши семантикасида ҳам маълум силжишлар кўзга ташланади. *Ким у йиғлаётган - Навоиймикин, / Ва ё май куйчиси Ҳайёммикин, дод* (А.Орипов) мисраларида у ноаниқлик оттенкасини ўзида мужассам қилган.

Бу каби мисоллар таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, олмошларнинг соф сўроқ доирасидан ташқарига чиқишга интилиш жараёни давом этмоқда ва бунинг натижасида риторик сўроқ гапларнинг стилистик кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Англашиладики, олмошлар жуда катта умумлаштирувчилик хусусиятига эга ва бу – уларнинг бир жиҳати. Бутун бир гуруҳни, тўдани, оппозицияни ифода эта олиши ва бу билан матнда кучли экспрессив вазифани адо этиши олмошларнинг иккинчи жиҳатидир. Масалан, *Сиз-чи, эй, садоқат сўзидан нолиб, / Надомат комида*

қолганлар, айтинг! (А.Орипов). Сиз даги кўплик маъноси ҳам, одатдаги ҳурмат оттенкаси ҳам бундай матнларда орқага чекинади, у кучли нафрат ифодасини берувчи стилистик воситага айланади.

Нутқда олмошларнинг қўлланиши ҳам бошқа сўз туркумларида бўлгани сингари, тилдаги маълум қонуниятлар доирасида кечади. Жумладан, тежамкорлик тамойили ва олмошлар ўртасидаги муносабат масаласини олайлик. Шу ўринда Х.Ҳожиёеванинг «Тилдаги ортиқчалик тамойили, яъни айтиб бир маъно икки восита билан ифодаланиши ўзбек тили грамматик қурилишининг бош хусусияти бўлмиш тежамкорликка зиддек кўринади. Лекин маънодош воситаларнинг қўлланиш, яъни нутқий хусусияти инобатга олинса, мазкур зиддият бартараф этилиб, фикр равон ифодаланади», деган фикрини айрим олмошлар таҳлили мисолида тўлдиришни истар эдик.¹

Дарҳақиқат, *Биз мактабга келдик; Парталар сафини мен тўғрилаб чиқдим* сингари гапларда ўзбек тилининг грамматик меъёрлари нуқтаи назаридан ортиқчалик тамойили амал қилади. Аниқроғи, ушбу гапларда КиОлар иштирок этмаса ҳам маъно англашилаверади. Унинг вазифасини феъл таркибидаги -к, -м каби шахс-сон кўрсаткичлари бемалол ўз зиммасига олади. Хўш, унда мазкур гапларда олмошларни қўллашга нима ҳожат бор? Шунчаки гапда эгани грамматик жиҳатдан шакллантириш учунми? Йўқ, албатта. Ўз вазифасини феълга юклаган олмош бошқа бир имкониятлари билан гап таркибида қатнашиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бу имконият унда нутқий вазиятга қараб юзага келадиган стилистик оттенкалардир. Гапларда айнан ана шу олмошлар туфайли таъкид маъноси берилмоқда ва гап мазмунини одатдаги ахборот, хабар беришдан бошқачароқ, бирмунча таъсирлироқ ва аниқроқ ифода этилмоқда. Агарда бу гаплар таркибидан олмошларни олиб ташласак, у оддий ахборот бераётган, умумий мазмундаги, шунчаки гапга айланади: *Мактабга келдик; Парталар сафини тўғрилаб чиқдим* тарзида. Шундай экан, бу ўринда гапнинг таъсирчан бўлиши бевосита олмошларга боғлиқ бўлганлигини бемалол айта оламиз.

Бу олмоши асосан нарсаларни кўрсатиш мақсадида ишлатилади. Шахсни кўрсатиш эса кам учрайди. Бундай пайтда унинг кўплик шакли – *булар* дан фойдаланилади: *Булар мени талвасага тушган, деб гумон қиладур* (О.Ёқубов). Бу ҳолат, аниқса, шаҳар типдаги шеваларда фаол кузатилади: *Була(р) мени окамла(р)*

¹ Ҳожиёева Х. Кишилиқ олмоши ва ҳурмат маъноси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – №4. – Б. 38.

каби. «Кўрсатиш олмошлари кўпликни ифодаловчи –лар аффиксини қабул қилиши билан кўпроқ шахсни, баъзан предметни ифодалаб, кишилик ёки кишилик-кўрсатиш олмошларга яқинлашади: **Булар меҳнатда ажойиб намуналар кўрсатдилар**».¹ Булар олмошининг қўлланишида аксарият ҳолларда салбий оттенка устунлик қилади: *Наҳорлаб мечкай қоринга ош ейишдан бошқасини билмайди булар! Эзиш керак буларни. Эзиш! Буларда на касбига меҳр бор, на эътиқод!* (Ў.Ҳошимов).

Кўрсатиш маъносида отини атамасдан, у киши, у зот деб мурожаат қилишларда ҳам олмош алоҳида экспрессив маъно касб этади, ўзида шарқона менталитетни мужассам қилади: **Бу киши — Бахтиёр акам...** (Ў. Ҳошимов). *Мавлоно Али Қушчи у зоти шарифларга кўнглида таҳсинлар айтиб, дуо қилиб, йўлга шайланди....* (О.Ёқубов)

Бунинг акси бўлиши, яъни муаллиф кишининг номини аниқ айтмаслик орқали ўз салбий муносабатини ифода этиши ҳам мумкин: *Қозоғга қарамасдан гапирса, отини айтолмайди-ю, тагин бу киши маршал эмиш!* (Ў.Ҳошимов).

Айтилганлардан олмошларнинг нутқда қўлланишига тизим сифатида қараб, уларнинг стилистик таҳлилини лексик-семантик-грамматик комплексда ўрганиш лозим, деган хулоса келиб чиқади. Алоҳида олинган таҳлиллар олмошларнинг нутқдаги ўрни ва аҳамиятини тўлиқ очиб бера олмаслиги мумкин. Нутқ жараёнида сўзларни олмошлар билан алмаштириш фикрни нафақат содда, ихчам, қайтариқларсиз ифодалаш воситаси бўла олади, айти пайтда, нутқий актда иштирок этаётган кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини этикет доирасида ифодалашга хизмат қиладиган стилистик воситага ҳам айланади. Матнда юзага келадиган олмошлардаги экспрессив-стилистик оттенкалар уларнинг тил бирлиги сифатидаги мавқеини янада юқори кўтаради.

Олмошларга хос бўлган стилистик хусусиятларнинг маълум қисми улар вариантларининг қўлланишида кўринади. Шунинг учун вариантлилик масалаларини алоҳида бўлимда таҳлил қиламиз.

1.2. Олмошларда вариантлилик ва уларнинг матний дифференциацияси

Вариантлиликнинг мавжуд бўлиши ҳам тилнинг яшаш шартларидан биридир. «Вариантлилик, - дейди Э.Бегматов ва

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.342.

А.Маматовлар, – адабий нормадаги объектив ҳолдир. Бу ҳодиса адабий тилнинг ўзига хос кўпқиррали ва мураккаб вазифасини адо этишда турли нутқий, услубий коммуникатив шароитларга мослашишга имкон беради. Вариантдорлик, яъни эркин ва мақсадга мувофиқ танлаш имконияти берилмаса, адабий тил ўзининг муҳим бадий-эстетик вазифасини, таъсирчанлик, ифодалилиқ томонларини таъминлай олмас, инсон нутқи ҳисси, ўлик қолиплар, қайтариқлардан иборат бўлиб қоларди. Шунинг учун ҳам адабий норма мўътадил, турғун бўлиш билан биргаликда муайян даражада чекинишлар, истисноларга йўл қўяди. Бундай истиснолар, аввало, тилдаги норматив воситаларнинг вариантдорлигида кўринади».¹

Юқорида таъкидланганидек, Х.Комилованинг «Ўзбек тилида сон ва олмош» асарида, И.Суяровнинг номзодлик диссертациясида ҳамда бир қатор мақолаларда адабий тилда қўлланаётган олмошларнинг лексик-семантик, грамматик хусусиятлари, сўз туркумлари қаторидаги ўрни, тур ва хиллари каби қатор муаммолар ўз ифодасини ва ечимини топган. Бу тадқиқотлар туфайли олмошлар яхлит бир грамматик категория сифатида ўзбек тилида мавжуд эканлиги назарий жиҳатдан асослаб берилган. Бироқ бу ишларда олмошларнинг вариантлари ҳамда улар англатган маъноларнинг коннотатив жиҳатларини таҳлил этиш асосий мақсад қилиб қўйилмаган эди. Шу сабабдан ҳам қуйида ушбу туркумга оид сўзларнинг вариантлари мисолида олмошларнинг стилистик қирраларини тадқиқ этиш вазифа қилиб қўйилди.

Олмошларнинг вариантлари ҳақида гап кетар экан, уларни юзага келтирган омилларни ҳам эслаб ўтиш лозим бўлади. Тил тараққиётининг турли даврларида олмошлар структурасида кенгайиш ёки торайишлар содир бўлган ва меъёрлашган: *у-ул-улким; бу-бул-булким; шундай-шундайин; ўша-ўшандай-ўшандоқ-ўшандақа-ўшанақанги; ундоқ-мундоқ-мундоғ-ушмундоқ; нима-на, не; бизнинг-бизим-бизинг; не учун-нечун-нечук*. Ҳозирги адабий тилимиз нуқтаи назаридан ҳам улар вариантлар сифатида қаралади.

Олмошлар таркибида фонетик вариантлар, яъни бирор товушнинг бошқа товуш билан алмаштирилишидан ҳосил бўлган кўринишлари ҳам мавжуд: *мен – ман; сен – сан; уни – ани – они; улар – алар* сингари. Бу каби вариантдорликни олмошларнинг турлари мисолида кўздан кечирамиз.

¹ Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. III қисм. – Тошкент: Фан, 1999. –140 б.

Кишилик олмошлари. А.Н.Гвоздев КиОлар ўзларининг асосий вазифасидан ташқари турли вазиятларда юзага келадиган эмоционал-экспрессив оттенкаларга бойлиги билан ажралиб туришини қайд этган.¹ Ўзбек тилида *мен, сен, у, биз, сиз, улар* каби КиОлар қадимдан ишлатилиб келинмоқда. Мазкур олмошларнинг адабий тилда меъёрлашган шакли билан бир қаторда уларнинг вариантлари ҳам хилма-хил функционал-услубий вазифаларни адо этади.

Жумладан, *мен* орқали сўзловчининг ўзини билдириши ушбу олмошнинг асосий коммуникатив вазифаси саналади: *Мен дунёга келган кунданоқ, / Ватаним деб сени, уйғондим* (Х.Олимжон). Айрим ҳолларда уларнинг гап таркибида иштирок этишига стилистик зарурат сезилади. *Мен ҳам ором олай ҳеч қурса бир бор, / Ука, ёмонлама менга бировни* (А.Орипов). Банднинг биринчи мисрасидан олмошни олиб ташлаш мумкин бўлгани ҳолда, иккинчи мисрасида бу ишни амалга ошириб бўлмайди. Нутқнинг кимга қаратилганлиги ноаниқ бўлиб қолади.

СНда, баъзан БМларда бу сўзнинг *ман* шаклида ишлатилишини адабий меъёрнинг бузилиши деб қараш лозим бўлади. Аммо М.Юсуф ижодидан олинган мана бу парчада у *ошиқман* даги *ман* га ҳамоҳангликда қўлланган: *Девона ошиқман, ман бир девона, / Айтинг, сиздан бўлак кимим бор экан?* (М.Юсуф).

Ман шаклининг мумтоз адабиёт намуналарида фаол қўлланилганлиги унинг эски ўзбек тилида *мен* олмоши билан бир қаторда ишлатилганлигидан далолат беради. А.Орипов эса уни муҳим стилистик вазифани бажаришга бўйсундирган: *Фақат ожиз қаламим маним, / Ўзбекистон ватаним маним* (А.Орипов). Аслини олганда бу шакл тарихан мавжуд бўлган. Ж.Ҳамдамов «Ўзбек тили тарихи» асарида қуйидаги фикрларни келтирган. «Қаратқич келишиги кўшимчаси *им* шаклида XIII-XIV асрларда яратилган ёзма асарларда учрайди. *Маним* синглим. (Тафсир)».² Ж.Ҳамдамов бу кўшимча аслида ўғуз гуруҳидаги туркий тилларга мансублигини, ҳозир ҳам турк, озар, туркман каби тилларда адабий меъёр сифатида фаол ишлатилишини айтиб ўтган. А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асарида ҳам Кумуш, Отабек, Офтоб ойим, Ўзбек ойим, Моҳира ойим каби қаҳрамонлар тилида *маним* шакли учрайди. Мас., *Мен ўзимнинг бу мактубимни кўз ёшларим билан ёзамен. Негаки ҳозирда маним*

¹ Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. Дата создания документа: 01.03.2004. Дата индексирования: 07.04.2006.17Kb –<http>

² Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. I қисм. – Самарқанд: СамДУ. – Б.20.

ёлғиз кўз ёшларимгина эмас, бутун борлигим сиёҳдир. **Маним** ҳолим сенга кулгилими, қизим. Ахир **маним** ҳам ўзимга яраша обрўм бор (А.Қодирий). Бу асарда ўша давр тили акс этган бўлса, А.Орипов эса менинг сўзини қофия талаби билан, оҳангдорликни вужудга келтириш учун **маним** тарзида қўллаган. Мисолдаги *ман* олмоши *мен* га алмаштирилса, шеърдаги шу оҳангдорлик ўзгаради: *Фақат ожиз қаламим **меним**, / Ўзбекистон ватаним **меним***. Бироқ бу тарзда ишлатилиш ҳам асарларда кузатилади. *Наҳот сен-чун топилмас, **меним**, Биронта уй азим шаҳардан?* (М.Али)

Мен ва *ман* вариантлари тилда феъл таркибида шахс кўрсаткичлари сифатида иштирок этишида бунинг тескараси кузатилади: *бора+ман, кута+ман, кула+ман, йиғлай+ман* каби. Бадиий, хусусан, тарихий-бадиий асарларда бу сўзлар *бора+мен, кута+мен, кула+мен, йиғлай+мен* тарзида қўлланиши адабий меъёرنинг бузилиши деб эмас, балки тарихий воқеалар ифодаланган давр руҳини берувчи меъёрий ҳолат сифатида қабул қилинади: – *Қўрқма, иним, аълоҳазратлари чақирибдурлар. Тезда қайтамен* (О.Ёқубов) сингари.

Сен олмоши ҳозирги адабий тилда сўзловчининг ўзидан кичик шахсга¹ ёки ўзига яқин кишига нисбатан қўлланади: *Сен ўша-ўшасан, дилкашу мўмин*. (М.Юсуф). *Дўстгинам, хаёлан қучаман сени, / Хазон даврасида кутаман сени* (А.Орипов) каби.

Сен олмошининг *сан* варианты СНга хос ва бу вариантнинг қўлланилишини ҳам адабий тил меъёрининг бузилиши сифатида қараймиз. Бу элементнинг феъл таркибида келиши худди *мен* даги сингаридир.

БНда персонаж нутқини индивидуаллаштиришда қўл келиши, ўрни билан ҳурмат, менсимаслик, пичинг, истехзо ва бошқа турли хил оттенкаларни ифодалаши мумкин: *Сан – ўғлимсан. – Йўлчига меҳр билан тикилди чол* (Ойбек).

Баъзи манбаларда *мен* ҳамда *сен* олмошларига кўпликнинг -лар қўшимчаси қўшилиши мумкинлиги ҳақида сўз юритилади.² И.Суяров эса номзодлик диссертациясида шундай деб ёзган эди: «Рус тилида иккинчи шахс бирлик олмоши (*ты*) ҳақиқатда ҳам кўплик

¹ *Сен* олмошининг ўзидан ёши кичикларга нисбат қўлланишида ҳозирги ўзбек тили меъёри назарида тутилади. Тарихан эса бошқачароқ бўлган. М.Кошғарий, *сан* сўзини турклар кичикларга, хизматчиларга айтишини, ўғузлар эса аксини қўллаб, катталарга *сен*, кичикларга *сиз* дейишини айтган [Маҳмуд Кошғарий Девону луғотит турк. I том. – Тошкент: Фан, 1960. –Б.326].

² Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б.304; Алимуродов Х. Сурхондарё область кўнгирот шеваларида кўплик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – №4. –Б. 65-67;

кўрсаткичига эга эмас. Лекин ўзбек тилидаги *сен* олмошига нисбатан бу фикрни айтолмаймиз. *Сен* олмоши кўпликни билдирувчи –лар аффикси билан қўллана олади ва бундай ҳолларда сўзловчи нутқи қаратилган шахснинг (тингловчининг) кўплиги ёки тингловчи ва ўзганинг группасига мансуб бўлган шахслар кўрсатилади.¹ Аслида семантик-грамматик нуқтаи назардан *сен* билан бирга –лар нинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Ўзбек тилида бирдан ортиқ кишилар жамоаси кўпчилик саналади ва уларга нисбатан қўлланиладиган олмош (*сиз*) ўзбек тилида мавжуд. Стилистик жиҳатдан эса бу фикрни айтиб бўлмайди. Чунки айнан *сенлар* тарзида қўлланилишига нутқий вазият нуқтаи назаридан йўл қўйилади – мурожаат қилинаётган кишилар сўзловчидан ёш жиҳатдан кичик ва улар кўпчиликни ташкил қилади: *Отдан сакраб тушди-да қизларга: «Сенлар бораверинглар», - деб мени дугоналаримдан ажратиб олдилар* (О.Ёкубов). Демак, унинг бу тарзда қўлланишида функционал чегараланиш мавжуд. Бу – масаланинг бир жиҳати. Иккинчидан, у матнда қўшимча стилистик оттенка ифодалаши ҳам мумкин. Масалан, менсимаслик маъноси: *Кун чошка бўлиб кетди-ю, қўйларни бозордан қолдириб, сенлар салқинда ётибсан, итдан туққанлар* (Ғ.Ғулом).

Мен олмошининг кўпликни ифодаловчи –лар қўшимчасини олиши мумкинлиги тўғрисидаги гап ҳам адабий тил меъёри нуқтаи назаридан мантиққа зид эканлиги тушунарлидир. Аммо Сурхондарё шевалари бўйича кузатишлар олиб борган Х.Алимуродов кўнғирот шевасида *мен+лар* бирикувининг мавжудлиги ҳақида маълумот беради ва «Бунда мен ва менга ўхшаган якка, оддий киши маъноси англашилиб, –лар экспрессив оттенка билдиради», деган фикрни айтади: *Меннәрдиң айтқанымды қымайди* каби.² Ушбу фикрни таҳлил қилган ва фактларни синчиклаб ўрганган А.Ишаев эса: «Кўнғирот (Сурхондарё) шевасидаги *меннәр* формаси бошқа ўзбек шеваларида, умуман бошқа туркий тилларда учрамайди. Бу форма аналогия бўйича (*сеннәр* га ўхшаш) вужудга келган бўлиб, у сўзловчининг ўзига нисбатан ҳурмати, баъзан эса мағрурлик, манманлик маъноларини ифодалайди», дейди.³ Айнан кўнғирот шевасида сўзнинг олим таъкидлаган стилистик оттенкалари бўлса

¹ Суяров И. Местоимения в современном узбекском литературном языке: Дисс. ...канд.филол.наук. – Самарканд: СамГУ, 1965. –Б.49-50.

² Алимуродов Х. Сурхондарё область кўнғирот шеваларида кўплик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1974. – №4. –Б. 66.

³ Ишаев А. Ўзбек шеваларидаги кишилиқ олмошларининг кўплик формалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. -№4. –Б.31.

бордир. Аммо қайд этилганидек, ушбу шаклнинг бошқа бирор жойда ёки шева ва тилда учрамаслиги уни ҳатто қўнғирот шеваси доирасида меъёрий ҳолат деб баҳолаш, барча қўнғиротликлар тилида *менлар* олмошининг қўлланиши, бу қўлланишда турли хил стилистик маънолар англашилиши ҳақидаги фикр кишида шубҳа туғдиради.

У. Бу олмошнинг илмий адабиётларда ҳам шахс, ҳам кўрсатиш хусусиятлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар берилади. Унинг бир неча вариантлари бор ва уларнинг қўлланишида ФУлараро чегараланиш мавжуд. Бу хусусият тарихан ҳам бўлган, масалан, унинг ул шаклини эслайлик. Бу шакл ҳозирда фақат БУдагина сақланиб қолган: *Дарёларнинг ул юзида уйларингиз, / Оқаришиб кўринади бўйларингиз* (Қўшиқдан).

Дарҳақиқат, мазкур олмошнинг поэтик нутқда энг фаол варианты ул шаклидир. ЎТИЛда унга эск. (эскирган) белгиси қўйилган.¹ Адабий тил меъёри нуқтаи назаридан бу тўғри. Айни пайтда, у поэтик нутқда яшаб келмоқда. Бунда ҳам икки йўналиш кузатилади: тарихий мавзудаги бадий асарларда ва, асосан, аруз вазнида ёзилган шеърий асарларда: *Ижозат берсангиз, ул зотдан маслаҳат сўрасам* (О.Ёкубов). *Икки барг таърифин Эркин / Шеърга солса тонг эмас, / Ул бир ташибеҳли баргу / Ул бири тажнисли барг* (Э.Воҳидов) каби.

Юқори услуб тақозоси билан у олмоши *а/о* га айланади ва тушум келишигида қўлланиладиган *ани/они* вариантлари юзага келади: *Асли ани кўрмакка йўқ тоқат, демишлар, / Сўз десалар, ҳай-ҳай, паришон дейдиларму?* (М.Али). *Бахт қуши учгай фалакда — келмагайдир айланиб, / Оташин бошимга они кўндиролмайман, гулим* (У.Азим).

Мумтоз шеъриятга ҳамоҳанг бўлган матнларда у нинг *а/о* варианты, айниқса, қаратқич келишликли сўзларда фаол учрайди: *Най мисоли шим кийган ул / Сандиқдайин туфли билан, / Хўрпайиб турган саватдек / Соч анинг бошиндадир* (Э.Воҳидов).

У олмошининг *а/о* вариантлари жўналиш ва чиқиш келишигидаги олмошли қурилмалар таркибида иштирок этиши ҳам мумкин. Фақат унда олмош ва келишик қўшимчаси орасида бита *н* товуши орттирилади: *а+н+га / анго, а+н+дин / ондин: Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз* (Навоий).

БНда у олмошининг кўплик шакли қўшилган тарихий алар варианты ҳам учрайди: *Неча дафъа аларнинг сулҳ ва итоат бобида*

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. 2-том. — Москва: Рус тили, 1981. —Б.271.

берган пуч ваъдаларига инондим, бироқ ҳар сафар ҳам мана шундоқ гофил қолдим (Х.Султонов).

Шундай қилиб, учинчи шахсни ифода этувчи БўОлар бўлган унинг *ул, ани/они, анинг/онинг, анга/анго, андин/ондин* сингари келишикли вариантлари мавжуд бўлиб, ҳозирги адабий тил нуқтаи назаридан уларнинг қўлланилиши меъёрий ҳолат ҳисобланмайди. Улар фақатгина БМларда қўлланилиб келинмоқда ва шу услуб доирасида хослангандир.

КиОларнинг кўплик шакли бўлган *биз* ва *сиз* олмошларининг нутқда ФС оттенкаларининг кенгая борганлиги уларнинг кўпликни англатиш имкониятларини бир қадар чеклаб қўймоқда. Шунинг учун кўпликни ифодалаш мақсадида уларга яна *-лар* қўшилган вариантдан фойдаланилади: *Бизлар келдик. Сизлар ўтириб туринглар* каби. Уларнинг ҳозирги адабий тилимизда вариантлари мавжуд эмас.

Кўрсатиш олмошлари. С.Иброҳимов КўОлар ҳақида сўз юритар экан, қуйидаги далилни келтиради: «Ҳозирги замон ўзбек тилида КўОлар икки вариантга эга: а) тўлиқ варианты, масалан: *ул, бул, шул, ўшал*; б) тўлиқ бўлмаган варианты, масалан: *у, бу, шу, ўша* каби».¹

Ҳозирги ўзбек адабий тилида С.Иброҳимов келтирган иккинчи вариант меъёрлашган. Аммо бу меъёрлашиш биринчи вариантни тилимизда яшаш ҳуқуқидан маҳрум эта олмайди. Улар БУда ҳамон яшаб келмоқда. Шундай экан, *ул, бул, шул, ўшал* сингариларни *у, бу, шу, ўша* каби олмошларнинг вариантларидир дейишга ҳақлимиз. Матнда улар фақат ана шу ҳолатдагина қўлланмаслиги мумкин. Структурал ўзгаришларга юз тутганда ҳам вариантлилик ҳосил бўлади. Масалан, олмошларнинг бу тури қаватланган ҳолда, плеонастик қўлланганда бирикмали вариантлилик содир бўлиши мумкин: *ана у – ана шу – ана бу – ана ўша, мана у – мана шу – мана бу – мана ўша* каби. Ҳу *ана у* қир ёнбағрига қатор ипак чодирлар тикилган, пастга, сой этагига соғимли оқ биялар боғланган эди... (О.Ёқубов). *Ана ўша* харрак, ўзимизнинг наъматак! *Ана шунақа! Мана бу сизга! Адамлардан — куёвларига!* (Ў.Ҳошимов). *Мана бу ерда, ҳарир ипак парда билан тўсилган алоҳида жавонда устоднинг қўлёзмалари ва рисоалари сақланарди* (О.Ёқубов). *Мана бундай жонимга тегди!* (Ў.Ҳошимов) каби.

¹ Иброҳимов С. Айрим олмошларнинг эволюцияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1960. – №5. – Б. 56-63.

Шунингдек, *-ча, -дай/-дек* қўшимчалари ёрдамида ўхшатиш, қиёслаш, айна вақтда, кўрсатиш маънолари ҳосил қилинган ҳолатларда ҳам олмошларда вариантлик юзага келади: *унча/унчалик/унчалар/ундай, бунча/бунчалик/бунчалар/бундай, шунча/шунчалик/шунчалар/шундай, ўшанча / ўшанчалик/ўшандай* каби. Аммо бу вариантликнинг юзага келишида айнан КўОлардан кўра уларга қўшилган ўхшатиш воситаларининг хизматлари кўпроқ эканлигини таъкидлаш тўғри бўлади.

Шу. Таъкид маъноси кучли бўлган ушбу олмош нутқ жараёнида фаол қўлланади: *Кўз олдимда собит турар фақат шу ватан!* (А. Орипов).

Шу нинг тилимизда *шул* варианты мавжуд. ЎТИЛда унга *эск.* (эскирган) белгиси қўйилган.¹ У ҳозирда БУ доирасида чегараланган: *Ақл - ойдин кечада ярқираган кўл, / Шул нурга элтади бунда барча йўл* (О. Матжон).

Айрим ҳудудларда же-ловчи шеваларда сўзлашадиган ўзбеклар ҳам *шул* олмошини ишлатадилар. Шунинг учун ҳам Т.Мурод асарларида ундан персонажлар нутқини индивидуаллаштириш ва нутқий аниқликни бериш жараёнида фойдаланган: - *Шул, шул, -деди раисимиз. - Деҳқонқул шул!* (Т.Мурод).

Шул таркибига *-ки/ким, -дир* элементларининг қўшилиши экспрессивликни янада кучайтиради: *Боис шулким, ўнг қирғоққа тирноқ ботириб, / Сувга тумшуқ суқаётир қўш бошли бургут* (О.Матжон); *Тириксан, ҳақиқат шулдир, / Бир куни ўлсак, бу ҳам ҳақиқат* (А.Орипов).

Шундай. ЎТИЛда қайд этилганидек, «худди айтилганга, кўзда тутилганга ёки кўз ўнгидагига ўхшаш, шунга ўхшаш, шу сингари; шу қадар, шунчалик, бунчалик»² маъноларини англатувчи *шундай* олмошининг ўзбек тилида *шундайин, шунақа, шунақанги, шундоқ/шундоғ, шундоққина, мундоқ, мундай, мунақа* каби вариантлари ҳам мавжуд бўлиб, улар, асосан, СУ ва БУларга хосланган. Бу ўринда ҳам вариантликни юзага келтирувчи ҳолат ўхшатишли воситалар бўлиб ҳисобланади: *Оппоқ соч одам шундай дея чапак чалади* (Т.Мурод).

Ушбу олмошнинг ўзбек тилидаги вариантларини келтирамиз:

- *шундайин* варианты қипчоқ шеваларида қўлланилади. Шунинг таъсири бўлса керак, «Алпомиш» достонининг Фозил Йўлдош

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. 2-том. – Москва: Рус тили, 1981. –Б.431.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. 2-том. – Москва: Рус тили, 1981. –Б.432.

тилидан ёзиб олинган вариантида бу сўз 29 марта қўлланган: *Бораётган шундайин* бойлар эди, / *Қалмоқ юрти бундан беҳабар эди*;

- шунақа: Э,- деб қуйди майкачан киши ҳамон илжайиб,- *Шунақа бўлувдими?* (Х. Султонов);

- шунчалик: *Шунчалик* отанга ўхшайсанми қизим? (У. Назаров);

- шунақанги: *Ташишим бошимдан ошиб ётибди, пахтани ўйлайми ё шунақанги* исковичларни пойлайми? («Бекажон» газетаси);

- шундоқ: *Баъзан шундоқ*, *Одамзотининг / Тирноғига зор бўламиз, ҳа!* (А. Орипов). Ушбу олмошнинг шундоғ варианты ҳам бор: *Балки сайёҳларга туюлар шундоғ*, / *Нафас олиш осон бу манзилларда* (А. Орипов);

- шундоққина: *Мунис она шундоққина* ёнидаги чорная томон жилиб кўрпачани тўзрилади (У.Назаров).

Дастлаб кўрсатиш, кейинчалик кишилиқ олмоши сифатида ишлатила бошлаган у олмоши тилда икки вазифани адо этади: шахс ўрнида келади, шахс ва предметни кўрсатади. Бошқача айтганда, у да омонимик хусусият мавжуд. Унинг қайси маънода қўлланаётгани матндан англашилади. Мазкур сўзнинг ул варианты ҳар икки ҳолатда ҳам муайян эстетик ифода учун хизмат қилаверади: *Қачон ул тотли кун келгай, етарман лаҳза бошинга*, / *Қачон бўлгай мушарраф бўлгамен жоно жамолинга* (Э.Воҳидов).

Бу олмошининг ўзбек тилидаги вазифаси «...сўзловчига анча аён бўлган, сўзловчига нисбатан яқин масофада турган, яқиндагина эслатилган нарса, воқеани кўрсатиш»дан¹ иборат. Унинг варианты бул ҳозир фақат БМлар доирасида чегараланиб қолган: *Вақт, замон олий ҳакам*, / *Бул кун фано топган газал* (Э. Воҳидов) каби.

Ушбу олмошдан ясалган ўхшатиш шакли бундай қуйидаги вариантларга эга:

- мундоқ: *Укамнинг бошига мундоқ* иш тушиб турганда, машинага бало борми (Х.Султонов);

- мунақа: *Ҳа, ана! –деди Ниёзов, керагидан кўпроқ шодланиб, - Иш мунақа бўпти* (У.Назаров). Олмошнинг ушбу варианты й-ловчи шеваларга хос;

- мундай олмоши вариантлар орасида же-ловчи шеваларда бирмунча фаол: *Мундай* қарасалар, балчиқда бир мурда ётган эмиш (Т. Мурод). «Алпомиш» достонида ушбу вариант 23 марта

¹ Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –Б.307;

қўлланганлиги ҳам унинг халқ оғзаки ижодига таъсири сифатида баҳоланади.

Гарчи СНда *мундай, мундоқ, мунақа* вариантлари мавжуд бўлса-да, адабий тил меъёрлари нуқтаи назаридан улар ижобий ҳодиса саналмайди. Аммо улар БНда маълум образли-эстетик қимматига эга. *Дилраболар бор экан мундоғ...* каби мисраларда у руҳий ҳолатни, эҳтиросни *бундай, бундоқ* сўзларига қараганда кучли ифода этади.

Ўша олмошининг тарихий варианты *ўшал* ҳисобланади: *Севганимдан айрилсам, ўлганим ўшал кундир* (Қўшиқдан). *Қилмадим бир бор ўшал, / Гул юзли зебо бирла сайр* (Э.Воҳидов). Ушбу вариант поэтик нутққа хосланган, тилдаги бошқа ФУларда қўлланилмайди.

Ўзбек тилидаги *ўшандоқ, ўшанақа, ўшандақанги* каби вариантлар олмошга ўхшатиш воситаларини қўшиш натижасида юзага келган: *Гоҳида ўшандоқ тентак хаёллар, / Сендан воз кечмакка ундайди ҳаргиз* (Р.Парфи); *Қўйинг, ўшанақа фарзни* (У.Назаров); *Ўшандақа гапларинг менга сира ёқмайди* («Чархпалак» газетаси); Айрим КўОларнинг қўлланиши БМларда индивидуал характер касб этади. Муҳаммад Али «Абадий соғинчлар» романида КўОнинг тарихий *ушмундоқ* вариантини қўллаган: *Қандай зарурат уни ушмундоқ жасоратга ундади экан?*

Сўроқ олмошлари. Ўзбек тилида СўОларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу гуруҳ олмошлар жумласига *ким, нима, қандай, қанақа, қачон, қайси, қанча, неча, қаер* кабилар киради ва уларнинг миқдори вариантлар ҳисобига янада кўпаяди. Аммо бундай олмошларнинг ҳаммаси ҳам, масалан *ким*, вариантларга эга эмас. Асосан, нарса-предметлар, уларнинг белгилари, иш-ҳаракатнинг ўрни, вақти каби қатор хусусиятларни билдирувчи олмошлар эса вариантлиликка мойиллиги билан ажралиб туради. Қуйида СўОларнинг вариантлари хусусида тўхталамиз.

Нима олмоши. Она тилимизда *нима* олмоши нарса-ҳодисаларга нисбатан фаол қўлланилади: *Хўш, бунини билишининг нима қизиги бор? Тавба!* (Х.Султонов). Спорадик ҳолатлардагина кишиларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин: *Олимжон сизнинг нимангиз бўлади?* каби.

Нима олмоши ўрнида нутқда унинг тарихий вариантлари *на* ва *не* сўзларидан фойдаланиш кузатилади. С.Каримов шундай деб ёзади: «Сўроқ олмошларида услублараро умумийлик мавжуд. Фақат *нима, қайси, қаер* олмошларининг *не, на, қай* тарзида қисқарган шаклларидагина БУга хосликни кўриш мумкин»¹ Ушбу вариантлар

¹ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. –Б.57-58.

асосан БН, қисман, СНда учрайди: *Ишқ аҳлидир паришон, / Ўзга бино на қилсин./ Шеър аҳлидур девона,/ Кибру ҳаво на қилсин* (Э.Воҳидов). *Не* ҳам БУда фаол қўлланилади ва бунда *нима* олмошидагига қараганда образлилик кучли ифода этилади: *Бу не сир, не ҳол бу, нима ўзи бу? Билмайман, кўп оғир ўйга толаман* (М.Али). Образлилик олмошга –*дир/-дур* кесимлик қўшимчасининг қўшилиши билан янада кучайтирилиши мумкин: *Одам недур, нечун дунёга келур?* (Х.Султонов).

Кўринадики, *не* олмоши насрий асарларда ҳам бадий-эстетик вазифани бажаради. Масалан, Х.Султоновнинг тарихий воқеалар акс эттирилган «Бобурнинг тушлари» ва «Бир оқшом эртаги» асарларида бу вариант йигирматадан кўпроқ ўринда ишлатилган: *Сўнгги пайтларда, не боиским, бу ҳазин нолакор байтлар тез-тез хотирага келадиган, бир зум ҳофизасини тарк этмайдиган бўлиб қолди* каби.

Таҳлиллар бу бирликларнинг семантик-стилистик ва функционал кўлами янада кенг эканлигидан далолат беради. Тил тарихида ҳам бу олмошлар фаол қўлланилган. Ғ.Абдурахмонов ва Ш.Шукуровларнинг «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» асарида у *нима* маъносидаги сўроқни билдиришдан ташқари феълга боғланиб, *нима учун, нима сабабдан*; отга боғланиб *қандай, қайси* сўроқ маъноларини ифодалаши, бундан ташқари, матнда ажабланиш, риторик сўроқ гапларни шакллантириш, маънони кучайтириш ва таъкидлаш каби стилистик вазифаларни бажариши ҳақида мулоҳазалар баён этилган.¹

Улардаги бу хусусиятлар ҳозирги тилимизда ҳам давом этмоқда. Бу ҳақда «Ўзбек тили грамматикаси»да унинг предметга нисбатан қўлланадиган *нима* СЎО ўрнида ишлатилишидан ташқари, предмет белгисини ифодаловчи *қандай* олмошига яқин вазифада ёки гапнинг мазмунига қараб *ёмон, кўп* деган маъноларда ишлатилиши, шунингдек, ҳаракат белгисини ифодалаши ҳақида фикрлар баён этилган.²

Маълум бўладики, *на* ва *не* элементлари ўзининг фақат бир маъноси билангина *нима* олмоши вазифасини ўташи мумкин. Бу ҳолат нафақат *нима* олмоши, балки бирикмаларда ҳам кузатилади: *нимадир - недур, надур; нима учун – не учун, нечун, нечук*. Масалан, ўғуз шеваси ва БНга хос бўлган *нечук* сўзини олайлик: *Ғафлат уйқусида эрдим. Айт, нечук фаҳм айладинг* (Э.Воҳидов). Бошқа

¹ Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Тошкент: Фан, –Б. 102-103.

² Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.346.

ҳолатларда эса уни бу доира камровида сақлаб туриб бўлмайди. Бу эса уларнинг тарихан мустақил олмош бўлганлигини ва унга *нима* олмошининг варианты сифатида қараш тўғри эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам «Ўзбек тили грамматикаси»да *нима* олмошининг *не* шаклида келиши ҳақидаги фикрга қўшилиб бўлмайди.¹

Бу илмий манбаларда айтилганлардан ташқари *на/не қанақа, шунча/шунчалик, қанчалик* каби олмошлар ўрнида ҳам қўлланиладики, уларнинг синонимияси ва стилистик фарқлари тўғрисида ишимизнинг олмошлар синонимияси қисмида тўхталамиз.

Не олмошининг *несан, недин/надин, неки* каби шаклларда қўлланилиши ҳам *нима* сўзи билан вариантлик ҳолатини мустаҳкамлайди: *нимасан, нимадан, нимаики*. Аммо уларнинг қўлланилишида муайян фарқлар мавжуд: *нимадан* ўрнида *нимадин* деб қўллаш стилистик ғализлик келтириб чиқаради, *нима* таркибидаги *а* уйғунликни тақозо қилади. -ки қўшилганда эса бирлик таркибида *и* товуши орттирилади ва бу ҳам талаффуздаги уйғунлик қонунияти билан боғлиқ: ***Несан***, ким учунсан, нени истарсан, / ***Надин*** гоҳ кўкдасан, бистарсан? (О.Матжон); ***Неки*** забт этмиш шуур, / *Боис* хаёл ўлса, не тонг (Э.Воҳидов).

Қайси олмоши шахс ёки нарс-предметнинг тартиби ёки ўрнини аниқлаш мақсадида ишлатилади: *Малакмисан ё Таврид афсонавий гўзали*, / ***Қайси*** ҳарам юлдузи, қайси юрак газали (А.Орипов). Ўзбек тилида унинг тарихий варианты -*қай* ҳам мавжуд: *Олис кечалари ҳижронда куйдим / Энди қай сийнага қўяман бошим* (А.Орипов). Унинг ФУларда қўлланиш кўлами бошқа олмошларга нисбатан кенг. Масалан, ПУда: *Бу ерда киши қай бир миллатга, ирқга мансуб бўлмасин, уларнинг барчасини имон ва эътиқод бирлаштирганди* («Zarafshon» газетаси).

Мазкур олмошга –*дир* қўшимчасининг қўшилиши билан *қайсидир* олмоши ҳосил қилинган бўлиб, у ГуО вазифасини бажариб, эмоционаллик хусусиятини касб этади. Масалан: *Икки ойча бурун Бинафшахоннинг номига нома юбориб, узрини айтибди, сўнг қайсидир асрда битилган эски бир китобни сўроқлабди* - илмий ишига зарур экан (М.Дўст).

Қандай олмошининг асосий вазифаси нарс-предмет ёки иш-ҳаракатнинг белгисини аниқлашдан иборат: *Уй масаласи қандай?* (М. Дўст). Унинг қандоқ варианты мавжуд ва у айрим й-ловчи шеваларда учрайди ва БУга хосланган: *Хилватда ўй суриш ярашмас бугун* /

¹ Шу асар. –Б.346.

Заҳматкаш ўзбекнинг ҳосили қандоқ?! (А. Орипов). Қай сўзи бу олмошга ҳам вариант ҳисобланади ва бу ҳолатда ҳам унинг ФУларда қўлланиш имкониятлари кенг. Мас.: ИУда: Хужайра шираси концентрацияси қай даражада бўлишини унинг осмотик босими белгилайди («Ботаника» дарслиги); РУда: Чет эллик шахслар ҳамда чет эл инвестициялари Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларига даъво аризалари билан мурожаат этганда улардан ҳам давлат божу ундириладими ва қай тартибда? («Zarafshon» газетаси).

Қай олмоши жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари қўшимчасини олганда қаер (қай ерга - қаерга; қай ерда - қаерда, қай ердан - қаердан) олмошига вариант бўлиб ҳисобланади:

-қайга: Бу кокилдан узилиб, / Қайга ҳам кетар Комил (Зулфия);

-қайда: Барча йигит майдонда, / Сарвари қайда экан! (Зулфия);

-қайдан: Сени қайдан ахтарайин, о гўзалим, бер жавоб (А.Орипов) каби.

Қанақа олмошига СН ва БНда қандақа олмоши вариант бўла олади: Шошманг, олдин отини айтинг. Оти қандақа? (Х.Султонов).

Ушбу олмошнинг шеваларга хос қатга, қатда, қатдан шаклларда қўлланилиши вариант эмас, балки адабий тил меъёрининг бузилиши сифатида қаралиши лозим.

Неча олмошининг нечта варианты мавжуд. Бу мавжудлик унинг СНда, айрим ж-ловчи шеваларда тарихан неча+та сўзидаги а товушини тушириб қолдириш билан боғлиқ. Шу ҳолатда у СУдан бошқа услубларга ҳам кўчган. Жумладан, БУга: Шифтдаги олтин қандилда нечундир бир нечтагина шам ёнар, бу шамлар шуъласида ложувард кошинлар билан қопланган деворлар, қуббасимон шифтдаги нозик безаклар қандайдир ҳазин товланиб, хонага аллақандай сирли бир руҳ бахш этган эди (О.Ёқубов). ПУга: Шунда у оёғи остида бир нечта «тез ёрдам» машиналари турганига қарамай, мабодо бирор жойдан чақирув бўлиб қолса ноқулай бўлар, дея райкомга шоша-пиша пиёда кетгандилар («Zarafshon» газетаси). ИУга: Крахмал доначасининг ҳосила маркази битта бўлса — оддий крахмал, бир нечта ёки кўп бўлса — мураккаб крахмал доначалари вужудга келади («Ботаника») ва ҳоказо. Аммо улар ҳамма вақт ҳам вариант сифатида бирининг ўрнини иккинчиси боса олмайди: Неча соат ишладинг — Нечта соат ишладинг каби.

Демак, олмошлардаги вариантлилик уларда тарихий жараёнда сўз таркибида содир бўлган ўзгаришлар билан боғлиқ ва функционал хосланишлар СУ ва БУлар доирасида кечади.

1.3. Синонимия олмошларда эскпрессивликни юзага келтирувчи лингвистик ходиса сифатида

Ўзбек тилшунослигида синонимия масаласи ҳамиша тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келди. Муаммо дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва илмий грамматикаларда, номзодлик ва докторлик диссертациялари, монографиялар ва мақолаларда ёритилди, махсус луғатлар яратилди.¹

Синонимия масалаларини тадқиқ этишда ўзбек тилшунослиги катта тажрибага эга, деб бемалол айтиш мумкин. Фахри Камолнинг «Ўзбек тили лексикаси» (1954) ва «Ҳозирги замон ўзбек тили» (1957), Я.Д.Пинхасовнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси» (1960) ва «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1969), М.Мирзаев ва бошқаларнинг «Ўзбек тили» (1962), муаллифлар жамоасининг «Ҳозирги ўзбек адабий тили, икки томлик, I том» (1966), У.Турсунов ва бошқаларнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1965,1992), У.Турсунов ва Н.Ражабовларнинг «Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалалари» (1971), Ш.Шоабдурахмонов ва бошқаларнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1980) ҳамда «Ўзбек тили лексикологияси» (1981) академик нашрлари бунинг далилидир. Ўзбек тили синонимлари махсус монографик тадқиқотлар объекти ҳам бўлган. С.Исамухамедова, А.Дониёров ва М.Раҳматуллаевалар синонимия ва унинг БМдаги хусусиятлари тўғрисида номзодлик диссертациялари ёзишган.²

Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун яна қаранг.³ Улардаги натижалар ва хулосалардан биз ҳам ушбу диссертацион ишда фойдаланамиз.

Кейинги йилларда ўзбек тилини яхлит бир тизим сифатида ўрганишга эътибор кучайганлиги ушбу масалани тадқиқ этишга яна ҳам ойдинлик киритди. Семантик майдондаги парадигма ҳосил қилувчи элементлар ўртасидаги муносабатни юзага чиқарувчи лингвистик омиллар орасида синонимия биринчи ўринни ишғол қилади, ундан кейин эса холо-меронимик, гипер-гипонимик,

¹Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Самарканд. 1967. –18 с; Шамсидинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол фанлари д-ри...дисс.автореф. –Тошкент, 1999. –46 б; Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1974. –308 б; Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарканд: СамДУ, 1975. –240 б.

²Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф.дисс...канд.филол.наук. – Самарканд. 1967. – 18 с; Исамухамедова С. Синонимы в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. –Ташкент, 1963. –16 с; Раҳматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишера Навои: Автореф. Дисс. канд.филол.наук. – Ташкент, 1965. –17 б.

³ Каримов С. Жўраев Т. Ўзбек тили услубшунослиги ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарканд: СамДУ, 2001. –62 б; Қўнғуров Р., Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарканд: СамДУ нашри, 1984. –100 б.

градуонимик, функционимик, зидлик муносабатлари туради.¹ Шу ўринда Р. Қўнғуровнинг «Стилистик жиҳатдан ўрганиш лозим бўлган энг муҳим халқалардан яна бири синонимия ҳодисасидир»², М.Н.Кожинанинг «Олмошлар стилистикаси, табиийки, уларда қанчалик шакл ясалиши ва синонимикаси бўлса, шунчалик ранг-баранг қўлланиш хусусиятларига эмас, балки айнан бир кишилиқ олмошини бошқасининг ўрнида қўллашга, олмошларнинг айрим кўринишларидаги экспрессиясига тааллуқлидир», деган фикрларини эслаш жоиздир.³

Ўзбек тилшунослигида синонимия назариясига оид ишларда, асосан, от, сифат каби туркумларга мансуб сўзларнинг синонимияси ўрганиб келинади. Сон, олмош, равиш ва боғловчи, юклама каби ёрдамчи сўзлар синонимиясини ўрганиш эса эътибордан четда қолиб келмоқда. Ваҳоланки, ҳар бир сўз туркуми доирасида синонимларнинг ўз ўрни, номинатив ва ФС хусусиятлари мавжуд. Бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигини ўзбек тили олмошларининг синонимик хусусиятлари ҳам яққол тасдиқлайди.

Тўғри, она тилимиздаги от, сифат, феъл каби мустақил сўз туркумлари билан қиёсланганда олмошлар сон жиҳатдан озчиликни ташкил этади. Лекин масалага коммуникатив ва ФС нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, гап фақат сўзларнинг миқдорида эмаслиги аён бўлиб қолади. Сўз туркумларидан ҳеч бири матнда олмошчалик фаол қўлланилмаслиги, унинг адресат томонидан ўзлаштирилишига қулай имконият яратиб беришга хизмат қилмаслиги мумкин. Шу маънода олмошлар синонимиясининг ўрганилиши ФС жиҳатдан ғоятда аҳамиятлидир.

Синонимия ҳодисасининг моҳияти, бошқа сўз туркумларида бўлгани каби, олмошларда ҳам ўзгаришсиз қолади. Бу ерда ҳам у нутқий жозибага салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган такрордан қутқаради. Бу -масаланинг бир томони. Иккинчидан эса, олмошларнинг ўзи нутқда ана шу вазифани бажаришга йўналтирилган туркум эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Улардаги вариантлиқ ва синонимик муносабатлар эса она

¹ Нейматов Ҳ, Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995. —128 б; Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол фанлари д-ри...дис.автореф. — Тошкент: 2005. —50 б.

² Қўнғуров Р. Ўзбек тилини стилистик ўрганишнинг аҳволи ва навбатдаги вазифалар // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1984. — №4. —Б. 26.

³ Кожина М.Н. Стилистические ресурсы русского языка как предмет исследования лингвистической стилистики. Глава вторая. Дата создания документа: 27.08.2006. Дата индексирования: 27.11.2006. 120 Kb — <http://syrrik.narod.ru/kozhina/htm>.

тилимизнинг бой имкониятларини бир сўз туркуми мисолида яна ҳам яққол намоёниш қила олади.

Илмий адабиётларда синонимларнинг кўринишлари ҳақида турлича қарашлар баён этилади: мутлақ синонимлар, вариантдор синонимлар ва ҳоказо. Улар лексик дублет ва вариант каби тушунчалар билан қиёсий таҳлил қилинади.¹ Лекин *лексик дублет*, *вариант* ва *синонимия* кабилар айнан бир хил лингвистик тушунчани англатмайди. Шундай бўлганда уларни параллел қўллашга ҳожат бўлмас эди. Уларнинг ҳар бири тилда мавжуд бўлган муайян бир ҳолат ва алоҳида хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам *лексик дублет* термини тилшуносликда *абсолют синоним* атамасининг қўлланишига ҳожат қолдирмайди.

Биз бу ҳар уч лингвистик элементни – лексик дублет, вариант ва синонимияни стилистика учун аҳамиятли деб ҳисоблаймиз ва улар мисолида олмошларга хос бўлган лингвостилистик хусусиятларни аниқлашга ҳаракат қиламиз. Чунки тилдаги *тилишунос-тилчи* типдаги лексик дублетлар маъно оттенкалари, яъни семантикасига кўра фарқланмаслиги мумкин. Аммо нутқда функционал ўзгачаликлар кўзга ташланади. Илмий нутқ (ИН) ёки расмий нутқда (РН) *тилчи* сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмагани сингари, СУда *тилишунос* сўзини ишлатиш нутққа расмийлик оттенкасини беради.

Шу каби хусусиятлар, шубҳасиз, олмошларда ҳам мавжуд. Улардаги синонимия бу туркумдаги сўзларнинг нутқда стилистик имкониятлари янада ёрқин намоён бўлишига хизмат қилади. Қуйида олмошлар синонимиясининг стилистик хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Кишилик олмошлари. *КиОлар* деб номланган олмошлар тарихан ҳам, ҳозирда ҳам шахсларга нисбатан қўлланган, грамматик жиҳатдан шахс отлари вазифасини бажарган.

Мен. Ушбу олмошга эски ўзбек тилида *камина*, *фақир*, *банда* сўзлари синоним сифатида қўлланилиб келинган. Аммо ҳозирги тилда улар *мен* олмошига нисбатан кам қўлланади, асосан СН ва БМлардагина сақланиб қолган: ***Камина*** бу ишга қиблагоҳимдан бемаслаҳат қўл уролмасмен. ***Фақир*** сизнинг насиҳатларингиз самимий эканига шубҳа қилмасмен. ***Бандаи*** оғиз ўз

¹ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002. – Б.27, 37, 59; Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.106;

пуштикамаримдан бўлган фарзандим билан урушмоқдамен, салтанат талашмоқдамен... **Фақир**у **ҳақир** сиздай адолат масканининг шамси зиёси, ... шаънига бир шеър битган эдим... (О.Ёқубов) сингари.

Тилнинг функционалиги нуқтаи назаридан қайд этиш мумкинки, мен ўрнида *камина, фақир, банда* сўзларини БУда қўллаш образлилик ва таъсирчанликка катта хизмат қилиши мумкин бўлгани ҳолда, уларнинг ўрнида мен ни қўллаш бунинг акс натижасини бериши кузатилади. Қиёс қилинг: **Мен** бу ишга қиблагоҳимдан бемаслаҳат қўл уролмасмен. **Мен** сизнинг насиҳатларингиз самимий эканига шубҳа қилмасмен каби. Бадииятда баъзан мен ўрнида қул сўзи ҳам қўлланилади ва камтарликнинг олий намунасини ифода этади: *Садоқати зоҳир қўлингиз сиздай валинеъмат пушти-паноҳимга кийик овлаб, тоғларда юрган эдим* (О.Ёқубов).

КиОлар ўзининг кичик доирасида – шахсни кўрсатиш жараёнида ҳам ўзаро синонимик муносабатга киришиши мумкин. Масалан, матнларда алоҳида мақсадлардан келиб чиқиб, *биз* олмоши мен олмошининг ўрнида якка шахсга нисбатан қўлланилади. Бундай пайтда унинг семантик маъносида икки йўналишни кузатиш мумкин: бир томондан мақтаниш, ғурурланиш, ғўдайиш каби маъноларни: *Шаҳзода яна бир пиёла шароб қўйиб унга узатаркан: –Ма, ич, амир,– деди ва кулди.–Билиб қўй, биздай амиралмўъминин қўлидан ёлғиз сен май ичурсен* (О.Ёқубов); иккинчи томондан эса, камтарлик маъносини ифодалайди: **Биз** бошқариш деб атайдиган фаолият тўла сафарбарликни талаб қилади, бунда инсоний тажриба ва интеллект мужассамлашган («Менежмент асослари») каби. *Биз* олмошининг якка шахс ва камтарлик маъносида қўлланиши кўпинча илмий адабиётларда учрашини И.Суяров ҳам таъкидлаган эди.¹ Худди шу ҳолат уларнинг услублараро чегараланишларини келтириб чиқаради.

Сен. Ушбу олмошнинг стилистик имкониятлари ҳам мен сингаридир. Яъни у ҳам сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни таъкидлаш оттенкасини беради: *Аммо... сен шаҳзодани билмайсен, Али. Билмайсен!–Мирзо Улуғбек ўридан туриб кетиб, хонани бир айланиб чиқди* (О.Ёқубов). Олмошнинг тушиб қолиши гапнинг мазмунига путур етказмайди, унинг кимга қаратилганлиги феълдан англашилаверади. Лекин унинг қўлланилмаслиги бараварида таъкидлаш оттенкаси ҳам йўқолади: *Аммо... шаҳзодани билмайсен,*

¹ Суяров И. Биз ва сиз олмошларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. – №5. – Б.40.

Али. Билмайсен!—Мирзо Улуғбек ўрнидан туриб кетиб, хонани бир айланиб чиқди.

Сен олмоши БНда мен ўрнида ҳам қўлланилади ва кучли бадий-эстетик таъсир кучига эга бўлади: *Билмайдиким... йўқ, тўхта, Муҳаммад Тарагай! Нечун сен шахзодадан ранжийсен?* (О.Ёқубов). Бундай қўлланиш сўзловчининг ўзига-ўзи хаёлан мурожаат қилганида воқе бўлади.

Сен КиОнинг 2-шахс бирлиги сифатида тингловчини ифодалайди. Унга қўшилган *-лар* сўзнинг қўшимча семантик-стилистик маъноларини юзага чиқаради. Менсимаслик, камситиш, ҳақоратлаш, қаҳр-ғазаб, аччиқланиш оттенкалари шулар жумласидандир.

Мен олмошига кўплик кўрсаткичи *-лар* ни қўшиш мумкин бўлмагани ҳолда, уни *сен* га қўшиб ишлатиш мумкин бўлади. Аммо бу қўшилишдаги оттенкалар фарқланади. Жумладан, ёши кичикларга нисбатан ***Сенлар*** бир ўйнаб келинлар тарзида ишлатилганда у фақат грамматик вазифасини адо этади. Ёши катталарга нисбатан қўлланилганда эса *-лар сен* олмоши бераётган ҳурматсизлик ва ҳақоратлаш оттенкаларини яна ҳам кучайтиради: ***Сенларнинг*** *касофатингга қолдим* (Т.Мурод) каби. Мана бу гапларда эса у ғазабланиш оттенкасини берган: *Агарчи сенлар шахзодадан қўрқсанглар, у билан ўзим олишаман!* (О.Ёқубов). Менсимаслик, камситиш оттенкалари: ***Сенлар***, *ўзи, қаердансан? Сенлар, ўзи, қаерда ўсдинг? Сенлар, ўзи, кимни боласисан?* (Т.Мурод).

О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида *сен* ва *сиз* олмошларининг нутқий оппозицияси муносабатнинг ғоятда аниқ ифодаси учун хизмат қилганлиги кузатилади: ***Сенлардин*** *тилайдурган бошқа тилагим йўқ. Фақир сиздай шогирдларимдин минг бор розимен.*

Биз. Бу олмошнинг грамматик вазифаси сўзловчи ва унинг сўзлаш жараёнида ёки ҳаракатнинг бажарилишига алоқадор бўлган бошқа шахсларни ҳам ифодалашдан иборатдир. *Биз* олмошининг 1-шахс кўпликни англатиш доирасидан ташқарига чиқиши семантик-стилистик маъноларни вужудга келтиради. Шу нуқтаи назардан *биз* олмоши ва унинг *-лар* қўшимчасини олган *бизлар* шакли англатадиган камтарлик, мағрурлик, манманлик маънолари унинг семантик-стилистик маънолари бўлиб ҳисобланади.

И.Суяров уларнинг бу каби ўзаро алмашилиб қўлланиши хусусида қуйидаги фикрларни баён қилган эди: «*Биз* олмошининг

айнан бир формада камтарлик ва манманлик маъноларини ифодалаши қизиқ ҳодисадир. Чунки бу маънолар бир-бирига қарама-қарши маънолардир. ...*биз* олмошининг бу иккала маъноси унинг кўпликни, коллектив шахсни ифодалаш хусусиятидан келиб чиқади».¹

Сиз. Тингловчининг бирдан ортиқлигини ифодалаши унинг грамматик маъноси бўлиб ҳисобланади. Ёши катта кишига нисбатан қўлланиши ҳозирги ўзбек адабий тилида меъёрлашган. Шунинг учун ҳам кўпликни ифодалашга эҳтиёж сезилганда ҳозирги ўзбек тилида унинг *сизлар* шаклига мурожаат қилинади.

У ва *улар* олмошлари билан синонимик муносабатга киришувчи элементлар биз кўрган манбаларда кузатилмади.

Кўрсатиш олмошлари. Ўзбек тилшунослигидаги олмошларни ўрганишга бағишланган ишларда уларнинг бир тури бўлган *у, бу, шу, ўша* каби КўОлар ҳақида сўз юритилган.²

Ушбу олмошлар семантикасида сўзловчи турган жой билан кўрсатилаётган жой ўртасидаги масофа ҳамда нутқ моментида нисбатан яқин ва узоқ вақт асосий омил ҳисобланади. Жумладан, *у* вақт ва масофани умуман қайд этиш ёки таъкидлаш хусусиятига эга: *У вақт сайр қилган эдик истаган қадар, / Гул сочишиб ўйнардик бир-биримизга* (Зулфия). Унинг ана шу хусусиятидан келиб чиқиб, ўрнида бошқа бир сўзни қўллашга одатланилмаган. Жуда кам ўринларда унга *ўша* олмоши синоним бўлиши мумкин: *Қайтар мени, яна ўша ер томон! / Ўша ерда бизнинг ҳаёт ва севги* (Зулфия). Ҳар икки ҳолатда ҳам сўзловчи ва тингловчига маълум бўлган жой кўрсатилади. *У* га қараганда *бу* ва *шу* олмошларида аниқлик, вақт ва масофа жиҳатидан яқинликни кўрсатиш имконияти мавжуд. Шу маънода улар бир-бирларига яқинлашади ва баъзан синонимик муносабатга киришиши мумкин бўлади. Улардаги бу хусусиятни айрим тилшунослар нутқда айнан бир олмошнинг такрор қўлланишининг олдини олади, деб баҳолашади.³

Вақтни билдирувчи сўзларга асосан *шу* олмошининг қўшилиши кузатилади ва *у вақт, лаҳза, он, дам* сўзлари билан биргаликда турғунлашади: *Оғзингиздан чиққан буг шу пайт / Айланади қор билан музга! Хўрсинди-ю, Зийнат кўзин юмди шу лаҳза: / «Юзинг қурсин, чол!» Ким билади, шу он – тез оқар дарё / Каби не хил хаёл ва неча*

¹ Суяров И. Биз ва сиз олмошларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. – №5. – Б.40.

² Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.337.

³ Қиличев Э., Қиличев Б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Бухоро, 2002. – Б.80.

тақдир. Небу **бир дам** қулоқ солиб, бошини кўтаради (Зулфия). Бундай пайтда иш-ҳаракатнинг зудлик билан амалга ошганлиги англашилади. Гарчи унинг ўрнида бу олмошини синоним тарзда қўллаш мумкин бўлса-да, бундай ҳолатда ана шу зудлик маъносидан кўра умуман пайтга ишора англашилади. Қиёслаймиз: *Жинояткор эримни... афсуски, бу дам / Афв этишига бермашиш бурчи ихтиёр. Қоракўз, шаҳлокўз ва кўккўз, тетик, / Аммо барчасини бит босди шу дам* (Зулфия). Таҳлилдан шундай хулоса келиб чиқадики, бу ва шу олмошлари вақт маъносига ишора қилишда умумий маънода бири иккинчисининг ўрнини босиши мумкин бўлса-да, муайян стилистик оттенкаларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам *Хаёлларга бўлар шу он ром. / Шифтларидан авлиё, малак* (Зулфия), *Шу сабабдан, Ражабовни тўғри шу ерга олиб келибди* (Т.Мурод) мисолларида шу ни бу билан алмаштириб бўлмайди.

Юқорида *ўша* олмоши у билан синонимик муносабатга кириши мумкинлиги қайд этилган эди. Аммо улар нутқда қўлланиш имкониятларига кўра жиддий фарқларга ҳам эга. «Масалан, *ўша* олмоши ҳар доим сўзловчига илгаридан маълум бўлган, нутқ моментиғача танишилган предмет ёки воқеа-ҳодисани кўрсатади, у олмоши эса бундай хусусиятга эга эмас. Иккинчидан, *ўша* олмошида таъкидлаш оттенкаси кучли, у олмоши учун таъкидлаш характерли эмас. Учинчидан, *ўша* олмоши *айнан, худди, нақ* каби сўзлар билан бирга келиб, ўхшатиш воситаси ролини бажара олади. У олмоши эса бундай функцияда қўлланмайди».¹ Айтилганларга *ўша* га тегишли бўлган яна бир ҳолатни қўшимча қилиш мумкин: у айрим кишиларнинг нутқида ортиқча унсур сифатида керак бўлган-бўлмаган ҳолатларда қўлланилавериши ҳам кузатилади: *Мен ўша айтмоқчи бўлган гапим... Мен демоқчи эдимки, ўша куйиб-пишиб гапиришлар ўринсиз эди* каби.

Ушбу олмоши эса *шу, бу* сўзлари билан ўрин алмаштира олади: *Ўзбекистон - ягона Ватан учун яшайлик. / Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик* (А.Орипов) - *Ватан ичра ушбу гўзал чаман учун яшайлик* каби.

Аммо бу синонимик муносабатга киришиш ҳамма вақт ҳам содир бўлавермайди. Масалан:

- шахс ёки нарс-предметларни кўрсатиш мақсадида қўлланганда: *Шуларнинг барчасидан биратўла воз кечиб бўладими?*

¹ Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.121.

(Х.Султонов). *Булар ҳам тасқара эмас, болалари чиройликкина* (У.Назаров).

- такрор қўлланиб, ҳаракатнинг белгисини билдирганда: *Шу-шу бўлди-ю, Сиддиқжон яна ўз тўпига қўшилиши тараддудига тушди* (А.Қахҳор).

- кириш бирикма вазифасида келганда: – *Шу дейман, сал бодироқсиз-да, Тўлқинов, – деди* (М.Дўст). *Бу дейман, Сизни яхшигина боғбон дейишади, шу тўғрими?* («Бекажон» газетаси).

Сўроқ олмошлари. СўОлар шахсга, предметга, белгига, миқдорга, вақтга, мақсадга, сабабга ва ўринга муносабат англатади.¹ «Ўзбек тили стилистикаси»да уларнинг турли хил кўринишлари (*ким, нима, нега, қанақа, қандай, қалай, қайси, қанча, қачон, неча, қаер, қани* ва бошқ.) матн билан боғлиқ равишда ўзаро синоним сифатида ишлатилиши кайд этилади.²

СОлардаги бу хусусият унинг фақатгина бошқа мустақил сўз туркумлари ўрнида келишинигина эмас, балки нутқда стилистик имкониятлари кенг эканлигини кўрсатади.

Улар орасида *нима* олмошининг стилистик имкониятлари бирмунча кенгдир. Жумладан, у қуйидаги олмошлар ўрнида қўллана олади:

– *ким: Сенинг отинг нима эди?* Оғзаки нутқда баъзан бу тарзда қўлланиши адабий тил нуқтаи назаридан меъёрнинг бузилишидир. Бу камчилик табиий равишда БМларга ҳам кўчади: – *Керак эмас, ўтиринг. Отингиз нима? – Отим Хушвақт!* (Ш.Холмирзаев) – *отинг ким;*

– *қандай: У бошимизга нима кунларни солмади* (Оғзаки нутқдан). *Сиз ҳам, кўнглингизда нима кудрат бўлса кечақолинг* (Х.Султонов).

Қандай олмоши *яхшими ё ёмонми* тарзида аҳвол сўраш маъносида *қалай* олмошига синоним бўлиши кузатилади: *Ишинг қандай, ўғлим? – Ишлар қалай, ўғлим?* (Оғзаки нутқда). *Хў-ўш, коллега, ишлар қалай?* (Ў.Ҳошимов) каби. Шунинг учун ҳам умуман сўралганда *қалай* сўзига мурожаат қилиш ғализликни келтириб чиқаради: *Чиройлими, баломи, етмиши кило пахтани қандай теради?* (Ў.Ҳошимов) - *Чиройлими, баломи, етмиши кило пахтани қалай теради?* каби. Шу туфайли *аллақандай* ўрнида *аллақалай, қандайдир*

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.343.

² Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.121.

ўрнида қалайдир, қандай қилиб ўрнида қалай қилиб тарзида қўллаш стилистик жиҳатдан хато бўлиб ҳисобланади. Аммо ҳар қандай ва ҳар қалай бирликлари нутқда қўлланилади ва уларнинг маъно англатиш имкониятлари кенгайди. Ҳар қандай белгилаш, ҳар қалай модаллик маъносини англатади.

Қанақа олмоши ҳам қандай га синоним бўлади: *Қани, бир ғайрат қил-чи, кўрамиз, сувга тескари сузиш қанақа бўларкан?* (Ў.Ҳошимов). *Танловга қандай артистларни юборсак экан,- деган таъвиш ҳаммани қизиқтирарди* («Чархпалак» газетаси) - *Қанақа беда денг, боғи қучоққа сизмайди. Танловга қанақа артистларни юборсак экан, – деган таъвиш ҳаммани қизиқтирарди* мисоли қиёсида қанақа олмошининг қўлланишида қандай га нисбатан экспрессивлик бир қадар кучли эканлиги сезилади. Баъзан оғзаки нутқда, айниқса, Тошкент шеvasида *Ишлар қанақа?* тарзида аҳвол сўраладики, бу ҳам адабий меъёрнинг бузилиши ва суҳбатдошга нисбатан ўзини баланд қўйиш, менсимаслик оттенкасини келтириб чиқаради: *Шош-шошманг, олдин отини айтинг. Оти қанақа?* (Х.Султонов).

Қайси. Ушбу олмош ўзбек тилида белгини аниқлаш учун ишлатилади. Уни қўллашдан сўзловчи ва тингловчига маълум бўлган шахс, нарсa-ҳодиса орасидан бирини ажратиб сўраш назарда тутилади: *Қайси Мирам? Қайси зиндонга солмишлар?* (О.Ёқубов).

Қайси олмоши камдан-кам ҳолатларда қандай сўзи билан синонимик муносабатга киришади: *Бугун қандай кун? – деди Ботир фирқа* (Т.Мурод) - *Бугун қайси кун? – деди Ботир фирқа.* Бу ўрин алмашишлар бирмунча аниқлик талаб қилади. Чунки улар матнда бири ўрнини иккинчиси босаётгандай туюлаётган бўлса-да, аслида стилистик оттенкаларига кўра фарқланиб турибди. *Қандай кун* бирикмасидан икки маъно – мамнунлик ва сўраш; *қайси кун* бирикмасидан фақат сўраш оттенкаси англашилади. Иккинчи маъно назарда тутилгандагина уларнинг синонимияси мантиқан тўғри бўлади.

Неча олмоши миқдорни аниқлаш мақсадида қўлланилади: *Неча аждод кечган бордан йўл қолди, / У йўлларда Сизу мендан йўқдир из!* (Зулфия). Унга кўплик маъносини англатадиган қанча олмошини синоним сифатида бемалол қўллаш мумкин: *Қанча рўзгор бошин ютган шум оқим / Гирдобига олди менинг ҳам бахтим* (Зулфия). Айни пайтда, неча сўзи қанча нинг ўрнини боса олмаслигини ҳам таъкидлаймиз: *Жисминг толса ҳам кут, толарми кўнгил, / Келар йўли*

қанча бўлмасин узоқ (Зулфия). Бу неча да санаш, қанча да эса миқдор оттенкасининг бўртиб туриши билан боғлиқ бўлади.

Қачон олмошининг қўлланилиши вақт маъноси билан боғлиқ: **Қачон** келар бу туянинг эгаси, / Кумушдандир қарчигайнинг чегаси («Алпомиш»). У айрим ҳолатлардагина нима сўзи ва қай вақт олмошли бирикмасига синоним бўлиб келади: *Сен бир гўрга ўхшайсан, сенинг ўхшаганинг билан қачон ишим бор* («Алпомиш») - *Сен бир гўрга ўхшайсан, сенинг ўхшаганинг билан нима ишим бор* каби.

Нега олмоши сўраш, иш-ҳаракатнинг юзага келишидаги сабаб ва мақсадни аниқлаш учун қўлланилади: **Нега** тилкалайсан бағримни оҳанг? (А.Орипов). Унинг ўрнида нимага олмошини бемалол қўллаш мумкин: *Ит нимага ҳурди? Ахир... неча очликдан ўлади?* (Т.Мурод) - *Ит неча ҳурди? Ахир... нимага очликдан ўлади?* каби.

Аммо нима олмоши нимагадир шаклида гумон маъносини англатганда, нечадир ни унга синоним сифатида қўллаб бўлмайди: *Лекин уч-тўрт қадам ўтмасданоқ нимагадир қоқилиб йиқилди* (О.Ёкубов) - *Лекин уч-тўрт қадам ўтмасданоқ нечадир қоқилиб йиқилди*. Чунки нимагадир ушбу гапда предмет, нечадир эса ҳаракат билан боғлиқ бўлиб турибди.

Нега олмошига нима учун ва унинг қисқарган шакли нечун ҳам синоним бўла олади: **Нега** сиз билан биз юрибмиз, улар эса очликдан ўлади? (Т.Мурод) – **Нима учун** сиз билан биз юрибмиз, улар эса очликдан ўлади? **Нечун** сиз билан биз юрибмиз, улар эса очликдан ўлади? *Нечун* да поэтик нутққа мойиллик кучли ва шунинг учун ҳам шеърӣ матнларда уларнинг қўлланиши фаолдир. Масалан, у Зулфиянинг «Мушоира» тўпламида 31, «Шалола»да 23, «Камалак» тўпламида эса 8 марта қўлланган ҳолда нима учун «Мушоира»да 6, «Камалак»да 9 марта қўлланган. *Нима учун* нинг қўлланиши драматик ва прозаик асарлар матни билан боғлиқ бўлган. Мисоллар: *Оҳ, ўлкам... бепоён далалар юрти / Нечун ҳамма ёқда чўкмиш сукунат? Нима учун шундай? Нима учун ҳар бир тирик жонни беҳуда таомил ва урф-одат гўрига тикасизлар?* (Зулфия). Бу эса ҳар иккала олмош ўзаро синонимик муносабатга кириша олса-да, уларнинг қўлланиши функционал жиҳатдан чегараланганлигини кўрсатади.

Нега олмошига нечун нинг варианты ҳисобланадиган нечук ҳам синонимик муносабатда бўлади. Шу синонимик қаторга қандай олмошини ҳам киритиш мумкин: *Нечук* олмоши ҳам қандай га

синоним бўлиши мумкин: *Хўш, хўш, Салимнинг аҳволи нечук экан, билиб келдингизми?* каби. У қандай қилиб нинг ўрнида кела олади: *Гафлат уйқусида эрдим / Айт, нечук фаҳм айладинг?* (Э.Воҳидов).

Қани сўзининг олмошлараро синонимик муносабати кўзга ташланмайди, у фақат *-чи* юкламаси билан шундай муносабатга киришиши мумкин: *Туманда нима гаплар бор, гапиринг, қани?* (Т.Мурод) - *Туманда нима гаплар бор, гапиринг-чи?* Аммо *гапиринглар-чи* шакли расмий ва *қани* халқчил вариант ҳисобланади.

На/не олмошлари. Уларни алоҳида бирликлар эмас, балки вариантлар сифатида қараш тўғри бўлади. Чунки уларнинг қўлланилишида маънода кескин ўзгаришлар содир бўлмайди, балки оттенкаларида, нутқий вазиятга қараб функционал чегараланишларида фарқлар сезилади.

Уларнинг қўлланиш нисбатини олиб қараганда *на* нинг *не* га қараганда фаоллиги суст. У инкор юкламаси шаклидагина БН ва СНларда фаол қўлланади.

Дарҳақиқат, *на/не* худди шу шаклдаги инкор маъносидаги сўзлар билан омонимик муносабатда эканлигини таъкидлаш лозим. *На ором, на хаёл банд этар уни, / На ойна олдида соч тарар бу қиз.* (М.Али) каби ҳолатлардаги юкламалик вазифасини олмош тарзида қабул қилиб бўлмайди.

На/не сўзи *нима* олмошининг қисқарган кўриниши эмас, балки тарихан шаклланган бирлик эканлигини унинг асрлар давомида ўзбек нутқида фаол қўлланилиб келинаётганлиги исботлаб турибди. Ана шу фаоллик унинг кўламини кенгайтирган, унинг зиммасига қўшимча оттенкалар юклаган ва бошқа шу вазифани бажарадиган ёки унга яқин бўлган олмошлар билан синонимик муносабатни вужудга келтирган. Таҳлиллар уларнинг қуйидаги бирликлар билан синонимик муносабатга киришиши мумкинлигини кўрсатади: - *нима*: *Уларнинг ишқи йўқ, эрки бор фақат./ Менга эрк на ҳожат, на ҳожат менга?* (М.Али); - *қандай*: *Бу не сир, не ҳол бу, нима ўзи бу?* / *Билмайман, кўп оғир ўйга толаман* (М.Али); -*қайси*: *Ҳозир у не йўлни тутмоқни билмас:* / *Қаҳратон қишга-ку қўл бергиси йўқ* (М.Али); - *неча*: *Осойиш йўқ жону имонда, / Саргардонман не йил, не ойлар!..* (М.Али); -*қанча*: *Ҳа... Ҳаётдан не улуш тегди:* / *Севгисидан келди фалокат* (М.Али); -*шунчалик*: *Эй, ўғлим-а, бизда юрак қолдими? Не азоблардан кейин тагин ҳам юрибмиз-да* (Х.Султонов); -*ҳеч нарса*: *Тоғжу тахт не севги олдида?*(М.Али); - *оғир, қийин (қийинчилик)*:

Гарчи не фаслар тушмади бошга. / Бу кун ёнингизда тўққиз фарзанд шай! (М.Али); -кўп: Нон ва Ўзбекистон уйқашдир азал. / Бу юртга не эллар нон деб келганлар (А.Орипов); -бор(ми), йўқ(ми): Олга босар, олга фақат, / Турғунликда не маъно? (М.Али) каби.

Баъзан у бир матннинг ўзида ҳам қандай, ҳам қайси олмошига синоним бўлиб келган: **Не** умид, **не** орзу-ла тақдирни синай энди? (М.Али). Бирикма таркибида қанчалик олмоши маъносига тенг келадиган маънони берган: *Зеро одамзод иймонининг барқарорлиги аввало унинг не чоғ мард ва ҳақгуй экани билан ўлчанур* (Х.Султонов).

Ажабланиш, ҳайратланиш, завқланиш, эътироф этиш оттенкаларини берадиган **не тонг** бирикмасида у турғунлашган: *Гоҳ нурафшон, тийра гоҳи, бир муаммодир ҳаёт, / Неча бор шарҳ айлабон, қолсам не тонг минг бора мот* (М.Али).

Ушбу оттенкалар **не** олмоши такрор қўлланганда ҳам намоён бўлади, **на** эса бу хусусиятга эга эмас. Такрор қўлланиш унинг нутқдаги стилистик маъно англатиш кўламини янада кенгайтиради. Айтиш мумкинки, **не** сўзи олмошлик доирасидан чиқади ва кўплик маъносини англатади: *Ҳайдадилар — не-не қишлоқлар, / Ватанларнинг эгаларини!* (М.Али). Шу маънода матнда унга **кўп**, **кўплаб**, **жуда кўплаб**, **беҳад кўп** бирликларини синоним сифатида қўллаш мумкин: *Ҳайдадилар — кўп қишлоқлар, / Ватанларнинг эгаларини! Ҳайдадилар — кўплаб қишлоқлар, / Ватанларнинг эгаларини! Ҳайдадилар — жуда кўплаб қишлоқлар, / Ватанларнинг эгаларини! Ҳайдадилар — беҳад кўплаб қишлоқлар, / Ватанларнинг эгаларини!* каби. Аммо уларнинг биронтаси **не-не** дагичалик тасвирни образли қила олмайди, стилистик оттенкаларни жилолантира олмайди. *Нурафшон умрингга қара, эй ўғлон, / Гарчи йитиб кетди не-не инсонлар* (М.Али) гапида **не-не** да фақат инсонларнинг кўплиги эмас, балки яхшилиги ҳам назарда тутиляпти. **Кўп** сўзи эса бу оттенкаларни ифодалай олмайди.

Унга синоним сифатида яна қанчадан қанча, мана мен деган жумлаларни олиб қараш мумкин: *қанчадан қанча: Қурдик не-не иморат, / Аммо билмадик зорат* (М.Али); *мана мен деган: Не-не бойлар ўлиб кетмади, / Кул бўлмади не-не хонадон* (М.Али). *Қанчадан қанча* кенг доирада — инсонларга ҳам, нарсаларга нисбатан ҳам **не-не** нинг синоними сифатида қўлланилаверади, *мана мен деган* эса фақат инсонларга нисбатан қўлланилади.

Ўзлик олмоши. Ўзбек тилида ўзликни ифода этувчи, предмет ёки шахсни кўрсатиш учун фақатгина бир элемент – ўз сўзи хизмат қилса-да, унинг бу имконияти стилистик йўналишда анча дурустдир. Жумладан, у эгалик қўшимчаларини олганда қуйидаги олмошлар билан синонимик муносабатга киришади:

-мен: *Тиз чўкаман: «Синглим, муқаррар / Буюк номзод ўлимга ўзим!».* Бойсун қирларида бир **ўзим** кездим, / Куз эди. Даралар туманни қучган (У.Азим) - *Тиз чўкаман: «Синглим, муқаррар / Буюк номзод ўлимга мен!».* Бойсун қирларида бир **мен** кездим, / Куз эди. Даралар туманни қучган. Бунда яккалик, танҳолик оттенкаси англашилади. **Ўзим** кўтараман сени бошимга (У.Азим) сингари ҳолатларда эса чегаралаш оттенкаси мавжуд бўлади.

Мен ва ўз олмошлари баъзан биргаликда, қаватланган ҳолда қўлланилади ва тегишлилик, қарашлилик оттенкаси жуда ҳам кучли бўлади: *Вақтга (ўн йил аввал) келолмадим тенг,/ Вақт учди ажратиб мени ўзимдан. Йўқ, йўқ, ишонмагин! Бу шеърдан тондим,/ Бу менинг ўзимга отганим — ўқдир* (У.Азим). Мана бу плеонастик ҳолат ҳам шу маънони беради: *Мени мендан айирдилар* (Қўшиқдан).

Баъзан сиртдан қараганда **мен** ва ўз олмошлари ўрнини алмаштириш мумкиндай туюлса ҳам, улар айрим матнларда маъно оттенкаларига кўра бир-бирларидан фарқ қилади: **Ўзим** муродимга / *Етмайман аммо, Бахтли бўлолмайман / Фақат бир ўзим. Бир ўзим ботдим, / Юрагимнинг зиндонларига. Мен ўзим ярайман, / Фақат бир ўзим!* Ҳамма дарахтларга битта шамолдир, / Ҳамма шамолларга битта мен **ўзим**. Усмон Азим шеърдан олинган ушбу мисраларда ўз ўрнига **мен** ни қўллаш мумкин: **Ўзим** муродимга *Етмайман, аммо / Бахтли бўлолмайман Фақат бир ўзим - Мен муродимга Етмайман, аммо / Бахтли бўлолмайман Фақат бир мен..* Аммо биринчи ҳолатда чегаралаш, ажратиб кўрсатиш оттенкаси мавжуд, иккинчи ҳолатда эса бу оттенка йўқолади, унинг ўрнига қатъият оттенкаси юзага келади.

Мен билан ўз ўртасида синонимик муносабат ҳамма вақт ҳам содир бўлавермаслиги мумкин: **Ўзим** билан **ўзим** ночор қолганда *танҳо, / Изгиридли кечаларда музлаган юрак* (У.Азим) - **Мен** билан **мен** ночор қолганда *танҳо, / Изгиридли кечаларда музлаган юрак* каби;

-сен: *О, айрилиқ! Бепоен ҳижрон!/ Ўзинг менда салтанат ўрнат!* (У.Азим) - *О, айрилиқ! Бепоен ҳижрон!/ Сен менда*

салтанат ўрнат! Мисолларни қиёслашдан *сен* га кўра *ўзинг* муваффақиятли қўлланилгани, унда кўрсатиш маъносидан ташқари таъкидлаш оттенкаси ҳам мавжудлиги сезилиб туради. Ушбу таъкидлаш оттенкаси мана бу мисолда ғоятда муваффақиятли чиққан: *Бойчибор, Бойчибор. / Ўз- ўзингни қилма хор* (У.Азим). Қуйидаги ҳолатда эса унда ажратиб кўрсатиш оттенкаси мавжуд: *Дунёларни денгиздай юрагингга чўктириб қўйгандинг.../ Аммо, ўзинг Амударёга чўкиб кетгандинг* (У.Азим).

Бу олмошлар ҳамма вақт ҳам синонимик муносабатга киришавермайди: *Тўхта! Раҳминг келсин / Ўзинг ўзингга. Каниздирсан ўзинг ўзингга, / Икки қўлинг — қирқ хизматкор қиз* (У.Азим) - *Тўхта! Раҳминг келсин / Сен сенга. Каниздирсан сен сенга, / Икки қўлинг — қирқ хизматкор қиз.*

Айрим мисоллар ўз олмошининг имкониятлари синонимик муносабатларга киришишдан ҳам кўп эканлигини кўрсатади. Масалан, *Тикан сим! Нимасан? Кимсан ўзи? Ким? / Баданни тиканинг тилади сим-сим...* (У.Азим) мисраларидаги ўз сўзи олмош эмас, балки юклама мақомидадир;

-*биз: Йўлу дилдан айрилар,/ Қаранг, дорда ўзимиз* (У.Азим) - *Йўлу дилдан айрилар,/ Қаранг, дорда бизмиз.* Ҳар икки олмош ҳам таъкидлаш маъносини бера олган. Аммо шу мисраларнинг давомида уларни ўзаро алмаштириб қўллаш мумкин бўлмайди: *Биз баҳорга чиққани пешвоз,/ Тополмаймиз ўзимизда куч;*

- *сиз: Сўнг қушларга боқсангиз / Лол қоласиз ўзингиз* (У.Азим). *Ўзларинг ўзаро гаплаша беринглар* (А.Қаҳҳор).

Нутқда ўзлик олмошининг (ЎзО) ўзингиз, ўзларинг дан ташқари ўзлари шаклида ҳам *сиз* билан синонимик муносабат мавжуд ва бунда икки ҳолат кузатилади: биринчи ҳолатда у тўғри маънода ўзаро ўрин алмашган бўлади: *Бунини ўзларинг кўриб турибсизлар. Колхоз нима эканини ўзларинг биласизлар* (А.Қаҳҳор). Иккинчи ҳолатда ўз олмоши ўзида стилистик юк ташийдиган, ундан экспрессивлик оттенкаси англашилади ва бу экспрессивлик турлича бўлади. Масалан, ҳурмат оттенкаси: *Ўртоқ Нурматовнинг ўзлари айтсинлар! Ўзлари нима иш қиладилар? — деди Саида;* пичинг оттенкаси: *Сўраганинг айби йўқ... ўзлари куёв қилганмилар?* (А.Қаҳҳор). Ўз олмошидаги бу имкониятлар СУ ва БУларда намоён бўлади, бошқа услубларга эса бундай қўлланиш хос эмас;

-у, улар олмошлари билан синонимик муносабатга киришганда турли келишик қўшимчаларини қабул қилади ва кўрсатиш

маъносидан ташқари қўшимча оттенкалар ҳам ифода этилади. Масалан, ҳурмат маъноси: *Бундан ташқари, Арслонбек акамга бу ишни текшириб тагига етиш осон, кўп вақт талаб қилмайди, чунки ҳамма нарса ўзларига беш қўлдай маълум...*(А.Қаҳҳор) - *Бундан ташқари, Арслонбек акамга бу ишни текшириб тагига етиш осон, кўп вақт талаб қилмайди, чунки ҳамма нарса унга (у кишига) беш қўлдай маълум.* Пичинг маъноси англашилиши ҳам мумкин: *Ўзлари бир нима десинлар энди* (сўзлашув нутқидан) каби. Ўз олмоши у билан алмаштирилганда бу қўшимча оттенкалар йўқолади. Бошқача айтганда, ушбу матнларда у ўз нинг ўрнини боса олмайди.

Ўзаро ўрин алмаштириш баъзан гапдаги қойил бўлганлик оттенкасини кучайтиради: *Ўзлари ҳам зап секретарь эдилар-да, а, бек ака!..* (А.Қаҳҳор).

Англашиладики, КиОлар билан ЎзОнинг синонимик муносабатга киришишида ҳам маълум стилистик мақсадлар ётади ва бу алмашилиб қўллашда ЎзОнинг имкониятлари кўпроқ эканлиги маълум бўлади. Бу каби қўлланишларда метонимизация ҳодисаси ҳам содир бўлиб, матнда келиши лозим бўлган КиОлар вазифасини ўз сўзи зиммасига олади.

Белгилаш олмошлари. Ўзбек тилидаги бошқа олмошларга нисбатан олиб қараганда БеОлар ўртасида синонимия ҳодисаси кучли эканлиги маълум бўлади. Бу ҳақда илмий манбаларда ҳам маълумотлар берилган. ¹ Уларда ҳам жамлаш, ҳам белгилаш маънолари бўлганлиги учун «Ўзбек тили грамматикаси»да улар иккига бўлиб ўрганилади ва бу кузатишларда осонлик туғдиради.²

Жамловчиларга *ҳамма, бари, барча, жами, бутун, ялпи* олмошлари киради. Уларнинг доминанти *ҳамма* олмоши бўлиб ҳисобланади ва барча ФУларда барабар ишлатилади: *Ҳамманинг жонига теккан бу бало / Худо дардини ҳам раво кўрмайди* (А.Орипов) каби.

Ҳамма олмоши билан қуйидаги сўзлар синонимик муносабатга киришади:

-*бари: Аслин билсанг, Туркистондан келибди, / Экиннинг барини нобуд қилибди* («Алпомиш»). Мазкур олмош же-ловчи шеваларда оммавийлиги билан характерланади ва шу орқали халқ оғзаки ижодига, бадииятга фаол кириб борган. Э.Жуманбулбул ўғли, Фозил

¹ Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.51-52.

² Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.353-355.

Йўлдош ўғли куйлаган дostonлар тилида унинг кўп учраш сабаби ҳам ана шунда: *Яртибой оқсоқолнинг айтган сўзи ўн минг уйли Қўнгирот элининг катта-кичигининг **барига** маъқул тушди.* Мисолдаги бари олмошини ҳамма, барча сўзлари билан бемалол алмаштириш мумкин. Бунда маънога путур етмайди, аммо у нутқда барча сўзи ифодалаган китобийлик, расмийлик оттенкасини ифода эта олмайди. Бари ни жами элементи билан алмаштириш ҳам мумкин: *Жами бойлар келди, дейди, / Кўк қамишда қўнди, дейди* («Алпомиш»). Унинг ўрнида ялти олмошини эса қўллаб бўлмайди. Бу ялти олмошининг РН ва ИНда функционал хосланганлиги билан изоҳланади;

-барча: *Мени ҳимоят тутиб келган одам бўлса, қаторда нори ҳам ўзиники, нор устида зари ҳам ўзиники, **барча** давлат — моли ҳам ўзиники, бизга даркор эмас, Барчин қизи ҳам ўзиники* («Алпомиш»). «Бир турдаги нарса, кимса ёки ҳодисаларнинг ҳаммаси» маъносини реаллаштирувчи барча олмоши, асосан, ёзма нутққа хослиги билан ажралиб туради. Шу туфайли мазкур олмош, кўпинча, ҳамма олмоши билан яқин синонимик муносабатда бўлади: *Барча анжомларни тахт қилинг, ёмғир тўхтагач, дарҳол йўлга отланмоқ лозим* (Х.Султонов).

Тадқиқ жараёнида шундай матнларга ҳам дуч келиндик, уларда барча олмоши такрор қўлланган. Бундай ҳолатда ҳам ҳамма олмошининг такрор шаклида алмаштириб ишлатиш мумкин: *Барча-барчасини муфассал эслашга уринаман* (Х.Султонов) – *Ҳамма-ҳаммасини муфассал эслашга уринаман*. Мана бу мисолдаги барча сўзини бутун олмоши билан ҳам алмаштириб қўллаш мумкин: *Барча оғирлик Ҳасаналининг устида* (А.Қодирий);

-жами: *Бойчибор деб ўзбак хуррам бўлади, / Кўкдўнон деб жами қалмоқ қаради* («Алпомиш»). Лекин дostonлар тилида барча га қараганда бари ва жами ни қўллаш устунлик қилади. Аммо бу ўрин алмаштиришлар ҳамма вақт силлиқ чиқавермайди, ифодада қандайдир ғализлик пайдо бўлади: *Маълумотларга кўра, ҳозиргача Польшада жами 144 киши совуққа дош беролмай ҳаётдан кўз юмган* («Zarafshon» газетаси) - *Маълумотларга кўра, ҳозиргача Польшада ҳаммаси 144 киши совуққа дош беролмай ҳаётдан кўз юмган*. Шунинг учун кейинги гапни ё *Маълумотларга кўра, ҳозиргача Польшада 144 кишининг ҳаммаси совуққа дош беролмай ҳаётдан кўз юмган* ёки *Маълумотларга кўра, ҳозиргача Польшада ҳаммаси бўлиб 144 киши совуққа дош беролмай ҳаётдан кўз юмган* тарзида

шакллантириш тўғри бўлади. Аммо бу каби қўлланишларда ҳам стилистик нозикликлар бор. Масалан, *Маълумотларга кўра, ҳозиргача Польшада жами 144 киши совуққа дош беролмай ҳаётдан кўз юмган, Маълумотларга кўра, ҳозиргача Польшада ҳаммаси бўлиб 144 киши совуққа дош беролмай ҳаётдан кўз юмган* гапларида совуққотганлар кўплиги, лекин улар орасидан фақат 144 таси ҳалок бўлганлиги, *Маълумотларга кўра, ҳозиргача Польшада 144 кишининг ҳаммаси совуққа дош беролмай ҳаётдан кўз юмган* гапидан эса совуққотганлар ҳам, ҳалок бўлганлар ҳам 144 та эканлиги аниқ бўлади. Шунинг учун бу синоним сўзларнинг қайси бирини танлаш сўзловчининг ифода мақсадига боғлиқ бўлади. *Жами олмошининг жамики* варианты ҳам мавжуд: *Аълоҳазратларининг жамики саркардалари тахтимизнинг валиаҳди Абдуллатифга байъат этгандур. Жами олмоши* китобий нутқ доирасида чегараланган;

-*бутун*: Нечун ҳокимият деб аталмиш бу сохта шон-шавкатдан воз кечиб, **бутун** тафаккури, ўткир мушоҳадаси, бутун салоҳиятини илм-фанга, инсонни улугловчи зиё-маърифатга бахш этмади? (О.Ёқубов). Аммо ...**бутун** вужудида, катта ялпоқ кафтларини тиззасига ҳорғингина ташлаб ўтиришида чуқур изтироб, изҳор этиш қийин бўлган теран бир мунг бор эди (О.Ёқубов) мисолидаги бутун ни ҳамма билан алмаштириб бўлмайди. Бундай ҳолатда баёндаги экспрессивлик йўқолади. Жамлаш олмошлари қаторидаги биронта бирлик бу ўринда бутун даги маъно оттенкасини бера олмайди.

Таҳлиллар бутун сўзининг жамлаш маъносини англатиш доирасидаги имкониятлари шу туркумдаги бошқа олмошларга нисбатан кенгроқ эканлигини кўрсатади: *Унинг кўзлари қисилиб, бурун катаклари пирпирай бошлаган, жағ пайлари бўртиб чиққан қорамтир юзида, бутун вазоҳатида шафқатсиз бир ифода пайдо бўлган эди* (О.Ёқубов) каби. Шунинг учун ҳам ЎТИЛда унинг ўрин, жой, макон билдирувчи сўзлар билан келганида уларни таъкидлаб ёки яхлит кўрсатишга хизмат қилиши, вақт, муддатни билдирувчи сўзлар билан келиб, шу вақт, муддатнинг бошидан охиригача чегарасини, оралиғини ифодалаши хусусида фикрлар баён этилган.¹

Бутун даҳа сўзлайди, бўталогим (О.Ёқубов) гапидаги бутун ўрнида барча олмошини қўллаш мумкин. Аммо бу алмаштириш маънога таъсир кўрсатади, стилистик ғализлик рўй беради. Бутун даҳа дейилганда бир даҳанинг ҳамма одамлари, барча даҳа

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Биринчи жилд. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. –Б.338.

дейилганда эса ҳамма одамлар эмас, балки ҳамма даҳалар назарда тутилади. Мана бу мисолларда эса уларни бир-бирига синоним сифатида бемалол қўллаш мумкин: *Салоҳиддин заргар шу ҳовлида бутун Самарқанд аҳли ирфониға ош берган эди* (О.Ёқубов);

-ялли: *Республика бўйича 75 туман хўжаликларида, Бухоро, Фарғона вилоятларида эса амалда ялли пахта ҳосили қўл кучи билан терилди* (И.А.Каримов). Ялли ўрнида ҳамма ни қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, бунинг аксини ҳамма вақт ҳам амалга ошириб бўлмайди. Чунки ялли мажлис каби деярли турғунлашган бирикмалар таркибидаги ялли олмоши бевосита мажлисга дахлдор эмас, балки бу ўринда метонимия ҳодисаси юз бериб, иштирок этаётган одамлар назарда тутилган. Шунинг учун уни ҳамма иштирок этаётган мажлис маъносида тушуниш тўғри бўлади. Бундай пайтда ялли ни ҳамма сўзи билан алмаштириб бўлмайди: *Ўртоқлар, камбағал деҳқонларнинг колхоз қурилишига бағишланган ялли мажлисини очик деб эълон қиламан* (А.Қаҳҳор) каби.

А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан олинган қуйидаги гапга эътибор берайлик: *Ўзбек ойим ўғлининг «ўлганнинг устига чиқиб тешиш» қабилидан бўлган бу ҳаракатидан тутини кўкка чиқиб, борлиқ қаҳр-ғазабини эри устига тўкади*. Мисолдаги борлиқ сўзи ҳам барча, бутун, бари, ҳамма, бор олмошлари маъносидадир. Лекин ҳозирги адабий тил нуқтаи назардан бу каби қўллаш меъёрий ҳолат саналмайди.

Ж-ловчи шеваларда жамлашни ифодаловчи олмошларнинг жовлик, жоппа каби кўринишлари ҳам мавжуд. Уларнинг қўлланилиши адабий тил нуқтаи назаридан меъёр саналмайди. Шунинг учун уларни бу ўринда синоним сифатида қараш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Синонимик қатордаги барча олмошлар «жамлик, кўплик, умумийлик» семаси билан бирлашади, ўзаро муносабатга киришади ва бу каби синонимик имкониятларнинг кенглиги уларнинг функционал чегараланишларига ҳам замин яратади.

БеОларнинг иккинчи гуруҳини айириш-белгилаш олмошлари ташкил этади. Бу гуруҳдаги олмошлар структурал жиҳатдан алоҳида хусусиятга эга бўлиб, у ҳар сўзининг айрим СўОларга, бир ва нарса сўзларига бирикиши натижасида юзага келади.¹

Халқ оғзаки ижоди баён усулида у муболаға вазифасини адо этган: *Ўзинг ўлсанг, молингга ҳар меросхўр чиқади, оғзига одам кириб*

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.353-355.

кетади. Бундай пайтларда унга *бир* сўзи синоним бўлиб кела олади: *Йилқида юрган ҳар отлар бор, юлдузни кўзлаган* («Алпомиш») - *Йилқида юрган бир отлар бор, юлдузни кўзлаган* каби.

Умумийлик, ноаниқлик, мавҳумлик оттенкаларини беришда *бир* сўзи *ҳар* билан тўлиқ маънода синоним бўлади: *Ҳар гап бўлса, тақдиримдан кўраман, /Мунглуқман-да, нима илож қиламан* («Алпомиш»)- *Бир гап бўлса, тақдиримдан кўраман, /Мунглуқман-да, нима илож қиламан*.

Гумон оттенкасини берадиган *бирор* сўзи ҳам *ҳар* олмошига синоним бўла олади: *Ҳар талабинг бўлса, ҳақдин тилагин, / Қирқ беш кунда бўл йўлима қарагин* («Алпомиш»). Баъзан у бўлар-бўлмас сўзи ўрнида келиши ҳам мумкин: *Ҳар нарсани айта берма сўзингга, / Дўсту душман кўринар-да кўзингга* («Алпомиш»).

Улар айрим матнларда ёнма-ён, қаватланган ҳолда келиб ҳам муболаға оттенкасини беради: *Ҳар бир қуллар ҳар хизматга жўнади, / Ҳар қайсиси ўз ишида бўлади* («Алпомиш»). Аммо уни *ҳар бир* нинг Зўрликни ўтказиб ёринг оласан, / Аччиқлансанг, *ҳар бир* ишни қиласан («Алпомиш») мисолидаги маъно оттенкаси билан барабар қўйиб бўлмайди. Бу ерда у *ҳар қандай* олмошининг маъносига тенг келади. Қуйидаги *Булар ҳам шундай туради(р), / Ҳар бир тарафга қаради* («Алпомиш») жумласида эса *алоҳида-алоҳида* деган мазмунни берувчи яна бошқа бир оттенка шакллангандир.

Бирор нарса, *нимадир* маъноларини бериш учун *ҳар* нима олмоши қўлланилади ва бундай пайтда ҳам унга *бир* сўзи синоним бўла олади: *Ҳали йил эрта, тари-тармоқ эксанг ҳам овқатлигингни олиб қоласан; бу йилги берадиган ҳар нима - подшолик чиқимдан ҳам ўтдим, — деди* («Алпомиш»). Оғзаки нутқдаги *Ҳарна* бўлса ҳам ёрдам-да мазмунидаги гапда ҳам шу муносабат кузатилади. Аммо *Муна элда мен ҳам бекман, тўраман, / Ҳар на қисмат ёзилгандан биламан. Ҳар на қилсанг, шоҳим, ўзинг биласан. / Маслаҳат деб ўзинг хафа бўласан* («Алпомиш») гапларидаги *ҳар не/ҳар на* олмошларини бунга тенглаштириб бўлмайди, бу ерда у *бирор* нима, *қандай* каби бирликлар мазмунига тенг бўлади.

Ҳар олмоши англатадиган белгилаш маъносини баъзи матнларда *турли* сўзи ҳам бериши мумкин. Бу каби гапларда бу сўз билан биргаликда ўрин семемасидаги сўзлар ёнма-ён келади: *Мол бошқариб бойлар кетиб боради, / Кўз юбортиб ҳар тарафга қаради* («Алпомиш») каби.

Унинг *ҳар ким*, *ҳар қайси* шаклида алоҳида олинган *ҳар* билан синонимик муносабатга киришадиган вариантлари кўзга ташланмайди: *Ана шунда орадан қирқ кечаю кундуз ўтди, тўй тарқаб, ҳар ким ўз мазгилига қараб кетди, қолган меҳмонлар ётди. Ҳар қайси ҳар ёқдан тортиб боради, / Айиқдай чинқириб кампир қулади* («Алпомиш»). Лекин мисоллардаги *ҳар ким* ва *ҳар қайси* олмошлари ўзаро синонимик муносабатга киришиши мумкин. Таъкидлаш, алоҳида ажратиб кўрсатиш оттенкалари кучли бўлганда бу алмаштиришга йўл қўйилгани ҳолда, бу оттенка кучсиз бўлган, унинг ўрнига умумлаштириш оттенкаси устунлик қилган ва сўз таркибида кўплик кўрсаткичи келганда ўзаро алмаштиришнинг имкони бўлмайди: *Бийлар ҳар қайсилари ўз тўшагида, ўз уйларида хотинларига қараб: — Кел-чи, — деяпти* («Алпомиш»).

Бўлишсизлик олмошлари. Илмий манбаларда БўОларига ҳеч сўзи ва шу сўзнинг баъзи сўроқ олмошлари, шунингдек *бир*, *нарс*а каби сўзлар билан бирикишидан ҳосил бўлган олмошлар кириши, ҳеч сўзи якка ҳолда қўлланганда кўпинча феъллар олдида келиб, равиш вазифасини бажариши ва иш-ҳаракатнинг инкор маъносини ифода этиши ҳақида фикрлар баён этилган ҳамда *ҳеч*, *ҳеч ким*, *ҳеч кимса*, *ҳеч нима*, *ҳеч қандай*, *ҳеч қайси*, *ҳеч қачон*, *ҳеч қаер*, *ҳеч нарс*а, *ҳеч бир* сингарилар ушбу олмошнинг кўринишлари сифатида қайд этилган.¹ БўОлар сирасидаги бу сўзлар ва бошқа маънолари яқин бўлган бирликлар ўртасида синонимик муносабат мавжуд.

Ҳеч бир олмоши *ҳеч қандай* элементига синоним бўлади: *Бошидаги тож... шон-шуҳрат ва мансаб ишқида ҳеч бир разолатдан тоймаган бу амирлар... (О.Ёқубов) - Бошидаги тож... шон-шуҳрат ва мансаб ишқида ҳеч қандай разолатдан тоймаган бу амирлар...*

Бирор бир олмошини ҳам шу синонимик қаторда санаш мумкин: *Бошидаги тож... шон-шуҳрат ва мансаб ишқида бирор бир разолатдан тоймаган бу амирлар...* Аммо бу олмошда *ҳеч бир* дан кўра *биронта* сўзига синоним бўлиш ҳолатлари кўп учрайди: *Жовдирайман жаллод қошида: / Ўйлаб топгин бирор бир* имкон (У.Азим) каби.

Биронта ГуО ҳам *ҳеч бир* ўрнида қўлланиши мумкин: *Қудрат қўшмас биронта гап, сўз, / Нар*и борса кулиб қўяди (М.Али). Бундай ҳолатларда у гумон маъносини англатиш доирасидан чиқади ва қатъият маъносини ифодалайди. *Ҳеч бир* га синоним бўла олмаган пайтларда унда гумонни англатиш хусусияти сақланиб қолаверади:

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.356-359.

Наҳот сен-чун топилмас, меним, / Биронта уй азим шаҳардан?
(М.Али) каби.

Ҳеч бир олмошига *ҳеч ким* синоним бўлади: *Мирзо Улуғбек унга савдо аҳлидан ҳеч бирига бермаган имтиёзларни берди* (О.Ёқубов)-*Мирзо Улуғбек унга савдо аҳлидан ҳеч кимга бермаган имтиёзларни берди.* Нутқда бу олмошли бирикма кимса, банда сўзлари билан тўлдирилади: *Бу машъум тоғу тахт, бу бебақо салтанат ҳеч бир кимсага вафо қилган эмас. Ул раббул оламин ҳеч бир бандасининг бурнини бегуноҳ қонатмайдур* (О.Ёқубов).

Аммо бу ҳодиса ҳамма вақт ҳам содир бўлавермайди: *Саломхонага чиққач, эшикларни очиб, бошқа хоналарга қаради, ҳеч ким йўқлигига ишонгач, Али Қушчига юзланди* (О.Ёқубов). Бу эса мана шу матнда *ҳеч ким* олмошида ажратиб кўрсатиш оттенкасини ифода этмаётгани, балки кишиликни ифодалаш маъносининг кучли эканлиги билан боғлиқ.

Ҳеч бир олмошига *ҳеч қайси* синоним бўлади: *Ҳеч бир ёмонлик интиқомсиз қолмайдур!* (О.Ёқубов) каби.

Ҳеч қачон олмоши вақт маъноси билан боғлиқ бўлганлиги сабабли вақт, замон сингари сўзлар билан синонимик муносабатга киришади: *Ўзинг билурсен, Али, мен ҳеч қачон бул юмушни қилгон эрмасмен* (О.Ёқубов) - *Ўзинг билурсен, Али, мен ҳеч вақт бул юмушни қилгон эрмасмен.* Қиёсдан шу нарса маълум бўладикки, *ҳеч қачон* да *ҳеч вақт* га нисбатан фикрни қатъий ифода этиш оттенкаси кучли. *У ҳеч қачон салоҳиятли саркарда бўлган эмас!* (О.Ёқубов) - *У ҳеч замонда салоҳиятли саркарда бўлган эмас!* каби.

Ҳеч нарса олмоши *ҳеч нима* га синоним бўлади: *Унга ҳеч нарса керак эмас, на тоғ, на тахт!* (О.Ёқубов).

Ушбу олмошлар қаторига *ҳеч гап* олмошини ҳам киритиш мумкин: ... *расадхонага билдирмасдан кирган одам, гафлат уйқусида ётган мавлононинг бошини танидан жудо қилиши ҳеч гап эмас* эди (О.Ёқубов).

Ҳеч қайёқ/қайён олмошини *ҳеч ёқ, ҳеч ер* каби элементлар билан алмаштириб қўлласа бўлади: *Мирзо Улуғбек ҳам юраги гам -андухга тўлиб, ҳеч қайёққа сизмай қолганида маънос кўзли шу маъсумага интилар...* (О.Ёқубов) - ... *ҳеч ерга сизмай қолганида...* ... *ҳеч ёққа сизмай қолганида...* каби. Бу олмошнинг *ҳеч қай(га, да)* сингари варианты ҳам мавжуд: *Камина ҳеч қайга кетолмасмен, дарвеш* (О.Ёқубов) сингари.

Гумон олмошлари. Олмошлар сирасида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан катта мавқега эга бўлган ГуОлар предмет, белги ёки ҳодиса ҳақидаги ноаниқ тасаввурни билдириб, уларга умумий (абстракт) ва тахминли ишора қилади.¹

Алла+СО қурилишида шаклланган ГуОлар улар орасида асосий ўринда туради: *аллаким, алланеча, алланечанчи, алланечук, алланима, алланарса, аллақаёқ, аллақаер, аллақай, аллақайси, аллақандай, аллақанча* каби.

Аслида кесимлик қўшимчаси бўлган, боғлама вазифасини бажарадиган *-дир* қўшимчасининг кейинги пайтларда бу вазифадан кўра гумон, кўпроқ тахмин маъносини англатиш хусусияти кучайиб бораётганлиги таъкидланади.² Ундаги бу хусусият СўОлардан ГуОлар ясайдиган қўшимчага айланишига сабаб бўлган ва бунинг натижасида қуйидаги ясалмалар ҳосил бўлган: *кимдир, нимадир, қандайдир, қайсидир, негадир, нима учундир, нечукдир, нималардир, ниманидир, қаердандир, қачондир, қандайдир* каби.

«Ўзбек тили грамматикаси»да *айрим, баъзи, баъзида, баъзан, баъзилари, бир нима, бир нарсаси, биров, ким ҳам, кимниям, ким ҳамдир* бирликлари ҳам ГуОлар сифатида қайд этилган.³ Бундан ташқари ЎТСИЛда *бир хил, галати* сўзлари ҳам ГуОлар қаторида келтирилган.⁴ Бу эса ГуОлараро ва уларнинг бошқа бирликлар билан ўзаро синонимик муносабатга киришишига ва ФУлараро чегараланишига кенг имконият яратади.

Алла+ СўО = СўО+дир тенглигида синонимик муносабат шаклланади ва бунга *алла* ва *-дир* элементларидаги гумон оттенкасининг мавжудлиги сабаб бўлади. Мас., *аллаким-кимдир* синонимияси: *Аллаким Нафратнинг қўлидан тутар, / Ёқасидан ушлаб шивирлар бетин* (У.Азим). Бу синонимик муносабат умуман гумон маъносида вужудга келаётган бўлса ҳам, *аллаким* ва *кимдир* маълум стилистик фарқларга эга. *Аллаким* да гумон қилинаётганлардан маълум қисмни ажратиб кўрсатиш ёки шунчаки гумон қилинаётганлик оттенкаси сезилади, *кимдир* дан эса шубҳаланиш гўё маълум бир кишига аниқ йўналтирилгандай бўлади. Шунинг учун ҳам *...гўё сандиқлар ортида кимдир бор, кимдир қаҳрли сукут билан уларни кузатиб турарди...* (О.Ёқубов) каби

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.359.

² Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1977. –Б.412.

³ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.359-363.

⁴ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1974. –Б.28.

мисолларда уларнинг ўрнини алмаштиришдаги ғализлик сезилиб қолади.

*Биров олмошини ҳам шу синонимик қаторда олиб қараш мумкин: **Биров** майдалади сени, ҳақиқат, / Қалбида тугабми курашнинг қўри (У.Азим) - **Кимдир** майдалади сени, ҳақиқат, / Қалбида тугабми курашнинг қўри сингари* Бу синонимик муносабат бошқа олмошлар ҳисобига ҳам кучайтирилиши мумкин: *Кечган йилдан қай биров хушбахт. / Аммо барин, этмай илтифот (М.Али).*

Аммо *биров* сўзида бегоналик, бошқалик маъноси ҳам бор: *Қаландар Қарноқий **бировнинг** ихтиёри билан юрмайдур, мавлоно (О.Ёқубов).* Бу маънолар бирмунча аниқ бўлган ҳолатларда уларни ўзаро синоним сифатида қўллаб бўлмайди. Бунинг устига *Зерикишар, бир-бировин гийбатин қилар, / Пана-пана, кунжаскларда бундоқ дер улар (М.Али)* каби мисоллардаги *биров* даги такрорий қўлланиш хусусияти аллаким ва кимдир да йўқ.

*Алланеча олмоши нутқда жуда кам қўлланилади: Жонфигон... жиноят қонунлари мажмуасининг **алланечанчи** моддаси тўғрисида гапирди ва беҳосдан йиғлаб юборди (А.Қаҳҳор).* Унга қайсидир олмоши синоним бўлади: *Жонфигон... жиноят қонунлари мажмуасининг қайсидир моддаси тўғрисида гапирди...* Аммо қайсидир сўзида *алланечанчи* га нисбатан умумийлик, мавҳумлик оттенкаси кучли. Шунинг учун ҳам *Бултур қайсидир совхозда талабалардан бири сирганиб, қудуққа тушиб кетибди (Ў.Ҳошимов) - Бултур **аллақайси** совхозда талабалардан бири сирганиб, қудуққа тушиб кетибди* каби мисолларда уларни *алланечанчи* билан алмаштириш маъқул эмас: *Бултур **алланечанчи** совхозда талабалардан бири сирганиб, қудуққа тушиб кетибди.* Бу маъқул келмасликни умумий маънода тушуниш тўғри бўлади. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, собиқ Иттифоқ даврида Мирзачўлни ўзлаштириш жараёнида қатор давлат хўжаликлари - совхозлар тузилган ва улар рақамлар билан ҳам аталган – «6-совхоз», «7-совхоз» каби. Мана шу каби ҳолатларда *алланечанчи* олмошининг ҳам синоним бўлишига ҳеч нарса монелик қилмайди. Демак, унинг синоним бўлишини нутқий вазият белгилайди.

*Алланечук олмоши китобий характерда бўлиб, нутқда кам қўлланилади: Мирзо Абдуллатиф саройбонга «чиқавер» деб имо қилди-да, кўнгли **алланечук** бўлиб, Али Қушчининг олдида борди (О.Ёқубов).* Бу сўзга *одатдагидан бошқача* семемаси атрофида бирлашадиган *галати* сўзи синоним бўла олади: *Фақат шифтдаги*

туйнукда оппоқ йирик юлдузлар **гала**ти чарақлаб турарди (О.Ёкубов). Шу мазмунда унга қандайдир олмоши ҳам синоним бўлади: *Эшитилар қандайдир бир куй, / Шўх янграйди танбурми, чилтор* (У.Азим).

Қандайдир олмоши билан фаол алмашилиб қўлланиладиган сўз аллақандай дир: *Бу мунг, бу ҳазин куй дилининг энг нозик торларини оҳиста чертиб, кўнглида қандайдир хаста, нотагон ҳислар кўзгати* (О.Ёкубов). Бу алмашилишлар вазн ва бўғинлар сони нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлганлиги туфайли шеърӣ асарларда тез-тез кўзга ташланади: *Фусункорки, аммо фусунда / Яширинмиш қандайдир заҳар* (М.Али). *Пари унга боқар беором, / Аллақандай титраб, ўксиниб* (У.Азим). Аллақандай ўрнида қандайдир бир жумласининг қўлланиши ҳам ана шу шеърӣ талаб билан боғлиқ: *Эшитилар қандайдир бир куй, / Шўх янграйди танбурми, чилтор* (У.Азим). Шоир бекорга аллақандай ўрнида қандайдир бир ни қўлламаган кўринади. Аллақандай шоирга номаълум бўлган куй ҳақида маълумот берса, қандайдир бир да бу куйнинг шоирга танишлиги, тили учидан турганлиги, аммо уни айта олмаётганлиги маъноси англашилади. Бу стилистик нозикликлар уларни бири-биридан фарқлаб қўллашни тақозо этади.

Алланима ва алланарса олмошлари ўртасида ҳам синонимик муносабат мавжуд: *Шаҳзода... кўзларини юмиб, яна алланималарни пичирлай бошлади* (О.Ёкубов). *Ниёзмат Ҳожи шолғомдай қизарди, терлади ва ўрнидан туриб, Ёўлчибойга хитобан алланарсалар деди* (А.Қаҳҳор). Алланарса маълум нутқий вазиятда алланима га нисбатан ифодага бирмунча аниқлик киритади: *Улфат столнинг тортмасидан алланарса излаб тополмади-да, гўё бошқа, янги, ҳар томондан мувофиқ бир фикрга келгандай қўлларини кўтарди* (А.Қаҳҳор) - *Улфат столнинг тортмасидан алланима излаб тополмади-да, гўё бошқа, янги, ҳар томондан мувофиқ бир фикрга келгандай қўлларини кўтарди* каби. Мана бу мисолдаги алланарса нинг алланима га алмаштирилиши ифода мазмунига путур етказади: *Уни яхши кийинган, алланарсасига мағрур бўлган бир неча киши ўраб олди* (А.Қаҳҳор) - *Уни яхши кийинган, алланимасига мағрур бўлган бир неча киши ўраб олди*.

Бошқа бир ҳолатда уларни ўзаро синоним сифатида қўллаш мутлақо мумкин эмас. Бундай пайтларда улар бошқа ГуОлар билан синонимик муносабатга киришган бўлади: *Шу одам алланима деган бир бойнинг тўйида белига тўртта катта-катта мушак боғлаб*

осмонга учибди (А.Қаҳҳор) - *Шу одам алланарса деган бир бойнинг тўйида белига тўртта катта-катта мушак боғлаб осмонга учибди сингари.* Олмошларнинг бу каби қўллангани учун ёзувчини айблаш мумкинми? Асло мумкин эмас. Чунки ижодкор қаламида *алланима* сўзи *аллаким* ўрнида қўлланиб, услубий вазифани адо этган – салбий муносабатни, айтиш мумкин бўлса, нафратланиш оттенкасини бера олган. У *аллаким* га алмаштирилиши билан фикрдаги ана шу бўёқдорлик йўқолади. Қуйидаги *Уруш бошланган ҳафталари алланима деган шаҳардан хат қилган эди...* (А.Қаҳҳор) мисолида ҳам худди ана шу оттенка мавжуд. Уни қандайдир элементи билан алмаштириш мумкин: *Уруш бошланган ҳафталари қандайдир шаҳардан хат қилган эди...* Аммо бу ерда ҳам гапдаги экспрессивлик йўқолади.

Агроном алланарсаси алланима бўлди депти (А.Қаҳҳор) мисолида ҳам уларнинг ўрнини алмаштириб бўлмаслиги маъно оттенкаларида нозик фарқлар борлигини тасдиқлаб туради: *Агроном алланимаси алланарса бўлди депти.* Бунинг устига уларнинг ёнма-ён қўлланиши нутқда камдан кам учрайдиган ҳодисадир.

Шу тарзда *алланима* бирлигининг синонимик имкониятлари кенгайиб боради. У *нимадир* олмоши билан синоним бўлади: *Муҳиддин ака... алланимадан хурсанд бўлиб, кўнгли тўлиб чиқиб кетди* (А.Қаҳҳор). - *Муҳиддин ака... нимадандир хурсанд бўлиб, кўнгли тўлиб чиқиб кетди.* Ҳатто СНда учраб турадиган ва салбий оттенкали *бир балолар* жумласи ҳам унга синоним бўлиши мумкин: *Домла кетимиздан... яна алланималар деганича қолаверди* (А.Қаҳҳор). - *Домла кетимиздан...яна бир балолар деганича қолаверди.* У билан нейтрал маънодаги *бир нима* олмоши синонимик муносабатга киришади: *Дўкон... айрилишининг ўртасидаги алланима деган мазорнинг рўпарасида* (А.Қаҳҳор) – *Дўкон... айрилишининг ўртасидаги бир нима деган мазорнинг рўпарасида* каби.

Олмош таркибига кирадиган *бало* сўзи синонимик муносабатга салбий таъсир кўрсатмайди, балки маънони кучайтиришга хизмат қилади, холос: *Жисмоний меҳнат билан кун кўрадиганларнинг тирноғи, сочи, яна алланима балолари бошқача эмиш* (А.Қаҳҳор). Бу ерда ҳам А.Қаҳҳор услубига хос бўлган маънони тағдор ифодалаш хусусияти бўртиб туради.

Ўринга ишора қиладиган *аллақаёқ, аллақаер, аллақай* олмошлари синонимик муносабатга киришади: *Агар шундоқ бўлса аллақаёқларга бош олиб кетган ўша калтакесак маконида энди мана*

бунақа «Эчкиэмар» бино бўлипти! (А.Қаҳҳор). Бир лаҳза жимликдан кейин **аллақаердан** қўйларнинг, сигирларнинг маъраши, ҳўкизларнинг ўкириши эшитилди (А.Қаҳҳор). Шамол каби **аллақайлардан** / Кўкрагимга урилар сурур (У.Азим). Улар ўртасидаги стилистик нозикликлар яққол сезилиб турмайди. Фақат **аллақаёқ**, **аллақаер** олмошларининг китобий, **аллақай** нинг эса китобий-поэтик нутққа хосланганлигини таъкидлаш мумкин, холос.

Аллақанча олмошида нарса-ҳодисанинг кўплигига ишора қилиш хусусияти мавжуд: **Аллақанча** болалар ёнгоқзор четидаги майдонда қор-бўрон ўйнаётган экан (Ў.Ҳошимов). Шу маънода унга кўп, жуда кўп элементлари синоним бўлиши мумкин: Акам **аллақанча** газета йиғиб қўйган экан (Ў.Ҳошимов) - Акам **кўп** газета йиғиб қўйган экан - Акам **жуда кўп** газета йиғиб қўйган экан каби.

Унга яна бир қанча бирикмаси синоним бўлади: Самарқандда қолган шаҳзода Абдулҳазиз кўп номақбул ишлар қилиб, **бир қанча** нуфузли амирларни унга қарши қўйди (О.Ёкубов) - Самарқандда қолган шаҳзода Абдулҳазиз кўп номақбул ишлар қилиб, **аллақанча** нуфузли амирларни унга қарши қўйди каби. Аммо бу икки гап синчиклаб таққосланса, бу олмошлар ўртасидаги стилистик нозикликларни пайқаш қийин эмас. Алла бирикмали олмошлардаги мавҳумлик, умумийлик ифодага қисман бўлса-да, салбий таъсир қилади, муаллиф назарда тутган фикрни, гўё ҳам муаллифга, ҳам ўқувчига аён бўлган санокли амирлар хусусида гап кетаётганлигини бера олмайди. Бундай пайтда **бир қанча** га **бир неча** синоним бўла олади: Самарқандда қолган Абдулҳазиз кўп номақбул ишлар қилиб, **бир неча** нуфузли амирларни унга қарши қўйди (О.Ёкубов). Таққослашдан **бир қанча** ва **бир неча** ўртасида ҳам стилистик нозиклик борлиги маълум бўлади. **Бир неча** да **бир қанча** га қараганда амирлар сони камроқ ва аниқроқ эканлиги англашилади.

Нимадир олмоши ҳам нутқда фаол қўлланилади: Қайрилиб **нимадир** демоқчи бўлар, / Ва ногоҳ... булбулдай сайрай бошлайди (У.Азим) каби. Бу олмош **бир нима** элементи билан синонимик муносабатга киришади: Унинг кетидан келаётган мўйсафид **бир нима** деб йигитнинг биқинига туртди (А.Қаҳҳор).

Бир нима олмоши маъносининг фикр, гап билан боғлиқ йўналишида **нимадир** билан синоним бўлса, иккинчи бир йўналишида – предмет ҳақида гап кетганда **бир нарса** олмоши билан ўрин алмаша олади: ... шох-шаббалар орасида ялтиллаб ётган **бир нарсага** кўзи тушди (О.Ёкубов).

Нимадир олмоши нутқда баъзан *нималардир* шаклида ҳам қўлланилади ва бунда кўплик кўрсаткичи -лар таъкидни кучайтирувчи восита сифатида иштирок этади: Саидий дастлаб *тортинарди, нималардир* уни бу дўкондорлардан ажратиб турарди (А.Қахҳор). Бу ерда ҳам айнан *нимадир* - *бир нима* синонимияси юз беради ва *нималардир* ўрнида *бир нима, бир нималар, бир нималардир* каби бирикмаларни қўллаш мумкин бўлади: *Шаҳзода Абдуллатиф юзи асабий бўжмайиб бир нима* демоқчи бўлди (О.Ёқубов). - *Шаҳзода Абдуллатиф юзи асабий бўжмайиб бир нималар* демоқчи бўлди. - *Шаҳзода Абдуллатиф юзи асабий бўжмайиб бир нималардир* демоқчи бўлди каби.

Нутқда *қачондир* олмоши ҳам қўлланади: Ёлгон куйлаганман *қачондир*, *бир он* — / Сўнг узиб ташладим тилимни ўзим (У.Азим). Бу сўзга *бир вақтлар, бир пайтлар* каби пайт равишли бирикмалар синоним бўлади: *Жаннат эди бир вақтлар* у жой / Ўхшар эди гўзал рўёга (Зулфия). Гаплардаги синонимик муносабат баённинг ўтган замон шаклида юзага келмоқда. Худди шу ҳодиса келаси замонда ҳам содир бўлиши мумкин: ...*қачондир* аллақандай ўзгариш бўлади, Саидий унинг қаришисида тиз чўкиб йиғлайди (А.Қахҳор) - ...*пайти келиб* аллақандай ўзгариш бўлади, Саидий унинг қаришисида тиз чўкиб йиғлайди - ...*вақти келиб* аллақандай ўзгариш бўлади, Саидий унинг қаришисида тиз чўкиб йиғлайди (А.Қахҳор) каби.

Ўзбек тилидаги *нечукдир, нима учундир, негадир* каби ГуОлар бир синонимик қатордаги сўзлар ҳисобланади: Унинг хурраги ҳам *нечукдир* адабийроқ эди (А.Қахҳор). Али Қушчи *негадир* бир сапчиб тушди (О.Ёқубов). *Нима учундир* ҳар бир қалам ушлаган киши учун шарт бўлган сиёсий умумий маданий савия булар учун шарт эмас, дегандай бир қараиш пайдо бўлиб қолди (А.Қахҳор). Улар ўртасида функционал жиҳатдан фарқлар кўзга ташланади: *негадир* ва *нима учундир* сўзлашув, *нечукдир* китобий характери билан ажралиб туради.

Нутқда *ниманидир* олмошида мавҳумлик, номаълумлик оттенкаси кучли: *Ниманидир* излашар, / *Ниманидир*. Ким билсин? (М.Али). Унга ана шу маъно оттенкалари бирмунча кучсиз бўлса-да, мавжуд бўлган *бир нима* олмоши синоним саналади: *Эҳсон Москвага қайтадиган бўлганида Саидий бир нимани* баҳона қилиб уни кузатгани станцияга чиқмади (А.Қахҳор).

Ким ҳам бирлигида икки хил маъно мавжуд. Унинг иккинчи маъносида гумон оттенкаси бор: *Ҳа, айтгандай, галати туш...*

билмайман қаер экан... ёнимда **ким ҳам** бор экан... (А.Қаҳҳор). Бундай пайтда унга **кимдир** олмоши синоним бўлади: *Ҳа, айтгандай, галати туш... билмайман қаер экан... ёнимда **кимдир** бор экан... каби.*

ЎТСИЛда *бир хил* олмоши алланечук, аллақандай, қандайдир, *галати* каби гумонни англатувчи бирликларнинг қаторидан ўрин олган.¹ Улар орасида *бир хил* га алланечук, аллақандай, *галати* сингарилар синоним бўлади: *Али Қушчи кўнгли **бир хил** бўлиб, энасини оҳиста қучди, уни тинчитилиш умидида бепарво кулган бўлди* (О.Ёқубов). *Қандайдир* билан бу муносабат юзага келмайди: *Қаландар юраги алланечук бўлиб, эшикни очди* (О.Ёқубов). *Али Қушчи хонада ёлғиз қолиши билан кўнгли **галати** бўлиб кетди...* (О.Ёқубов). Мисоллардан англашиладики, уларнинг синонимик муносабатга киришиши учун яна бир омил – бўлмоқ феъли талаб этилади. У иштирок этмаган ҳолатларда бу муносабат юз бермаслиги мумкин: *Кўнгли нотинч давлатпаноҳ эса бунга аллақандай умид бозлар, ниманидир кутар эди* (О.Ёқубов) каби.

ЎТСИЛда гумон мазмуни бўлган биров олмоши **кимдир**, **аллаким** бирликлари сирасида қаралади.² Бу қаторни **кимнингдир** олмоши ҳисобига давом эттириш мумкин: **Бировнинг** *кўзига тикка боқмайсиз, / Пойига боқасиз зимдан тикилиб* (У.Азим) - **Кимнингдир** *кўзига тикка боқмайсиз, / Пойига боқасиз зимдан тикилиб*. **Кимдир** билан: **Биров** *Ватанини бурдалаб отди / Шухрату мазрурлик кечаларида* (У.Азим). **Аллаким** билан: *Қиз эшик олдида юраги бетламайроқ келди, унинг қабзасидан ушлаб аста тортиши нарёқдан **бировнинг** каттиқ итарган пайтига тўғри келди* (А.Қаҳҳор). Лекин *Вақт деган шунча тез кетдими оқиб, / Менинг ёнимда ҳам энди **биров** йўқ* (У.Азим) каби ҳолатларда бу жараён содир бўлмайди. Бу гаплардан улардан ҳеч ким, бошқа сўзларига тўғри келадиган ва гумонлик мазмунидан ташқарида бўлган маънолар англашилади.

Ўриннинг ноаниқлигини англатадиган қаердандир олмошида бошқа бирликлар билан синонимия кузатилмади: **Қаердандир** *Жамол Каримий пайдо бўлиб, Аббосхонга бир қути папирос узатди* (А.Қаҳҳор).

Шундай қилиб, ГуОлардаги синонимик муносабат уларнинг семантик оттенкаларига қараб юз беради. Синонимик қаторда

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1974. –Б.28.

² Шу асар. –Б.62.

турадиган семаларнинг бир семема атрофида бирлашиши уларнинг бири ўрнида иккинчиси бемалол қўллана олади, деган гап эмас. Бунинг учун лексик birlikлар ўртасида маъно оттенкаларига кўра яқинлик бўлиши талаб этилади. Бу олмошларнинг қайси бирига кўпроқ мурожаат қилиш ижодкор услубига ҳам боғлиқдир.

Боб юзасидан қисқача хулосалар

Олмошлар сон жиҳатдан озчиликни ташкил этса ҳам нутқда фаол қўлланиши уларнинг стилистик маъно оттенкалари кўламининг кенгайишига сабаб бўлади. Олмошларнинг нутқда конкретизаторлик – аниқлаштирувчилик ва актуализаторлик вазифаларини адо этиши, депрономинализациялашиб, равишлар ва ёрдамчи сўзлар бажарадиган вазифаларни бажариши бунинг далилидир.

КиО, КўО, СўОлар мисолида олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, олмошларда вариантчиликнинг вужудга келиши даврлар ўтиши билан сўз қурилишида вужудга келган фонетик-структурал ўзгаришлар, жумладан қисқарув, товуш тушиши ва орттирилиши каби ҳодисалар билан боғлиқ. Ҳозирги адабий тилимизда уларнинг фақат бир варианты меъёрлашган, бошқалари эса СН ёки БНда сақланган. Уларнинг сўзлашув жараёнида давом этиб келаётгани шевалар билан, БУда қўлланиши эса персонажлар нутқи индивидуаллигини сақлаш ҳамда бадиий-эстетик вазифани бажаришга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Ўзбек тилида олмошларнинг ўзаро ва бошқа тил элементлари билан содир бўладиган синонимияси нутқ жараёнида жуда катта қулайликлар яратади. Такрордан қочиш, фикрни ранг-баранг тарзда ифода этиш, турли-туман стилистик оттенкалар ана шу қулайликлар туфайли содир бўлади.

И Б О Б

СЎЗЛАШУВ НУТҚИ, РАСМИЙ ВА ИЛМИЙ МАТНЛАРДА ОЛМОШЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбек тили стилистикасининг назарий масалаларига бағишланган кузатишларда ФУлар масаласи ҳам тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлган.¹ Нафақат ўзбек тилшунослигида, балки кўпчилик тилшуносликларда ҳам акад. В.В.Виноградовнинг тилнинг уч муҳим вазифаси - алоқа, хабар, таъсир этиш хусусиятларига асосланилади.² «Кишилар ўз ижтимоий фаолиятларида, – деб ёзади С.Каримов, – тилдаги барча воситалардан: фонетик, грамматик, лексик, фразеологик бирликлардан фойдаланганларида, аввало, ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб нутқ мавзусига, вазиятга қараб танлайдилар ва ишлатадилар. Тилимиздаги воситаларнинг бир нечалаб кўринишларга эга бўлиши, синонимик ранг-баранглик шундай йўл тутишга имкон беради. Мана шу танлаш нутқ жараёнида тил бирликларининг ўзига хос, услубий чегараланишларини тақозо қилади. Тил элементларининг ижтимоий муҳитда танлаб ишлатилиши ва уларни тилшуносликда илмий-амалий таҳлил қилиш зарурати стилистикада янги соҳани – функционал стилистикани вужудга келтирди».³

Ўзбек тилшунослигида ФУларни тасниф этиш борасида турли хил қарашлар мавжуд бўлишига қарамасдан⁴, ҳозирда СУ, РУ, ИУ, ПУ ва БУларнинг мавжудлиги эътироф этилган ҳамда стилистик тадқиқотларда асосан ана шу таснифга амал қилиб келинмоқда.

Биз ўзбек тилидаги олмошларнинг ФС хусусиятларини ўрганиш жараёнида ҳам ана шу анъанавий қарашларга таянамиз ва ушбу бобда СУ, РУ ва ИУларнинг ФС хусусиятларини таҳлил қиламиз.

2.1. Сўзлашув услубида олмошларнинг қўлланиши

СН тил воситаларидан фойдаланишдаги эркинлиги билан китобий нутқдан жиддий фарқ қилади. «Ушбу нутқ тил материалига кўра адабий, диалектал, «оддий нутқ» ёки қоришиқ кўринишларига

¹ Ўринбоев Б. Функционал услуб ва унинг моҳияти. –Тошкент: Фан, 1992. –36 б; Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1984. –84б.

² Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1984. –Б.12-16.

³ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. –Б.7.

⁴ Абдурахмонов Ғ.Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1969. – №6. –Б.50-52; Ўринбоев Б. Функционал услуб ва унинг моҳияти. –Тошкент: Фан, 1992. –Б.32-33.

ҳам эга бўлиши мумкин»лиги¹ унинг ўзига хос бўлган лингвостилистик хусусиятлари тўғрисида мулоҳаза юритишда қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам Б.Ўринбоев ва Д.Ўринбоевалар қуйидаги мулоҳазаларини баён этган эдилар: «Сўзлашув нутқини функционал услублар билан тенглаштириш ва уни функционал услублардан бири деб билиш ушбу системани расмий услуб ва публицистик услублар билан бир қаторга қўяди. Аммо кейинги даврларда тилшунослар олиб борган кузатишлар сўзлашув нутқини функционал услубларга бундай тенглаштириш ўринсизлигини, сўзлашув нутқи кодификация қилинган адабий нутқ услубларидан тамоман фарқли ҳодиса эканлигини кўрсатади».² Лекин С.Каримовнинг юқорида айтган фикрларини инобатга оладиган бўлсак³, адабий ёки оддий⁴ кўринишлари бўлишидан қатъи назар, СНнинг ўз лингвистик ва экстралингвистик белгилари мавжуд. Бу белгилар нутқнинг тил элементларидан фойдаланишдаги ўзига хос услубини келтириб чиқарадики, ҳеч иккиланмасдан тилда, хусусан ўзбек тилида ҳам СН услуби мавжудлиги ҳақидаги фикрга қўшилиш мумкин бўлади.

СУда тилдан фойдаланишдаги ўзига хосликлар морфологик бирликлардан, хусусан, олмошлардан фойдаланишда ҳам намоён бўлади.

Кишилиқ олмошларининг қўлланиш имкониятлари СУда кенг. Бошқача айтганда, улар ўзининг лексик маъноларидан ташқари қўшимча стилистик оттенкаларни аввал сўзлашув жараёнида олиб, кейин шу шакл ва мазмунда бошқа услубларда қўлланилади, деган фикрдамиз.

Соф КиОлардан бири бўлган *мен* ни СУда қўллашда нутқ вазияти нуқтаи назаридан эҳтиёж йўқ. Чунки сўзловчи *мен* демаса ҳам гап муаллифи у эканлигига шубҳа қилинмайди. Демак, бу бирликнинг нутқда қўлланишида бошқа бир мақсад эътиборга олинади: *Китобни ўқидим – китобни мен ўқидим. Овқатни едим – овқатни мен едим*. Мазмунан ва грамматик жиҳатдан бу гапларда ҳеч қандай фарқ йўқ. Бу гапларга савол бериб кўрилганда эса, улардаги стилистик фарқлар кўриниб қолади: *Китобни ўқидингми? Китобни ким ўқиди? Овқатни едингми? Овқатни ким еди?* Биринчи ҳолатда

¹ Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. –Тошкент: Фан, 1974. –Б.11.

² Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. –Тошкент: Фан, 1991. –Б.16.

³ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. –Б.78.

⁴ Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.14.

китобни ўқиш ва овқатни ейиш ҳақида топшириқ берилган ҳамда бунинг натижаси сўралганда *китобни ўқидим, овқатни едим* тарзида ҳатто суҳбатдошларга вазият маълум деб тасаввур этсак, *ўқидим, едим* тарзида жавоб берилади. Феъл таркибидаги *–(и)м* қўшимчаси олмошнинг вазифасини бутунлай ўз зиммасига олади. Иккинчи гапларни - *Китобни мен ўқидим* ва *Овқатни мен едим* ни эса саволдан келиб чиқиб икки хил тушунса бўлади. Биринчи вариантда китоб ўқиш ва овқат ейиш вазифаси ҳаммага топширилган, лекин топшириқ берган киши улардан кимлар вазифани адо этганлигини билмоқчи. Бундай пайтда *китобни ўқидим, овқатни едим* тарзида жавоб бериш стилистик жиҳатдан нотўғри бўлади. Демак, гапларда *мен* таъкидлаш ва ажратиб кўрсатиш оттенкалари билан намоён бўлмоқда ва бу унинг СУдаги имконияти сифатида эътироф этилади. Айтайлик, БУда *Менман, менман, мен ўзим фақат!* тарзида мисралар шакллантирилган бўлса, *мен* даги оттенка СУдан кўчгандир.

Сўзлашув жараёнида шундай ҳолатлар мавжудки, *мен* ни қўлламаса бўлмайди: *Менга нима дейсан, бор, онангга айт!* каби. Агар ушбу олмош қўлланилмаса, тингловчи айтган гап кимга қаратилганлиги аниқ бўлмасдан қолаверади: *Нима дейсан, бор, онангга айт!* Суҳбатдошнинг гапи сўзловчига қаратилган, дейлик. Шундай бўлган тақдирда ҳам икки гапнинг маъно оттенкаси икки хил. Биринчи гапда зарда қилиш, аччиқланиш, норозилик оҳанги бор. Иккинчисида эса бу экспрессив хусусиятлар йўқ. Демак, биринчи гапдаги эмоционал ҳолатни ифода этувчи бўлак фақат *мен* деб айта оламиз.

Мен орқали бошқа оттенкалар ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, нутқда у мақтанчоқлик оттенкасини вужудга келтиради: *Шу ишни мен қилдим. «Беш» баҳони мен олдим.* Гапларда мақтанчоқлик билан биргаликда таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш оттенкалари ҳам иштирок этмоқда.

Баъзан нутқда таъкидлашнинг қўшимча воситаларидан ҳам фойдаланилади: *Вой мен ўлай, вой менгина ўлай!* гапидаги айирув-чегаралов юкламаси вазифасини бажараётган субъектив баҳо шакли - *гина* ана шу қўшимча восита саналади. *Мен* нинг *менгина* шаклида қўлланиши ҳам СУга хосдир.

Сен нинг стилистик табиати *мен* га асосан мос келади. Унинг ишлатилиши шарт бўлмаган ва бу бирликнинг вазифасини гапда бошқа бўлак ўз зиммасига олган пайтда ҳам қўлланишида муайян

стилистик мақсад ётади. *Нима дединг, сен нима дединг* жумлаларини олиб қарайлик. *Нима дединг* дейилганда ҳам *сен* сўзининг мазмунан иштирок этаётганлиги феълдан англашилиб турибди. Бундай пайтда ***Сен нима дединг*** ҳам айнан шу маънони бераверади. Унинг бор-йўқлигининг ҳеч қандай стилистик аҳамияти бўлмайди. Лекин иккала суҳбатдошнинг бири ким биландир бўлиб ўтган мунозара ёки тортишувларни айтиб, фақат ўз суҳбатдошининг гапларини сўзлаб бераётган бўлса ва ҳозирги суҳбатдошини унинг ўзи нима деганлиги қизиқтираётган бўлса, *нима дединг* тарзида сўраш савол берувчининг муддаосини очиб бера олмайди. Бунда *сен* олмошининг қўлланиши маъно аниқлиги нуқтаи назаридан шарт бўлиб қолади. *Ҳали сенми мени мазах қиладиган* тарзидаги гапларда эса ушбу олмошсиз мазмун умуман англашилмайди. ***Сенсиз*** *яшай олмайман* тарзидаги гапларнинг мазмуни эса ноаниқ бўлиб қолади. Демак, *сен* олмошининг гапда иштирок этиши нафақат грамматик аниқлик, балки стилистик аниқликка ҳам хизмат қилади.

Сен нинг гапдаги иштироки яна бошқа қўшимча оттенкаларнинг юзага чиқишига кўмаклашади. Масалан, унга кўплик қўшимчаси –*лар* нинг қўшилишидан нафақат сўзнинг грамматик меъёри бузилади ва семантикасига таъсир кўрсатади, балки стилистик маъносини ҳам ўзгартириб юборади: ***Сен*** *бу ерда нима қилиб юрибсан?* – ***Сенлар*** *бу ерда нима қилиб юрибсанлар?* *Сен+лар* тарзида сўз шакли ясалиши грамматик меъёрнинг бузилиши ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, унинг семантик маъносига – бирликни англатишига ҳам путур етади. ***Сенлар*** *бу ерда нима қилиб юрибсанлар* гапини таҳлил этувчиларнинг баъзилари уни сўзловчининг ўзидан ёши кичик бўлган кўпчиликка қарата қўллаш мумкин, деган фикрни айтадилар. Балки бу тарзда қўллаш мумкиндир, аммо у ижобий оттенкани бермайди. Унда менсимаслик, беписандлик, ҳурматсизлик оттенкалари мавжуд. *Сен* олмошининг мана шу оттенкалари ҳам фақат СУда юзага келган ва кейинчалик БУ ва ПУларга кўчган бўлиши мумкин.

Диалогик нутқда бу икки олмошнинг фаоллигини эътиборга олиб, Б.Ўринбоев ва Д.Ўринбоевалар «диалогик нутқ кишилиқ олмошларисиз воқе бўлмайди», деган фикрни айтадилар.¹

Биз олмошининг СУда қўлланишида ўзига хосликлар мавжуд. Унинг семантикасидаги кўпликни англатиш хусусияти кўпчилик ҳолатда сўзловчини қаноатлантирмайди. Камдан-кам ҳолатларда ***биз*** *келдик* деб қўлланади. Унга яна кўплик қўшимчаси –*лар* ни қўшиб

¹ Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. –Тошкент: Фан, 1991. –Б.117.

бизлар келдик, **бизлар** кетдик тарзида ишлатади. Мана шу жиҳатлари билан у китобий услублардаги **биз** дан фарқланиб туради ва биргалик маъносини ҳам англатади.

Шу маънода СУда **биз** нинг кўпликни англатиш хусусияти биринчи даражада турмайди. Аксинча, нутқда унинг кеккайиш, мақтаниш, ўзини кўрсатиш каби оттенкалари юзага чиқади: *Чақиртирган экансиз, мана, **биз** келдик. Агар шундай бўладиган бўлса, **биз** нима қилиб юрибмиз. **Биз** ҳам бормиз, ака* каби. Бу каби гапларда у грамматик мен вазифасини адо этади.

Биз энди қачон мактабга борамиз? **Биз** кимни яхши кўрамиз – аяжонними, дадажонними? каби ёш болаларга нисбатан қўлланганда **биз** олмоши *сен* маъносида қўлланади. Домла томонидан бир талабага ёки аудиторияга қарата айтилган **Биз** дарсга келишни ҳам, дарс тайёрлашни ҳам йиғиштириб қўйдик тарзидаги гапларда **биз** ҳам *сен*, ҳам *сиз* ўрнида ишлатилади. Унинг бу имкониятлари ҳам СУда намоён бўлади.

Сиз олмоши СНда ўзгача стилистик оттенкаларни вужудга келтиради. Масалан, **Сиз** ҳали одам бўлиб қолдингизми? Мен билан рақобат қиладиган **сиз** бўлдингизми? Нафрат оттенкасининг бу тарзда ифодаланиши сарказмни пайдо қилади. **Сиз** уйга бемаҳал келадиган бўлибсиз, деб эшитдим, шу гап ростми, ўғлим? гапида *сен* ўрнида **сиз** нинг ишлатилиши коса тагида ним коса, гўёки мулойим ифодада кучли дарғазаблик борлигидан далолат бериб туради.

Ёши кичик шахсга нисбатан *сен* ўрнида **сиз** ни қўллаш ўзбек тилига ёт бўлган хусусият эмас. Масалан, олмошлараро бу ўрин алмашиш Фарғона водийси аҳолиси нутқида муомала маданиятининг оддий кўриниши сифатида қаралади.

Кишилик-кўрсатиш олмоши ҳисобланувчи бўлган у нинг СНда қўлланишида стилистик нозикликлар кўзга ташланмайди. Аммо *улар* нинг у ўрнида қўлланишида бу хусусият мавжуд. Фақат шуни таъкидлаш жоизки, бу олмош тўлиқ *улар* шаклида эмас, балки қисқарган *ула* вариантыда ҳудудий чегараланган ҳолда қўлланилади. Масалан, Тошкент, Қарши ва Каттакўрғон каби шаҳар типигаги шеваларида *ула* келдила, *ула* айттила, *ула* дедилаки каби. Бундай ишлатишда сўзловчининг суҳбат объекти бўлган одамга нисбатан ҳурмати ифода этилади. Самарқанд, Фарғона вилоятлари ҳудудларида, айниқса, шаҳарларда бир кишига бўлган ҳурмат қуйидагича ифодаланади: *у киши келди, у киши айтди, у киши деди* каби. Ҳурмат муносабатини янада кучлироқ ифодалаш мақсадида у

киши келдилар, у киши айтдилар, у киши дедилар дейиш ҳам мумкин. Улар нинг ула шаклида қўлланишини адабий тил меъёрининг бузилиши деб эътироф этган ҳолда СУда у ўрнида улар нинг қўлланиши мавжуд эканлигини таъкидлаймиз.

Кўрсатиш олмошларидан *бу, шу* кабиларнинг СУда қўлланишида стилистик ўзига хосликлар яққол сезилиб турмайди. *Шунча, мана..., ана...* каби КўОлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Аммо *бу* олмошининг баъзи ҳолларда *мен* ўрнида қўлланиши кузатилади. Телефонда гаплашаётганларнинг нариги томондагиси *Бу ким? Ким билан гаплашаяпман? Сизни танимадим* тарзида суҳбатдошини танимаётганлигини маълум қилди, дейлик. Шунда қўнғироқ қилган киши *Бу – мен Муҳаммадман, Бу – Муҳаммад, Бу гапираётган – Муҳаммад* тарзида жавоб беради. Ана шундай ҳолатларда *бу* олмошининг вазиятдан келиб чиқиб кўрсатиш имконияти янада кенгаяди. У нутқда *сиз* ўрнида қўлланиши ҳам мумкин. Уч киши суҳбатлашиб турган пайтда суҳбатдошнинг бири иккинчиси билан бирор масала ҳақида фикрлашаётганда учинчи суҳбатдошга қарата *Шу гапга сиз нима дейсиз? Шу гапга булар нима дейдилар - Шу гапга була нима дейдила?* сингари саволни икки кўринишда шакллантириш мумкин. Аммо *бу* гаплар бир-биридан стилистик жиҳатдан фарқланади. Биринчисида мурожаат аниқ йўналтирилганлиги ва аниқ жавоб талаб қилинаётганлиги ифодаланади. Иккинчисининг маъно кўлами бир оз кенгроқ. Ундан сўзловчининг нутқ қаратилган шахсга нисбатан ҳурматини тушуниш ёки унинг иккиланиб, суҳбатдошнинг жавоб қайтаришига шубҳаланиб мурожаат қилаётганлигини сезиш ҳам мумкин. Кўпинча биринчи маъно назарда тутилади ва й-ловчи шеваларда *бу* ҳолат меъёр даражасида қаралади.

СНда *бу* баъзан *сиз* ва *сен* олмошлари билан тенг қийматда қўлланади: *Буни қара-я! Буни қаранг-а! - Сени қара-я! Сизни қаранг-а!* каби. Аммо уларнинг ўрин алмашишида яна қандайдир нозикликлар бор. *Буни қара-я! - Сени қара-я!* дейиш орқали ҳайратланиш, қойил қолиш оттенкаларини ифодалаш мумкин бўлгани ҳолда, норозилик ёки ажабланиш оттенкасини берадиган *Сени қара-ю!* гапини *Буни қара-ю* тарзида қўллаб бўлмайди. *Бу* олмошининг *бу* тарзда қўлланишини ҳам фақат СНда кузатиш мумкин.

Ўша олмошининг қўлланишида эса ҳеч бир олмошга ўхшамаган ўзига хослик бор. У баъзиларнинг нутқида

депрономинализациялашади, гўёки нутқ элементларини бир-бири билан боғловчи восита сифатида иштирок этади, уни зарур бўлган-бўлмаган вақтда ҳам ишлатаверади: *Мен ўша ўзингиз билган масала ҳақида айтмоқчи эдим. Тўғри, бу билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Аммо ўша орамизда юз берган воқеа ҳамиша мени хижолат қилиб туради...* Мисоллар таркибидаги *ўша* гап мазмунига ҳеч қандай ижобий таъсир кўрсатмайди. Унда нимагадир ишора қилишдан кўра нуқсон кўпроқ сезилади. Шунинг учун унга нутқдаги ортиқча восита сифатида қаралиши ва СУга хос бўлган ҳолат сифатида баҳоланмаслиги тўғри бўлади. Баъзан КўОлар қаватланган ҳолда қўлланадики, бу ҳам СУга хос: *Бу ўша биз билган бола каби.*

Адабий тилдаги ўхшатиш кўрсаткичи *-дай* қўшилган *ундай, бундай, шундай* КўОларнинг СУда *ундоқ, унақа, бундоқ, бунақа; шундоқ, шунақа, шундақанги, шунақанги* каби вариантлари мавжуд: «*Ман ундоқ қиладурман, ман бундоқ қиладурман*», деб мақтангани-мақтанган. *Унақада* қандай қилиб ошиб тушдинг? *Бундоқ* очилиброқ ўтирсанг-чи, ошна. *Бунақа* гапларингни қўйгин. *Шундоқ* ҳам банкрот бўлай деб турибман-у. *Шундақанги* гапларни гапирадики, атторнинг қутисида йўқ. (Сўзлашув)

КўОларнинг *анавинақа, манавинақа* вариантлари ҳам СНда кўп қўлланилади: *Анавинақа* машина олиб беринг, дадажон. *Манавинақанги* ишлардан хафа бўлиб кетаман каби.

Анақа олмоши айрим кишилар нутқида ўша олмоши сингари боғловчилик вазифасини бажаради. Аммо бу ҳолатни ҳам адабий тил меъёри нуқтаи назаридан маъқуллаб бўлмайди: *Анақа, бугун духтурга кўринмоқчи эдим. Анақа-да, бир оз чарчаганроқ кўринади* каби.

СНда *ана у, мана у, мана бу* бирикмаларининг *ану, анов, анув, манов, манови* каби фонетик жиҳатдан ўзгарган шакллари учраб туради: *Ану* бору, «Б»да ўқийдиган. *Анови* нимаиди? *Мановиси* неча пул? каби. Шу ҳолатда улар халқ оғзаки ижодига кўчади: *Дурустроқ бировинг бориб анов тентакнинг бошини олиб, тағи учовининг бошини кесиб келинг* («Якка Аҳмад»). Баъзан ҳозирги адабий асарлар матнларида ҳам учратиш мумкин: *Анов* чаманларда гул терардилар, / *Анов* тош устида ўлтирардилар (Э.Воҳидов) каби.

КўОлар баъзан жуфт ҳолда қўлланилади ва жуфт сўзларнинг умумий қонуниятларига бўйсунди ҳамда ноаниқлик, мавҳумлик оттенкаларини келтириб чиқаради: *У-бу* деб бошини айлантирди. *У-буни* баҳона қилиб, олган қарзини бермай кетди. БМларга шу

маънолари билан кўчади: – *Эртага бозор-ку, олиб чиқадиған ул-булларимни кўриб ўтирувдим* (Х.Султонов). Жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларида келиб, ноаниқ миқдор, ноаниқ ўрин, ноаниқ пайт маъносини ифодалайди: *Хуштак, шақилдоқ чалған танҳо қоровул кўлкалари унда-бунда учраб қолади* (Ойбек). *Ўша-ўша, йўловчилар ўз таишилари билан банд, севгилисини интизор кутиб асабий у ёқдан-бу ёққа юрган ошиққа ўхшаған бирон кимса йўқ* (У.Назаров). Баъзан жуфтлашиб кўп сўзи маъносини беради: *Олма, анор, апельсин, торт, яна шунга ўхшаи анча-мунча нарсалар ейилмай йигилиб қолған* (У.Назаров). *Зўр, роса* каби сўзларга яқин маъноларни ифодалайди: – *Ўхшатибди! Ўхшатса-да, улай-булай ўхшатмабди! – деди* (Т.Мурод).

СУда *ўша, шу* кўрсатиш олмошлари такрорланиб, таъкид, кучайтириш маъноларини ифодалайди. *Ўша* олмоши такрорланиб, «ўзгармаған», «олдингидай» деган сўзларга яқин маъноларни ифодалайди: *Ҳалиям озиб-негиб кетганим йўқ, вазним ўша-ўша* (М.Дўст).

Англашиладики, айрим КўОларнинг вариантлари СУга хосланған. КўОларнинг қиёслаш, ўхшатиш воситаси билан биргаликда қўлланиш ҳолатлари СУда фаол.

Сўроқ олмошлари орасида фаол қўлланиладиган *ким, нима* олмошлари услублараро бетараф сўзлар ҳисобланади. Шу билан бирга, *нима* нинг *ким* ўрнида қўлланиши СУ учун дахлдордир: *Отинг нима, ука?* Бошқа услубларда бу тарзда қўллашга йўл қўйилмайди.

Не/на сўзи СўО сифатида СУда камдан-кам қўлланади ва бунда у диалектал хусусиятларни акс эттиради: *Хов, не уйтасан* каби. Аммо бу сингари ҳолатлар адабий меъёрнинг бузилиши сифатида қаралади.

Нечук олмоши ҳозирги тилимизда БУга хосланған. Шу билан бирга, унинг ўғуз диалектида сақланиб қолғанлигини қайд этиш мумкин: *Нечуксан, манглайи кара?* каби.

СОлар тизимида синонимик қаторни ташкил этадиган *нимага, нима учун, не учун, нечун, нега* элементлари орасида ҳамда *қайси, қандай, неча, қанча, қачон, қани* олмошларида СУга хосланғанлик сезилмайди.

Англашиладики, *хосланиш* ва *фаол қўлланиш* тушунчаларини бир-бирига тенг қийматда қараб бўлмайди. Чунки *фаол қўлланиш* ўзида *услублараро бетарафлик* тушунчасини ҳам мужассам қилади. СўОлар орасида *нимага, нима учун* ёки *қайси, қандай, қачон, қани*

олмошларини барча ФУларда, жумладан, сўзлашув жараёнида ҳам тез-тез учратишимиз мумкин: **Нимага келдинг? Нимага келмадинг? Нима учун шундай? Нима учун шундай эмас? Қайси қаторни кўраяпсан? Ишинг қандай? Китоблар қани?** каби.

Услуглараро нейтрал бўлган қандай олмошининг СНда қандоқ варианты қўлланади: **Ишлар қандоқ, ука?** каби. Оғзаки нутқда, масалан шаҳар типигаги шеваларда, унда ҳеч қандай экспрессивлик йўқ. Аммо бошқа шева вакиллари, масалан, ж-ловчи шева вакиллари тилида шаҳар типигаги шева вакилига қарата **Ишлар қандоқ, ука?** дейилса, унда тақлид натижасида ҳазиллашиш, менсимаслик, носамимийлик каби оттенкалар юзага келиши мумкин. Чунки ж-ловчи шева вакили одатда **Ишлар қандай, ука?** деб сўрайди ва бу самимий бўлади. БУда қандоқ нинг вазифаси яна ўзгаради: **Заҳматкаш ўзбекнинг ҳосили қандоқ?! (А.Орипов). Юракдан чиқмаса қандоқ қиларсан, / Бу дардли юракка қайда бор даво?.. (М.Али)** мисраларида у сўрашнинг юқори услубини белгилайди.

Ўзлик олмоши ўз барча ФУлар учун нейтрал ҳолатда. СНда жуда фаол ишлатилади: **Ўзи гапириб, ўзи қўйди. Ўзинг бир нима де** каби. Бу қўлланишларда нутқий хосланиш йўқ. Аммо ушбу олмошининг такрорланган, жуфлашган ҳолда келишида СНга хос бўлган айрим жиҳатларни кузатиш мумкин. Масалан: **Ўзидан-ўзи ҳовлиқиб кетди, Ўзидан-ўзи аразлаб қолди** каби. Бундай пайтларда ўз нинг семантикасида ўзгариш юз беради, у **кутилмаганда, бирдан, номаълум вазият** оттенкаларини беради. Агар уларнинг ўрни алмаштириб, **ўз-ўзидан** шаклини олса, унинг СНга хосланиши йўқолади, китобий услуб томонга ўтиб кетади: **ўз-ўзидан маълумки, ўз-ўзидан англашиладики, ўз-ўзидан тушунарлики, ўз-ўзидан асл ҳолатига қайтади** каби.

Б.Ўринбоев ва Д.Ўринбоевалар унинг **ўзича-ўзи, ўзлик-ўзи** вариантлари борлигини айтишади. Ҳатто иккинчисига «Ёшлик» журналидан **Тўйга ўзлик-ўзи тўпланиб келибди** мисолини ҳам келтиришган.¹

Ўз олмоши кўплик қўшимчаси **-лар** билан қўлланади ва бунда сўз англатган икки маъно семантик жиҳатдан фарқланади: **Уларнинг ўзлари қўйишмади. Ўзларинг бориб туринглари** каби гапларда у грамматик маъноси билан иштирок этади. Биринчи гапдаги ўз таркибидаги **-лар** да таъкидни кучайтириш оттенкаси йўқ, у ўз зиммасида. Ҳар иккала гапда **-лар** кўпликни англатишга қаратилган.

¹ Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. –Тошкент: Фан, 1991. –Б.122.

Аммо ўзлари ни қўллашдаги иккинчи семантик маънонинг стилистик оттенкалари ҳам мавжуд: - ҳурмат оттенкаси: *Ассалому алайкум, келсинлар, келсинлар. Бу ўзларими?;* - пичинг, киноя, менсимаслик оттенкалари: *Ўзлари бориб кўрганмилар? Ўзлари бир нима десинлар, энди!*

Мана бу *Ўзлари* ҳеч нарса демадиларми? Оғизлари очилиб ўтиравердиларми? *Яшанг!* жумласини ҳам *сен* ва ҳам *сизга* қарата қўллаш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам у пичинг оттенкасини бераверади, сездирмаётган бўлса-да, ичдан ғазабланаётганлик англашилиб туради.

Ўз сўзининг матнда бу каби стилистик маънолар билан иштирок этишини СУга хосланганлик сифатида баҳолаймиз.

Белгилаш олмошлари сирасидаги *барча, бутун, ялпи* олмошлари СУ учун хос эмас. *Ҳамма, ҳар* олмошларида услублараро бетарафлик мавжудлиги учун уларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтириш зарурати бўлмайди. *Бари* СУга хосланган: *Баринг жойингда ўтир!* Айниқса *бари бир* тарзида фаол қўлланади.

Гумон олмошларининг *алла-* билан бошланувчи *аллаким, алланеча, алланечанчи, аллақайси, алланечук, аллақандай, алланима, алланарса, аллақаёқ, аллақаер, аллақай, аллақанча, аллавақт, алланеча, алланечанчи, алланечук* каби кўринишлари СУга хос эмас.

Таркибида *-дир* иштирок этган *қандайдир, қайсидир, қаернидир, қаёқнидир, қаердандир, қачондир, нечукдир, нималардир, ниманидир, негандир, нима учундир, ким ҳамдир* ҳамда *баъзи, баъзида, галати, айрим* олмошлари ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Аммо баъзан сўзлашув жараёнида *кимдир, нимадир, ким ҳам, кимниям* олмошлари қўлланади: *кимдир* келди; *нимадир* деди; *кимам* келарди ойимдан бошқа; *кимниям* кутардим, сени-да каби.

Бир нима, бир нималар, бир нарса сингари гумон маъносидаги олмошлар аксарият ҳолларда демоқ феъли билан биргаликда қўлланади: *бир нима* десанг-чи; *бир нима* демайсизми; *бир нималар* деди, тушунмадим; *бир нарсалар* деди, эшитмадим каби. *Бир хил* олмоши кам учрайди: *Бир хил* одамлар бой бўлай деб тўй қилади. *Биров* нинг қўлланишини, бошқа ГуОларга нисбатан олиб қараганда, СНга хосланган дейиш мумкин: *Биров* топиб гапиради, *бирав* қопиб гапиради. *Сенинг биравлар* билан ишинг бўлмасин! каби.

Хулоса қилиш мумкинки, СУнинг асосий аломатларидан бири унда диалектал хусусиятлар акс этиши бўлиб ҳисобланади. Тилнинг умумий қонуниятларига бўйсунган ҳолда олмошларни қисқартириб

қўллашга мойиллик сезилиши ва диалектал вариантларнинг қўлланиши ҳам бу услубнинг ана шу ўзига хослигидан келиб чиқади. Яна шу нарса кузатиладики, кўпчилик олмошлардаги қўшимча стилистик оттенкалар дастлаб СНда шаклланиб, кейинчалик нутқнинг бошқа кўринишларига кўчади.

2.2. Расмий услубда олмошларнинг қўлланиши

Ўзбек тили ФУларининг бири сифатида қараладиган РУ давлат-маъмурий, ҳуқуқий муассасаларида, расмий дипломатик муносабатларда қўлланилади ва унда адабий тил меъёрларига тўлиқ амал қилинади.¹ Ушбу услуб учун жаргонлар, оддий сўзлашувга хос сўзлар, эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган сўзларнинг ишлатилиши меъёр саналмаслиги ҳам уни бошқа услублардан кескин фарқлайди. У «...расмий (иш-идорага хос) лексика ва фразеологияга эгаллиги, сўзларнинг тўғри, номловчи маъносида қўлланиши, бир қолипдаги ибораларнинг, амал-мансаб атамаларининг кенг ишлатилиши, экспрессив нутқ воситаларининг деярли йўқлиги каби белгилари билан ажралиб туради».² Қонун матнлари, фармонлар, фармойишлар, буйруқлар, хуллас, барча расмий иш қоғозлари ана шу услубда шаклланади. Бу услубнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари ҳамда бу кўринишларнинг ҳар бири учун алоҳида ифода-баён меъёрлари амал қилади. Ариза, қарор, билдиришнома, маълумотнома, шартнома, табрикнома ва бошқа ўттиздан ортиқ расмий ҳужжатларнинг ҳар бирининг ўзига хос баён этиш қолипи, бинобарин, уларнинг ҳар бирининг алоҳида сўз ва турғун бирикмалари ҳам мавжуд бўлади.³

РУга хос бўлган аниқлик, тушунарли бўлишлик, фикрларнинг бир қолипда баён этилиши каби хусусиятлар унда тил материалидан фойдаланишга, жумладан, расмий матнларда (РМ) олмошларни қўллашга ҳам муайян талаблар қўяди.

РУнинг лингвистик хусусиятлари ҳақида махсус кузатиш олиб борган Д.Бобохонованинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг расмий-иш услуби» мавзуида ёзган номзодлик диссертациясининг иккинчи боби ушбу услубнинг морфологик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган. Ишнинг авторефератидан шундай хулоса чиқариш

¹ Каримов С., Маматов Х., Бўриев И. Юристинг нутқ маданияти. –Тошкент: Зарқалам, 2004. –130 б.

² Ҳожиёв А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002. –Б.84.

³ Бу ҳақда қаранг: Каримов С., Махматмуродов Ш., Каримова О. Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –192 б; Махмудов Н., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Аминов М. Ўзбек тилида иш юритиш. –Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1990. –221 б.

мумкинки, унда фақатгина РУга хос бўлган от ва феъл туркумларига оид сўзлар таҳлил этилган. Сифат, сон ва равиш туркумларининг РУга хосланиш хусусиятларига эга эмаслиги айтиб ўтилган.¹ Олмошлар хусусида эса ҳеч нарса дейилмаган.

РУда олмошларнинг ишлатилиши расмий мазмундаги матнларда бу олмошлар қайси сўз туркумига оид бирликларнинг ўрнида келиши билан боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, барча матнларда бўлгани каби, бу услубда ҳам маълум лексик бирлик ва унинг ўрнида қўлланган олмош ўзаро мантикий-грамматик оппозицияда бўлади. Муаллиф нутқ мазмунидан келиб чиқиб, уларнинг бирини танлайди. Масалан, РН учун от туркумига оид сўзлар кўп ишлатилиши характерли ҳисобланар экан, табиий равишда унинг ўрнида қўлланилиши лозим бўлган олмошларнинг мавқеи пасаяди: *Ўзбекистон Республикаси* фуқароси *Республика* ҳудудида *бир* жойдан *иккинчи* жойга *кўчиш*, *Ўзбекистон Республикасига* *келиш* ва *ундан* *чиқиб кетиш* ҳуқуқига эга (ЎЗР Конституцияси). *Ўзбекистон Республикасини* ҳимоя қилиш – *Ўзбекистон Республикаси* ҳар бир фуқаросининг бурчидир (ЎЗР Конституцияси). Ушбу мисоллардаги *иккинчи Ўзбекистон Республикаси* бирикмаси ўрнида у олмошини қўллаш мумкин. Аммо бу тарзда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас: РУ табиатига мос келмайди. Агар шундай қилинса, баён мантиғига путур етади, расмийлик оттенкаси йўқолади. Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, бундай ҳолатларда ноаниқликларга йўл қўйилмаслик мақсадида отлар олмошлар билан алмаштирилмайди. Аммо бу фикрни ҳам қатъий қоида сифатида ўрнатиб бўлмайди ва бу ерда ҳам, барча ФУларда бўлгани сингари, нутқий вазият устуворлик қилади. *Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси* ва *унинг қонунлари устундир* гапидаги КЎО ўз жойида ишлатилган. Чунки бу ўринда олмошни қўлламаслик баёнда гапнинг мантикий-грамматик мазмунига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ўринда қуйидаги фикрни ҳам эътиборга олиш лозим бўлади: «Хужжатлар матнига қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири холисликдир. Хужжатлар расмий муносабатларни ифодаловчи ва қайд этувчи расмий ёзма воситалар сифатида ахборотни холис акс эттирмоғи лозим. Шунинг учун хужжатлар тилида сўз ва сўз шакллари кўллашда муайян чегаранишлар мавжуд... Хужжатлар

¹ Бабаханова Д.А. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – С.15.

тилида от туркумига оид сўзлар кўп қўлланади».¹ «Сонлар ва олмошлар бу услубда бошқа сўз туркумларига қараганда иккинчи даражали омил ҳисобланади».²

Шундай бўлишига қарамасдан, ўзбек тилида ўзининг алоҳида лингвистик хусусиятларига эга бўлган олмошларнинг РМлардаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритишга тўла асослар бор. Уларни кўздан кечирамиз.

Кишилиқ олмошлари. Илмий манбаларнинг айримларида 1-ва 2-шахс КиОлар РУда умуман иштирок этмаслиги ҳақида фикрлар баён этилган.³ Бу фикр умумий маънода, хосланмаганлик маъносида тўғри бўлиши мумкин. Аммо хусусий ҳолатларда бу хулосага қўшилиб бўлмайди.

Масалан, ўзбек тилидаги иш қоғозлари туркумида таржимаи ҳол ёзиш қолипи мавжуд. Анъанага мувофиқ у **Мен** – Юсупова Орзибону 1978 йил 2 августда Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманининг Ёдгорхўжа қишлоғида тугилдим деб бошланади. Яна: **Мен**, Самарқанд вилояти ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармасининг ҳисобчи-тафтишчиси Р.Р. Машарипов, бошқарманинг 2002 йил 29 декабрдаги № 214-буйруғига асосан коллежнинг ҳисобчиси Улаш Пиримқулов ва моддий жавобгар – спорт йўриқчиси А.Акоян иштирокида мазкур ўқув юртига тегишли спорт жиҳозларини тафтиш қилдим («Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш»). Ишончноманинг матнида **Мен**, СамДУ ўзбек тилишунослиги кафедраси ўқитувчиси Сувонова Роҳила Акрамовна шу кафедрада ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Жўраев Толиб Тошбековичга Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясидан номимга ёзилган фан номзоди дипломини олишга ишонч билдираман («Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш») мазмунидаги гаплар учрайди. Ариза матнидаги **Мен** ўқишни битириб.., **Мени...** ишга қабул қилишингизни... **Менга** йўлланма беришингизни... **Менинг** аҳволимни эътиборга олишингизни... сингари жумлалар таркибида ҳам ушбу олмош келтирилмаса, аризада сўралаётган нарсга ким учун эканлиги номаълум бўлиб қолади. **Биз** яшаётган уй қурилганига... **Бизнинг** қишлоқда... яшайди. **Бизга** ажратилган ер майдони... сингари жумлалардаги **биз** олмошининг келтирилиши матн

¹ Маҳмудов Н., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Аминов М. Ўзбек тилида иш юритиш. –Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1990. –Б.19-20.

² Каримов С., Махматмуродов Ш., Каримова О. Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –Б.72.

³ Барлас Л.Г. Русский язык. Стилистика. – М.: Просвещение, 1978. – С.218.

талабидир. Ушбу олмошларсиз гап тўмтоқ бўлиб қолади. Демак, РУга хос бўлган ҳужжатнинг маълум бир турида *мен* ва *биз* энг зарур унсурлардан бири сифатида иштирок этади.

3-шахс кишилиқ-қўрсатиш олмоши *у*, *улар* ҳам РУда учрайди: *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафталик муддат ичида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил этиш ва унинг фаолиятини моддий таъминлаш юзасидан қарор қабул қилсин* (ЎЗР ОМК қарори). **Улар** ўз мустақил фаолиятларини ўзлари мустақил ташкил қилишни деярли билишмайди («Мустақил таълим тўғрисида»ги низом). Расмий ҳужжатларда *улар* олмошининг имкониятлари чегараланмаганлигини, шу билан бирга, барча услублар учун барабар вазиятда эканлигини таъкидлаймиз.

Қўрсатиш олмошлари сирасидаги *у*, *бу*, *шу*, *ўша*; *бундоқ*, *бунақа*, *бунча*, *шундоқ*, *шунақа*, *шундақанги*, *шунақанги*, *у-бу*, *шунча*; *мана...*, *ана...* каби элементларнинг РУ доирасида қўлланиш имкониятлари чегараланган. Жумладан, *бундоқ*, *бунақа*, *шундоқ*, *шунақа*, *шундақанги*, *шунақанги*, *у-бу* каби маълум даражада экспрессивлик оттенкаси бўлган олмошлар РУ табиатига мос келмайди, шунинг учун расмий-иш ҳужжатларида бундай КўОлар ишлатилмайди.

У олмоши бирлик ва кўпликда қўлланилади: *Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикадаги давлат ҳокимиятининг бирдан бир соҳибидир* («Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»). Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, **уларни** таҳлил қилиш, энг зарурларини ажратиб олиш ва тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, ўзларининг ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади («Мустақил таълим тўғрисида»ги низом). Бу олмоши аксарият ҳолларда бирликда қўлланади: **Бу** ҳуқуқдан носийсий жиноят содир этиш учун ёки Бирлашган Миллатлар Ташиқлотининг мақсад ва принципларига зид хатти-ҳаракат туфайли таъқиб пайтида фойдаланиш мумкин эмас (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси). Унинг бундай шакли ҳам учрайди: **Бундай** Баёнот БМТнинг Бош котиби ҳузурида иштирокчи-давлат томонидан сақлаш учун топширилади (Халқаро пакт). *Шу* олмоши: Худди **шу** масала бошқа халқаро муҳокама ёки бартараф этиш таомилига кўра қараб чиқилмаётган бўлиши керак (Факультатив протокол). Бу олмошларнинг биронтаси ҳам РУ учун хосланган эмас. Мана бу

мисолларни қиёслаймиз: *Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, **шу жумладан** иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга – Ҳар бир инсон ўзининг ва оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, **жумладан**, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизмат ... ҳуқуқига эга* (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси). Лекин *шу жумладан – жумладан* элементларининг қиёси, аризалар матнидаги **Шу** сабабли мени... **Шуни** эътиборга олиб... сингари жумлалар *шу* олмошининг РУда ҳам таъкидлаш мақсадида атайлаб ишлатилишини тасдиқлайди.

КўОлар орасида ушбунинг расмийлик оттенкаси кучлидир. Шу сабабли у РМларда фаол қўлланилади: **Ушбу** Протоколда назарда тутилаётган хабарларни кўриб чиқаётганда Комитет мажлиси ёпиқ бўлади. (Факультатив протокол). **Ушбу** Декларация Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир (Мустақиллик Декларацияси).

Мазкур олмошини РУга хосланган деб айта оламиз: **Мазкур** Пакетда иштирок этувчи давлатлар ушбу Пакетнинг шу қисмига мувофиқ **мазкур** Пакетда тан олинган ҳуқуқларга риоя этишига эришиш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳамда силжишлар ҳақида маърузалар тақдим этиш мажбуриятини олади (Халқаро Пакт).

Кичик бир матннинг ўзида КўОларни қўллашга бўлган эҳтиёж уларнинг синонимик вариантларига мурожаат қилишни тақозо этади: **Мазкур** Пакетда иштирок этувчи давлатлар **ушбу** Пакетнинг **шу** қисмига мувофиқ **мазкур** Пакетда тан олинган ҳуқуқларга риоя этишига эришиш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳамда силжишлар ҳақида маърузалар тақдим этиш мажбуриятини олади (Халқаро Пакт).

РМларнинг информацион характери, гапнинг дарак мазмунида бўлиши, сўроқ гапларнинг қўлланилмаслиги ким, нима, не/на, қайси, қандай, неча, қанча, қачон, нега, нимага, нечук, нима учун, қани каби СўОларнинг имкониятларини жиддий равишда чеклаб қўяди. Шунинг учун уларнинг биронтасининг РУ учун хосланганлиги ҳақида гапириб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда қабул қилган қарорлари ва «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» матнидан компьютер ёрдамида ҳам бу олмошларни топиб бўлмаганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Ўз олмоши РМларда ўзининг денотатив маъноси билан иштирок этади ва алоҳида оттенкалари билан ажралиб турмайди: *Белгилаб қўйилсинки, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир* (ЎЗР Олий Мажлиси қарори). Аммо унинг ариза матнида қўлланилишини ҳужжат мантиғи тақозо келади: *Ўз ихтиёримга кўра... Ўз хоҳишим билан... Ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан* каби. Бу гапларда улар тил тежамкорлиги нуқтаи назаридан ортиқча элемент сифатида кўзга ташланса-да, ариза берувчининг ким ҳақида гап кетаётганлигини таъкидлаш зарурати ушбу олмошнинг иштирокини тақозо этади.

Белгилаш олмошлари тизимидаги *ҳамма, бари, барча, бутун, ялли; ҳар бир, ҳар ким, ҳар нарса, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар қанча, ҳар қачон* олмошларнинг асосий қисмида қўлланиш имкониятлари кам. Улардан РМларда қуйидагилар ишлатилади:

- *ҳамма: Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда кўриб чиқилган ҳамма иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан фойдаланишда эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқ бериш мажбуриятини оладилар* (Халқаро Пакт);

- *барча: Ўрта таълимнинг барча шакллари, жумладан ҳунар-техника ўрта таълими очиқ бўлиши ва барча зарур чораларни кўриб, хусусан, аста-секин пулсиз таълим олишни жорий этиш йўли билан барчанинг имкони етадиган даражада бўлиши лозим* (Халқаро Пакт).

Ҳамма билан *барча* олмошлари қиёсланганда, биринчисида оммавийлик, иккинчисида расмийлик оттенкалари кучли эканлиги маълум бўлади. Шунинг учун *барча* олмоши, гарчи бошқа ФУларда қўлланилса ҳам, унинг РУга мойиллиги ҳақида гапириш мумкин;

- *ялли: Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялли тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб; аъзо бўлган давлатлар БМТ билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялли ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб...* (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси) каби.

Бошқа услубларга оид матнлар билан қиёсланганда *ялли* нинг тўлиқ маънода РУга хослангани аниқ бўлади. Мабодо бошқа услубларга тегишли матнларда учраганда ҳам у расмийлик оттенкаси билан иштирок этади;

- *ҳар бир*: **Ҳар бир** инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. **Ҳар бир** инсон қаерда бўлишидан қатъий назар, ўзининг ҳуқуқли субъект сифатида тан олинishiга ҳақли (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси);

- *ҳар нарса*: Ушбу моддадаги **ҳеч нарса** 1948 йилдаги Халқаро меҳнат ташилотининг конвенциясида иштирок этувчи давлатларга уюшмалар эркинлиги ва ташилотлар тузиш ...ҳуқуқини бермайди (Халқаро Пакт);

- *ҳар қандай*: **Ҳар бир** инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва гояларни **ҳар қандай** восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси).

Бари олмоши РУ учун хос эмас. **Ҳар ким**, **ҳар нима**, **ҳар қайси**, **ҳар қанча**, **ҳар қачон** каби олмошлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Бутун сўзи РМлардаги бутун жаҳон, бутун дунё, бутун олам, бутун иттифоқ каби турғун бирикмалар таркибида келади.

Бўлишсизлик олмошлари саналадиган **ҳеч**, **ҳеч ким**, **ҳеч қайси**, **ҳеч қандай**, **ҳеч қачон** сингари олмошларнинг қўлланилиши РМлар мантиқига зид келмайди. Чунки бу матнлар олдига қўйиладиган аниқлик ва бир маънолилик, кескинлик ва қатъият шу оттенкаларни ифодалашга хизмат қиладиган олмошларни талаб этади. БўОларнинг аксарият қисми эса ана шу вазифаларни уддалай олади. Масалан:

-*ҳеч*: Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш БМТнинг мақсад ва принципларига **ҳеч** зид бўлмаслиги керак (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси);

-*ҳеч ким*: **Ҳеч ким** асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас. **Ҳеч ким** ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси). «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт»нинг 6-27 моддаларида **ҳеч ким** олмоши фаол ишлатилганлиги маълум бўлади: ... **ҳеч ким** азоб-уқубатга солинмаслиги ...керак; **ҳеч ким** қулликда сақланиши мумкин эмас; **ҳеч ким** эрксиз ҳолатда сақланмаслиги керак; **Ҳеч ким** ўзбошимчалик билан қамоққа олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас; **Ҳеч ким** бирор шартнома мажбуриятини бажаришига қодир бўлмаган асосдагина озодликдан маҳрум этилиши

мумкин эмас; **ҳеч кимнинг** шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашishi... мумкин эмас;

ҳеч бир: Мазкур модданинг **ҳеч бир** қисми айрим шахслар ва муассасаларнинг ушбу модданинг биринчи бандида баён қилинган тамойилларга оғишмай риоя этиб... Барча болалар ва ўсмирларга **ҳеч бир** камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъи назар алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт (Халқаро Пакт);

-**ҳеч қандай**: Балоғат ёшига етган эркеклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича **ҳеч қандай** чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси) сингари.

Аммо бу олмошнинг ҳеч нима, ҳеч қанча, бир нарса каби кўринишлари РМларда деярли учрамайди.

Гумон олмошлари қўлланилиши РМлар табиатига мос келмайди. Шунинг учун уларга деярли мурожаат қилинмайди. **Ҳеч ким бирор-бир** уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмас сингари гапларда ҳам унда гумон маъносидан кўра қатъият оттенкаси устундир.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг статистик таҳлили шуни кўрсатадики, унда 687 та сўз 1448 марта қўлланган. Шуларнинг 103 таси олмошлар бўлиб, умумий сўзлар сонининг атиги 0,7 фоизини ташкил этади. Уларнинг статистикаси қуйидагича: *Улар* – 3, *бу* – 6, *шу* – 2, *ўша* – 1, *қанча* – 1, *ўз* – 18, *ҳамма* – 4, *барча* – 10, *ялпи* – 4, *ҳар* – 1, *ҳар ким* – 1, *ҳар қандай* – 4, *ҳар бир* – 33, *ҳеч* – 1, *ҳеч ким* – 8, *ҳеч қандай* – 1, *ҳеч бир* – 4, *ҳеч бўлмаганда* – 1, *жами* – 103 та.

Ушбу статистик маълумотлар ҳам олмошларнинг РУга хосланган ёки хосланмаганлиги ҳақидаги мулоҳазаларни маълум даражада ойдинлаштиради.

Шундай қилиб, олмошларнинг аксарият қисми РУга хосланмаган. Аммо улар РМларда ўзбек тили луғат таркибининг аъзоси сифатида иштирок этади ва ўзининг лингвистик табиатидан келиб чиқиб маълум лексик-семантик ва ўрни билан ФС вазифани адо этади.

2.3. Илмий услубда олмошларнинг қўлланиши

ИУ ўзбек тилшунослигида ФУлардан бири сифатида М.Мукаррамов томонидан докторлик диссертацияси даражасида ўрганилган ва ўзининг илмий баҳосини олган.¹ Олимнинг «Илмий стилда фикр ифодалаш усули ҳам бошқачадир. Уни бадиий ёки сўзлашув нутқларига қиёсласак, ўртадаги фарқ янада конкретлашади. Илмий асар объектив ҳақиқатни логик тафаккур, мантикийлик орқали акс эттиради. Шунинг учун илмий адабиёт бошидан охиригача асосан муҳокама юритиш ва исботлашдан иборат бўлади»², – деган фикрлари олмошларнинг ҳам ушбу услуб доирасида қўлланиш даражасини белгилайди. Бошқача айтганда, турли матнларда ўзига хос тарзда иштирок этадиган олмошларнинг ИУда қўлланиши шу услуб хусусиятларидан келиб чиқади. Илмий баёнда унинг муаллифи биринчи ўринда турмаслиги, фикрнинг умумга қаратилганлиги, кўпинча мажҳул нисбатда ифодаланиши, унда фақат монологик нутқ шаклидан фойдаланилиши матн таркибида олмошларнинг ҳам ўзига хос ўрнини белгилаб беради. Қуйида уларни бирма-бир кўриб ўтамиз.

Кишилиқ олмошлари *мен, сен, сиз* кабиларнинг қўлланиши ИН учун хос хусусият саналмайди. *Биз* олмоши ўзининг асосий вазифасидан четга чиқиб, ***Биз*** ушбу *тадқиқотимизда тилдаги экстралингвистик омилларга асосий эътиборимизни қаратдик. Биз бу билан фандаги мавжуд қарашларни инкор этмоқчи эмасмиз. Бизнинг тегиришларимиз шуни кўрсатадики, илмий нутқда фақат кишиларнинг тахаллуслари ва ҳайвонларга қўйилган номларгина учрамайди* (М.Мукаррамов) сингари гаплар таркибида қўлланилганда 2-шахс кўплик маъносини эмас, балки 1-шахс бирлик маъносини ифода этади ва бунда камтарлик оттенкаси мавжуд бўлади. Тўғри, ана шу оттенкани *эътиборимизни қаратдик, инкор этмоқчи эмасмиз* жумлалари таркибидаги –*миз* элементи ҳам беради олади. Масала шу тарзда қўйилганда, *биз* ўз зиммасига яна иккинчи стилистик вазифани - фикр муаллифини таъкидлаш оттенкасини ўз зиммасига олганлиги маълум бўлади.

1-шахс бирлик кўрсаткичи *мен* эса, аксинча, нутқни бузади, манманлик, мақтанчоқлик оттенкасини келтириб чиқаради: ***Мен*** ушбу *тадқиқотимда тилдаги экстралингвистик омилларга асосий эътиборимни қаратдим* сингари.

¹ Мукаррамов М. Научный стиль современного узбекского литературного языка в семантико-функциональном аспекте: Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 44с.

² Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984. – Б.17.

Аммо бу ИУда *мен* мутлақо ишлатилмайди дегани эмас. Гап ушбу олмошнинг муаллиф баёни таркибидаги иштироки тўғрисида бормоқда. Уни ўзгалар нутқида бемалол қўллаш мумкин: *Унинг асосий илмий бошқариш концепцияси қуйидагича: агар мен кишиларни илмий асосда танлаб олсам, илмий асосда уларни тайёрласам...Пол ўз вазифасини бажариши учун, мен ўз вазифамни бажаришим керак* («Менежмент асослари»). Бундан ташқари, диссертациялар ҳимояси жараёнида шундай мазмундаги гаплар айтилади: *Мен* ушбу ишимни синчиклаб ўқиб чиқиб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини берган ҳурматли оппонентларимга ҳам ўз миннатдорчилигимни изҳор қиламан каби. Бу ИНдан кўра РН ҳисобланади. Унинг муаллифига ҳеч ким *мен* деб айтмасликни чегаралай олмайди. Шунинг учун ҳам М.Мукаррамов «Айрим илмий асарларнинг сўз бошисида биринчи шахс бирлик -*ман* формасини ишлатиш ҳоллари учрайдики, бу бевосита авторнинг индивидуал стили билан боғлиқдир», деган фикрларни айтган.¹

Илмий баёнда *биз* олмошини ишлатишнинг яна бир қулайлик томони бор. У фандаги маълум хулосалар, қарашлар фақатгина муаллифники эмас, бошқаларга ҳам тегишли эканлигига ишора қилишнинг қулай воситасидир: *Ҳақиқатда ҳозир биз айтаётган менежмент XIX асрда содир бўлган саноат революцияси натижасидир* («Менежмент асослари») каби.

3-шахсни кўрсатувчи *у, улар* олмошларининг қўлланиши 1- ва 2-шахс кўрсаткичлари сингари чегараланган эмас. Бу олмошларнинг қўлланиши барча услубларда ҳам чегараланмаган, шу маънода улар нейтраллик хусусиятига эга. Шу билан бирга, ИУ доирасида асосий хусусияти – шахсларга нисбатан қўлланиш хусусиятларини сақлаб қолгани ҳолда, уларнинг моҳияти биров ўзгаради – предметлар, ҳодисалар ўрнида фаол қўлланади ва уларни кўрсатиш оттенкаси устунлик қилади. Бунда ИМнинг жанр хусусиятларини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, тарихий-илмий асарларда ёки умуман илмий асарларнинг, илмдаги кашфиётлар, қарашлар ва фикрларнинг муаллифлари ҳақида гап кетганда, ушбу олмошлар қўлланилади: *У дифференциал тенгсизликларнинг чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламаларни ечишда қўлланиши бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди* («Дорилфунун фидойилари»). *Р.Гукнинг кузатув ишларини Италиялик олим М. Мальпиги ва Англиялик олим Н. Грюлар давом эттирдилар. Улар биринчи бўлиб,*

¹ Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984. –Б.88.

ўсимликларнинг илдиз, поя, барг ва меванинг ҳужайравий тузилиши тавсифини беришга муваффақ бўлдилар («Ботаника»).

Нашр мазмунига қараб, илмий баёнда бу олмошларнинг ўрнини бошқа бирликлар билан алмаштириб қўллаш имконияти пайдо бўлади. Масалан, Р.Воҳидовнинг «Самарқанднинг илмий виждони» асарида академик Ботирхон Валихўжаевга нисбатан у олмоши билан биргаликда *Ботурхон домла, аллома, устоз, олим* сўзлари ҳам қўлланилган: *У ўзбек ва тожик адабиётлари тарихи...га доир жиддий тадқиқотларнинг муаллифи. Ботурхон домланинг жумҳурият матбуотидаги қалдирғоч мақоласи 1953 йилда босилган. Олимнинг эллик йиллик тўйи муносабати билан эълон қилинган мақолаларнинг бирида қуйидагиларни ўқиймиз. Устоздаги тиниқ хотира, ҳофиза қуввасининг сарҳадсизлиги бизни лол қодирар, кўнглимиздан ҳар қандай шубҳаларни ҳайдаб чиқарарди.* Бу эса ИМларда ҳам уларнинг жанр хусусиятларига қараб, одатда бошқа услубларга хосланган элементларнинг қўлланилишига йўл қўйилишидан далолат беради.

Кўрсатиш олмошларининг ИУда қўлланилишда маълум чегараланганлик сезилади. Бошқа услубларга тегишли бўлган *бундоқ, бунақа, бунча, шундоқ, шунақа, шундақанги, шунақанги* каби элементлар ИМларга хос эмас. *У, улар, бу, шу, ўша* бирликлари эса қўлланилади: *Албатта, бу* иккала модел фақат назарийдир, амалиётда **улар** соф кўринишда мавжуд эмас, инсон зиддиятли мавжудот, *у* ўзида ҳам биринчи, ҳам иккинчи моделлар сифатини бирлаштиради («Менежмент асослари»). Вошерия, каулерна ва замбуруғларнинг айрим турлари **шу** гуруҳ учун характерли ҳисобланади («Ботаника»). **Ўша** даврларда... нутқ маданияти соҳасининг текшириш объектини, тадқиқ қўлами ва чегарасини, мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш лозим эди («Тил таълими ва меъёр») каби.

Айрим матнларда булар олмошининг қўлланиши ҳам кузатилади: **Булар** ўрни билан бадиий стилга қиёсланиб, илмий стилнинг ўзига хос морфологик белгиларини аниқлашга ҳаракат қилинди (М.Мукаррамов).

Аммо *ўша, булар* каби қўлланишлар ИМларда маҳсулдор саналмайди.

Қаратқич келишиги шаклидаги КўОлар *натижасида, орқасида* каби сўзлар билан; жўналиш келишиги шаклидаги олмош *кўра, қараб (қараганда)* сўзлари билан; чиқиш келишиги шаклидаги олмош

ташқари, буён сўзлари билан бирга келиб ёрдамчи сўз вазифасида ишлатилади: шунинг (бунинг, унинг) учун, шунинг натижасида, шунга кўра, бундан ташқари каби.¹ Мана шу ҳолатларда ИУга хосланиш юз беради: *Шу туфайли, шу сабабли, шунинг оқибатида, шу қадар* каби. Олмошларининг ФУлараро хосланишида у билан ёнма-ён келган сўзларнинг роли катта бўлади, бошқача айтганда, якка олмошлардан кўра олмошли бирикмалар хосланиши ҳақидаги хулосалар ишонарли бўлади.

Шу сабабли, шу боис, шу туфайли, шунинг/шу учун каби ёрдамчи сўзли бирикмалар ҳам ИМларда фикрларни далиллаш мақсадида қўлланилади: ...*шу боис* улар бизнинг қ,ғ,ҳ, каби товушларимизни равон талаффуз қила олмайдилар («Тил таълими ва меъёр»). *Шу сабабли*, ядро ва цитоплазма ўртасида алмашинув жараёни анча енгил ўтади («Ботаника»). *Шу туфайли* улар ҳар хил касалликларни даволашда ишлатилади. *Шунинг учун* бу аспектдаги тадқиқотда бир функционал стилнинг сўз формалари... бошқа бир стилнинг сўз формаларига қиёсланади (М.Мукаррамов).

М.Мукаррамов КўОларни ИМнинг, хусусан абзацларнинг боғланишига хизмат қилувчи восита, деб баҳолаганлигидан келиб чиқиб,² уларни ИНнинг шаклланишидаги муҳим унсурлардан бири сифатида қараш тўғри бўлади. Биз бунга олмошларнинг ИМларда хулосаларни беришда, якуний фикрларни баён этишда ҳам аҳамияти борлигини қўшимча қилишимиз мумкин: *Бу эса келажакда рус ва ўзбек тили чоғиштирма стилистикаларининг, туркий тиллар қиёсий стилистикаларининг яратилишига сабаб бўлади* (М.Мукаррамов) каби.

Келтирилган мисоллардан *у, улар, бу, шу* сингари КўОлар ИУ учун хосланган, деган хулоса келиб чиқмайди. Маъносида кўрсатиш оттенкаси бўлган *ана, мана* сўзлари ҳам ИМларда *бу, шу* КўОлар билан биргаликда қўлланилади. Аслида уларнинг ўзбек тилининг барча ФУларида фаол учратиш мумкин. Унинг фақатгина *шу сабабли, шу боис, шу туфайли, шунинг/шу учун* каби кўринишларининг ИМлар синтактик қурилишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаш мумкин.

Сўроқ олмошлари орасида *ким* ва *нима* олмошларидан ИМларда самарали қўлланилади: ...*она тилимизнинг маданийлиги учун ким* курашаяпти, *ким* фидойилик қиляпти? («Тил таълими ва

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.342.

² Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. –Тошкент: Фан, 1984. –Б.149.

меъёр»). *Хужайра нима ва у қандай вазифани бажаради?* («Ботаника») каби.

Қайси олмоши ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин: *Пластидларнинг тузилиши ва катта-кичиклиги унинг қайси* тўқималарда бўлиши ҳамда бажарадиган вазифасига боғлиқ («Ботаника»). Бу мисолдан *қайси* СўОнинг ИУга хослиги тўғрисида хулоса чиқариб бўлмайди. У ўзбек тилининг бошқа ФУларида ҳам фаол учрайди. *Қайси, қандай, неча, қанча, қачон, нега, нимага, нима* учун олмошлари ҳақида ҳам шу фикрни айтишимиз мумкин. Аммо *нечук, не/на* олмошлари ИУ учун хос эмас, *қани* элементи эса жуда кам учрайди.

Ўзлик олмоши барча ФУ учун барабар ҳисобланади. Лекин *аксини топмоқ, ечимини топмоқ, ифодасини топмоқ, ўрнини топмоқ* ҳамда *зиммасига олмоқ, мулоҳаза билдирмоқ* каби илмий баён услубига хос бўлган турғун бирикмалар таркибида қўлланиши айнан ана шу элементлар билан биргаликда ИУда ўз ўрнига эга эканлигидан далолат беради: *Соҳани кузатишга бағишланган тадқиқотлар анжуман материалларида ўз аксини топди*. 90-йилларда ушбу масала маълум маънода *ўз ечимини топганлиги* кўринади. ...бу мажбурийлик тегишли *хужжатларда, лугатларда ўз ифодасини топди*. Демак, Тоғай Мурод қўллаган тарвузи ёрилмоқ ибораси ҳам адабий тилимизда *ўз ўрнини топишга, меъёрлашишга* ҳақли. Улар бизнинг уй, бизнинг маҳалла, бизнинг мактаб тарзида қўлланиши, эгалик қўшимчаси бажарадиган вазифани қаратқич келишиги кўрсаткичи *ўз зиммасига олиши* ҳам мумкин. Ўзбек тилида равишлар услубияти ва меъёри ҳақида олимларимиз ҳалигача *ўз мулоҳазаларини билдиришган* эмас («Тил таълими ва меъёр») каби. Бундан ташқари, *ўз замонида, ўз даврида, ўз навбатида* каби бирикмаларнинг маънолари ҳам ИМлар учун характерли ва уларнинг маъноси ўз олмошисиз юзага чиқмайди: Авлонийнинг «ўқиш, ўқитиш, тарбия ишларида давр талаби асосида ислохотни амалга ошириш ниҳоятда зарур» деган фикри *ўз замони* учун ҳам, бугунги кун учун ҳам қимматлидир. Бу қоидалар *ўз даври* имкониятлари доирасида яратилган бўлиб, ундаги бир қатор қоидалар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан етарли асосланмаган ёки эскирган эди. У яна *ўз навбатида* ҳар бир ҳолатдан келиб чиқадиган грамматик меъёрлар ҳақида мулоҳаза юритишимизга имкон беради («Тил таълими ва меъёр»).

Белгилаш олмошларининг қўлланилишида чегараланишлар мавжуд. Услуглараро нейтрал ҳисобланадиган жамлаш маъносидаги ҳамма сўзи ИМларда фаолдир: *Шу тўрт мақсадга оид миқдорий кўрсаткичлар белгиланиб, ҳамма ресурслар шу мақсадларга эришишига йўналтирилади* («Менежмент асослари»). Олмошларнинг бу гуруҳи орасида китобийлик оттенкаси кучли бўлган барча элементиинг қўлланиши устунлик қилади: *Деярли қисқа вақт ичида барча табиатишунос олимлар ҳужайра назариясини тан олдилар* («Ботаника»). Қайтариқлардан қочиш мақсадида улар бир гапда синоним сифатида қўлланади: *Барча ижтимоий муаммоларни, иқтисодни ривожлантириши йўлидаги ҳамма қийинчиликларни агар уларга ишбилармонлик руҳида ёндашилса, «яратувчилик менежменти» орқали осон ҳал этиши мумкин* («Менежмент асослари»).

Таҳлиллар бутун олмошининг қўлланиш миқдори юқоридагилардан кам эмаслигини кўрсатади ва ундаги қатъият оттенкасининг кучлилиги бунга сабаб эканлиги маълум бўлади: *Кўп сонли воқуолалар ҳам бирлашиб бир бутун марказий воқуолани ҳосил қилади* («Ботаника»). *Натижада «инсон муносабатлари» ҳаракати бутун илмий ҳаракатга қарама-қарши туриб қолди* («Менежмент асослари»).

Ялпи олмоши ИН ва РНга хосланган бўлса-да, синонимик қатордаги бошқа сўзларга нисбатан кам қўлланилади. Кўпинча иқтисодиётга оид ИМларда *ялпи маҳсулот, ялпи даромад* каби бирикмалар таркибида қўлланилади: *Қўшма корхона ишлаб чиқарадиган ялпи маҳсулотдан олинадиган даромаднинг тенг ярмига японияликлар эгаллик қиладилар* (Газетадан). *Конференция ялпи йиғилишининг очилиши ва давом этиши - 10.00.- 12.00* («Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш») каби.

Бари олмошининг қўлланиши ИУ учун хос эмас.

Белгилаш маъносини англатадиган *ҳар, ҳар ким, ҳар нима, ҳар қайси, ҳар қандай, ҳар қанақа, ҳар қанча, ҳар қачон* олмошлари орасида *ҳар қандай* бирлиги кўзга ташланиб туради. Улар орасида биз ўрганган деярли барча ИМларда *ҳар қандай* олмошининг қўлланиши фаол: *Топонимлар, - деб ёзишади Н.В.Подольская ва А.В.Суперанскаялар.- планетамизнинг номи Ердан таиқари ҳар қандай географик номларни ифода этувчи барча сўзлар учун умумлаштирувчи атамадир* («Ўзбекистон топонимикаси»).

Кичик хулосаларни келтиришда, абзацларни ўзаро боғлашда, айтилган фикрларни алоҳида таъкидлаш учун *ҳар қалай*, *ҳар ҳолда* элементларидан фойдаланилади: *Ҳар қалай*, юқорида айтилганлардан фаннинг предмети, мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш мумкин («Ўзбекистон топонимикаси»).

Қуйидаги мисолларга эътиборимизни қаратамиз: *У мураккаб ва кўп погонали эволюция давомиди турли-туман ўзгаришларга учраган ва ўсимликларда бўладиган ҳар хил шакл тузилишларни эгаллаган. Оқсилдан иборат бўлган ҳар бир фермент асосига физиологик актив модда кофермент қўшилади* («Ботаника»). Агар «Ботаника» дарслигининг 35 бетлик матнида *ҳар* сўзи 60 марта қўлланган бўлса, шундан у иштирок этган *ҳар бир* бирикмаси 13 марта, *ҳар хил* эса 38 марта ишлатилган. «Менежмент асослари»ининг 38 бетлик матнида *ҳар* сўзи 40 марта қўлланган бўлса, шулардан 21 мартасини *ҳар бир* ва 2 тасини *ҳар хил* ташкил этади. Бу фактлар ИУда қўлланиши устунлик қилувчи БеОлар ва бу олмошлардан фойдаланишда муаллифларнинг индивидуал услуби сезилиб туришидан далолат беради.

Ҳар жиҳатдан, ҳар томонлама каби бирикмалар ҳам илмий баён услубида фикрни тасдиқловчи тил элементлари сифатида иштирок этади: *Дала ёзувлари билан биз ҳар жиҳатдан ишончли материални қўлга киритамиз* («Ўзбекистон топонимикаси»). *Мустақил Ўзбекистон давлатини ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодий мустақиллигини таъминлаш кўп жиҳатдан замон талабига жавоб берадиган раҳбар ва мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлиқ* («Менежмент асослари»).

Бўлишсизлик олмошларидаги қатъият оттенкаси ИМларда қўл келади. Шунинг учун ИУда уларнинг ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қайси, ҳеч қандай, ҳеч қанча, ҳеч қачон сингари барча турларини учратиш мумкин: *Бундан ташқари кимдир швед модели қотиб қолган ва яқунланган нарса, шведлар энди ҳеч нарса қилмай яшайверишлари мумкин деб ўйлайди. Ҳар қандай фаолиятнинг интеллектуал таркиблари жисмоний элементлардан устун турган шароитда одамларни нафақат қўли билан балки ақли билан ишлашга мажбур этиш ҳеч қандай маъмурий буйруқбозлик воситалари билан инсонни ўзи хоҳламаса ижодий фикрлашга ва ҳаракат қилишга мажбур қилиши мумкин эмас* («Менежмент асослари»). *Бинобарин, тил - маънавият кўзгуси, маърифат чироғи, билим калити экан унга ҳеч қачон* иккинчи даражали нарса деб қарашга ҳаққимиз йўқ («Тил

таълими ва меъёр»). Шундай бўлса-да, уларнинг ИМларда фаоллигига даъво қилиб бўлмайди.

Гумон олмошларининг қўлланилиши ИУнинг табиатига тўғри келмайди. Шунинг учун олмошнинг бу тури сифатида қараладиган бирликларга ИМларда деярли дуч келмаймиз. Аммо бу дегани улар мутлақо учрамайди, деган гап эмас. Бу фанларнинг табиат ва жамиятни акс эттириш хусусиятларига, илмий асарларнинг жанр хусусиятларига ҳам боғлиқ. Илмий баён аниқлик, объективлик ва мантикий изчиллик каби талабларга риоя қилса-да, унинг айрим соҳаларида, масалан, математика, физика ва бошқа йўналишларида илмий фаразларга, тахминларга, гипотезаларга йўл қўйилади ва бунда ГуОларнинг қандайдир каби кўринишларига мурожаат қилинади: *Демак унгача, ҳақиқий маънода меъёрлашгунга қадар тил бирликлари нутқда яна қандайдир босқичларни босиб ўтади ва танланиш жараёни тилнинг меъёрлашувида кейинги босқичлардан бири саналади («Тил таълими ва меъёр»).* Адабий тил нормаларини онгли равишда бошқариб бориш **қандайдир** йўналиш, **қандайдир** диалектга суяниш, таянч нуқта бўлишини тақозо қилади (Р.Аванесов) каби. *Кимдир* олмоши ҳам ИМларда қўлланилиши ва фикрлар қиёси учун хизмат қилиши кузатилади: ...чунки у **кимнингдир** хоҳиши туфайли юзага келган ўткинчи назария бўлмай, балки тарих синовларида ўзининг илмийлигини чуқур исботлаган йўналиш сифатида фойдаланилмоқда («Менежмент асослари»).

ГуОлар сирасида қараладиган ва ноаниқлик оттенкасини берадиган *баъзи, баъзи бир* элементлари ҳам ИМларда учрайди: **Баъзилари** бошқариш муаммоларини ўтган даврларда ишлатиб келинган услублар билан ҳал қилдилар. **Баъзи бирлари** учун раҳбар — чуқур техник ва иқтисодий билимларга эга бўлган мутахассис бўлса, бошқалар учун — маъмурий вазифаларни бажарувчи ишлаб чиқариш ташкилотчиси («Менежмент асослари»). Уларнинг **баъзилари** бир гуруҳ микроорганизмларга кучли таъсир кўрсатса, бошқалари шу микроорганизм учун хатарсиз-инерт ҳисобланади («Ботаника»). Худди шу маънони берадиган айрим сўзи ҳам учрайди: *Меҳнат* жамоаларида низо чиқарувчи **айрим** шахслар бўлиши турган гап («Менежмент асослари»). Лекин бу сўзларни ИУга хосланган олмошлар сифатида қараб бўлмайди. Уларнинг китобий ФУларнинг барчасида кузатиш мумкин.

Кузатишлар М.Мукаррамовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили» номли асарида фақат КиОларни таҳлил

қилиб, «Олмошларнинг бошқа маъно турлари илмий нутқда бирор-бир белгиси билан ажралиб турмайди» деган фикрлари етарли асосланмаганлигини кўрсатади. Аслида бу алоҳида белгилар ИМларда учрайдиган олмошларда мавжуд эканлигини юқоридаги таҳлиллар кўрсатиб турибди.

Боб юзасидан қисқача хулосалар

СУ ва китобий услубда олмошларнинг қўлланиши маълум даражада бир-биридан фарқланади. Бу фарқланиш дастлаб ушбу нутқ услубларида тил элементларининг қўлланишига хос бўлган умумий қонуниятлар доирасида англашилса, иккинчидан, олмошлар қўлланишининг ўзигагина тегишли бўлган хусусиятлардан маълум бўлади.

Шу маънода СНда олмошлар алоҳида мазмунга эга бўлади. Масалан, грамматик жиҳатдан аҳамиятсиздай туюлган КиОларнинг қўлланиши ўзида муайян стилистик маъно ташийдиган ва улар олмошларнинг лексик маъноларига жиддий таъсир кўрсатади. Бир олмошнинг иккинчи бир олмош ўрнида қўлланиши дастлаб СУда содир бўлади ва кейинчалик бошқа ФУларга кўчади. Олмошлардаги вариантлик хусусиятининг намоён бўлишидаги имкониятлар ҳам асосан СНда юзага келади.

РУ ва ИУлар хосланиш-хосланмаслик чегараларининг бошқа ФУларга нисбатан бир қадар аниқлиги билан ажралиб туради. Масалан, РНда от туркумига оид сўзларнинг фаоллиги олмошлар мавқеини пасайтиради. Мазкур нутқда умуман олмошлар кам қўлланади. Иш юритиш жараёнида ҳужжатларга хос бўлган бир қолипчилик уларда айрим олмошларнинг иштирокини қатъий белгилаб қўяди. Масалан, ариза ва далолатномалардаги *мен*, *ўз*, мактублардаги *сиз*, дипломатик ҳужжатлардаги *ушбу*, *мазкур* кабилар шулар жумласидандир.

ИУда олмошлар ўзининг алоҳида, бошқа ФУларда учрамайдиган стилистик маънолари билан иштирок этади. *Биз* ва *мен* сўзларининг, *шу сабабли*, *шу боис*, *шу туфайли*, *шунинг учун* каби олмошли бирикмаларнинг, *ўз аксини топмоқ*, *ўз ечимини топмоқ*, *ўз ифодасини топмоқ* сингари ФБларнинг стилистик вазифалари бунинг исботи бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, ҳар учала услуб олмошларнинг қўлланиши билан ўзининг алоҳида хусусиятларини намоён қилади.

Ш Б О Б

БАДИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК МАТНЛАРДА ОЛМОШЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Бадиий ва публицистик жанрларда ёзилган асарлар аниқ бир муаллифга тегишлилиги ва ижод маҳсули эканлиги билан характерланади. Зеро, бу услубларда шаклланадиган матнлар асар муаллифидан жанр талабидан келиб чиқиб, махсус тайёргарлик кўришни, ҳар бир воқеа-ҳодисани, тасвир объектини бадиий-эстетик тафаккур призмасидан ўтказишни, бинобарин, ушбу мақсадга хизмат қиладиган ҳар бир тил элементини танлаб ишлатишни, уларга муайян таъсир кўрсатиш вазифасини юклашни талаб этади. Тил бирликларидан шу тарзда фойдаланиш бевосита олмошларга бўлган муносабатда ҳам англашилиб туради.

Бунинг устига, асар муаллифининг тил материалига ижодий ёндашуви, воқеликни баъзан кенг кўламда, баъзан эса сиқик шаклда ифодалашга бўлган эҳтиёж тил бирликлари зиммасига алоҳида вазифаларни юклайди. Бинобарин, бадиий ва публицистик матнларда тил бирликлари ўзларининг асосий лексик-грамматик вазифасидан ташқари образлиликка хизмат қиладиган семантик-стилистик маънолари билан иштирок этади ва шу услублар доирасида хосланиб, дифференциаллашиб боради.

Шунинг учун ҳам тил тизимида муҳим ўрин тутадиган олмошларни ФС жиҳатдан ўрганиш тилшунослик фани, айниқса, стилистика фани учун қизиқарли хулосалар беради. Қуйида ана шу услубларда шаклланган хос матнлардаги олмошларни таҳлил қиламиз.

3.1. Публицистик услубда олмошларнинг қўлланиши

Ҳозирги ўзбек тилининг ПУи ҳақида номзодлик диссертацияси ёзган Т.Қурбонов бу услубнинг лингвистик хусусиятлари ва ижтимоий вазифасини таҳлил этар экан, унинг асосий белгиларини тилнинг алоқа, хабар ва таъсир кўрсатиш имкониятларидан келиб чиқиб ўрганган ва жанрларини таснифлаган.¹ Мустақиллик даврида журналистика соҳасига жиддий эътибор берилиши, ушбу соҳани ривожлантириш юзасидан «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш

¹Қурбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. –Ташкент, 1987. –С.7-8.

тўғрисида» (24.04.1997), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (26.12.1997) Қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилиниши, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳисобга олиниб, бу соҳанинг «тўртинчи ҳокимият» деб аталиши публицистиканинг тил жиҳатларини ҳам чуқур ўрганишни кун тартибига қўйди. Бу борада ўзбек тилшунослигида кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Улар орасида А.Абдусаидовнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари алоҳида ўрин тутади.¹ Аммо тилга олинган ушбу икки диссертацион ишда олмошларнинг функционал-услубий хусусиятларига махсус тўхталинган эмас.

ПУДоирасида қараладиган жанрлар кўлами кенг бўлиб, улар тадқиқотчилар томонидаи ахборот, таҳлилий ва бадий-публицистик жанрлар тарзида учта катта гуруҳга ажратилади ва уларнинг 60 дан ортиқ кўринишлари мавжуд эканлиги қайд этилади. ПУДоирасидаги ҳар бир катта ва кичик жанрлар ўзига хос тил хусусиятларига эга ва улар лингвистик жиҳатдан алоҳида тадқиқот объекти бўла олади.

Мазкур услубдаги жанрлар ранг-баранглиги туфайли олмошларнинг қўлланиши тўғрисида факат умумий тарзда мулоҳаза юритишимиз мумкин. Чунки ушбу туркумга оид сўзлардан фойдаланиш эҳтиёжи публицистик жанрлар хусусиятидан келиб чиқиб юзага келади.

Биз ушбу ўринда таҳлил учун «Зарафшон» газетасининг 2006 йил 1-квартал сонларидан фойдаланамиз. 57 саҳифадан иборат электрон матннинг компьютер ёрдамида амалга оширилган статистик таҳлилларга ҳам асосланамиз.

Кишилиқ олмошларидан мен - 37, сен - 19, биз - 43, сиз - 12 марта қўлланилган. *Мен* кишиларнинг гаплари кўчирма тарзида келтириляётганда, таҳририятга ёзилган хатларда ишлатилган: *Болаларим ҳамда акаларим мени қўлтигимдан суяб «Нурбулоқ» маъданли сув билан даволаш хусусий шифохонасига олиб боришди.*

Ушбу олмош ахборотнинг хабар, репортаж, ҳисобот, интервью, таҳлилнинг мақола, тақриз, обзор сингари жанрларида ишлатилмайди. Бадий-публицистик жанрларда қўлланади.

Сен олмоши хусусида ҳам шу мазмундаги гапларни айтиш мумкин. Унинг қўлланиш имконияти бадий-публицистик жанрлар доирасида чегараланган. У ҳикматли сўзлар бериладиган махсус рукндаги ва БМларда учрайди: *Агар умрдошинг доим ёнингда бўлишини истасанг, шундай қилки, у сенсиз ҳеч ерда уйдагидек*

¹ Абдусаидов А. Язык газеты и литературная норма: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1988. – С. 9.

фароғат ва назокат топмасин. Ўғлим, сендан умидимиз катта. Агар сен ўғлимни озод қилмасанг, ...сен қонхўр Кирнинг каллангни узиб, қон тўлгазилган мешига солдираман.

Биз олмоши журналистлар тилидан мустаҳкам ўрин олган олмош саналади ва репортаж, интервью, шарҳ, обзор каби жанрларга оид матнларда фаол қўлланилади: Мухбирлар тилида: «Наврўз - 2006» ҳудудий кўрик-танловлари икки босқичда бўлиб ўтади, - дейди биз билан суҳбатда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи. Банкнинг бу хил қатъиятини биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Шунинг учун бу сўз газета матнларида энг муҳим бирлик сифатида сарлавҳаларга ҳам олиб чиқилади: Бизнинг интервью, Бизнинг суҳбат, Бизнинг мусоҳаба каби.¹

Сиз олмоши хат ва табрик сингари жанрлар доирасида чегараланган, бошқа жанрларга хос эмас: Сизнинг адоқсиз меҳрингиз олдида жуда-жуда қарздорман. Сиз шу қадар мўътабар, шу қадар муқаддас бир зотсизки, меҳрингиз тафтидан олам яшаради, яшнайди. Зеро, дунёнинг тинчлиги, ҳаётнинг гўзаллиги, фарзандларнинг баркамоллиги фақат Сиз туфайлидир, азиз оналар!

У, улар бирликларига кишилиқ-кўрсатиш олмошлари сифатида қарашга тўғри келади. У барча публицистик матнларда (ПМ) шахсга нисбатан ҳам, предметга нисбатан ҳам фаол қўлланилган дейиш мумкин. Шахс ўрнида: У кўрган тушини эслади. Предметга нисбатан: У ой тупроғи юзасидаги титан оксидларида исталган миқдорда бор. Ҳодисага нисбатан: Наврўзнинг инсон ҳаётидаги ўрни, таърифи, таснифининг адоғи кўринмайди. Шунинг учун ҳам у ҳаминиша яшаб ва яшариб бормоқда.

Улар ҳам ПМларда фаол, асосан кўрсатиш маъносида қўлланилган. Шахсларга нисбатан: Яна улар Ўзбекистонда забардаст, экспортбон маҳсулот ишлаб чиқарадиган яна битта корхонанинг кўпайишига, бинобарин республика ички ишлаб чиқарини оз бўлса-да, ўсишига сабаб бўлар эдилар. Воқеа-ҳодисага нисбатан: Кейинги Жиноят кодексида эса уларнинг 13 таси сақлаб қолинди, яъни 20 та турдаги жинойтдан ўлим жазоси олиб ташланди. Предметга нисбатан: Уларга 945 нафар ўқувчи-ёшлар жалб этилган каби.

Кўрсатиш олмошларининг икки тури - бу ва шу лар ПМларнинг барчасида фаолдир. Кузатилган матнда бу – 130, шу - 57 марта

¹ Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри ...дисс.автореф. – Тошкент, 2005. –Б.15.

қўлланганлиги фикримизни исботлайди. Улар аксарият ҳолларда нарса-ҳодисани кўрсатишга хизмат қилади: *Қани бу ерда шахсий ташаббус. Шу жиҳати билан уни тарбиявий аҳамиятга эга асар дейиш мумкин каби.*

Ўша, ушбу олмошлари бу матнларда кам қўлланилади: *Ўша* йиллари у талаба бўлишига қарамай, «Мосфильм» ва Украинанинг «Довженко» киностудияларида сурагга олинган «Эркин шамол», «Янтар қироллигидан келган қочоқ» бадиий фильмларида эсда қоларли ролларни ҳам ижро этди. Ҳа, илмий-техник потенциал *ушбу* вазифани удаллаш имконини берарди, лекин у мақсад қилиб қўйилмаганди.

Бунақа ахборот-таҳлил жанрларининг расмий кўринишларига хос эмас. У интервью берувчилар, бадиий-публицистик матнлардаги қаҳрамонлар тилида учрайди: *Ёш бўлганда-ку бунақа* совуқларда ҳеч ҳам қийналиб қолмасди, лекин начора, қаричилик экан-да.

Бунча олмоши публицистиканинг расмий жанрларига хос эмас. Унда СУга хосланганлик ва маълум даражада экспрессивлик оттенкасининг мавжудлиги бадиий-публицистик жанрлар доирасида чегаралайди: *Ким сенга ҳавасда камолот топар, / Бунчалик* ҳокисор бўласан яна.

Шунча сўзи барча матнларда бўлгани сингари бу ўринда ҳам олмошлик ва равишлик вазифасини бажараверади: *Аёлларимиз* ҳақида қанча кўп гапирсанг, *шунча* оз. Аммо бу олмош негизида ҳосил бўлган *шунчаки* нинг қўлланишида танқид, пичинг каби оттенкалар юзага чиқади: *Шунчаки, айтдик, қўйдик-да! Лекин* мақола *шунчаки* учун ёзилмаяпти.

Ана, мана олмошларида ҳам кўрсатиш маъноси мавжуд. Матнларда улар бошқа КўОлар билан ёнма-ён келиб плеонастик ҳолат содир бўлади, табиийки, шу асосда таъкид ҳам кучайтирилади: *Ҳамма гап Ўзбекистон Миллий банкининг ана шу* маблағ учун кафолат хати беришни тезлаштиришига боғлиқ бўлиб қолган. *Мана шу* ишларни бажариш учун корхона керакли ускуналарни Жанубий Кореядан олиб келиши керак.

Интервью жанрида мухбирлар ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган кишилар билан мулоқотда бўлади, суҳбатлашади ва, табиийки, бу жараёнда суҳбатдошга саволлар берилади. Саволларда суҳбатдош фаолиятининг маълум қирраларига ишора қилинади, мавзунини ёритиш учун йўналишлар берилади. Бундай пайтларда сўроқ гаплар таркибида КўОлар қатнашади: *шу*

масалада/ҳақда нима дея оласиз, **шу** масалада/ҳақда фикрингизни билмоқчи эдим/эдик, **шу** масалага/ҳақда тўхталиб ўтсангиз.

Публицистиканинг танқидий ва долзарб мавзулар ёритилган жанрларида, жумладан танқидий хабар, муаммоли репортаж, танқидий мақола кабиларда ким ва нима олмошларидан фойдаланилади: *Хўш, бунга ким айбдор? Рекламага учиб, баъзилар уларни ўзича харид қилиб ичиб, соғлигига зарар етказмаслигига ким кафолат беради? Хўш, нима гап ўзи?* каби. Аммо бу каби ҳолатлар билан уларнинг имкониятларини чегаралаб бўлмайди. Бу элементлар кўплаб ПМларда учрайди: **Кимки** ёшлигидан муносиб тарбия ва таълим олса ҳаётда тўғри йўлни топа олиши, ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойда келтириши, бахтга эришиши китобнинг мазмун мундарижасини ташкил этади. *Хўш, Наврўз одобномасининг қирралари нималардан иборат?*

Не/на олмошларини ПМларда камдан-кам ҳолатларда учратиш мумкин: *Қўша-қўша машиналар-у, сандиқ тўла сарполарингиз фарзандингиз бахти учун не наф берди?*

Муаллифнинг савол бериши ва баъзан ўзи жавоб қайтариши публицистик баён услубида қулай усул ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу мазмундаги матнларда қандай (21 марта), қанча (11 марта) олмошларга тез-тез мурожаат қилиб турилади: *Умуман, халқнинг ақлий, маърифий-руҳий ҳамда жисмоний тарбиясида Наврўзнинг ролини қандай изоҳлаш мумкин? Ўтган муддат ичида бу борада қанча ишлар амалга оширилмади дейсиз.*

Нега, қани олмошлари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин: *Ўшанда фермер, ахир, ариза берганимга йил тўлаяпти, нега менга ҳануз мақсадли кредит маблағини ажратмайсизлар, деганида «ахир, ҳужжатларингиз тўла тайёр бўлмаса нима қилайлик», деган жавобни олган экан. Қани* бу ерда шахсий ташаббус. Ўрнат!

Ўзлик олмоши ПМларда бетараф бирлик сифатида иштирок этади ва барча услублардаги каби жуда фаол қўлланилади («Зарафшон»да 129 марта ишлатилган): *Гарчи Миллий банк раҳбарияти ўз йиғилишларида ушбу масалани бир неча марта муҳокама қилиб, ижобий хулосага келган ва бу ҳақда зарур ҳужжатларни тайёрлаган бўлса-да, кафолат хатидан ҳамон дарак йўқ.*

Белгилаш олмошлари орасида ҳамма да услублараро бетарафлик мавжуд: *Оилаларда, мактаб ва кутубхоналарда – ҳамма* жойда

китобларни яхши сақлашни йўлга қўйишимиз, китобни нондек эъзозлашимиз лозим каби.

Бари бадий-публицистик матнларда, оғзаки нутқда учрайди: Фермер таажжубланиб, «қанақасига тайёр эмас, ахир, ойлар давомида зир югуриб айтган ҳужжатларингизнинг **барини** бадастур қилдим-ку», деса, банк ходими, ҳужжатлар жилдининг бош қисмида фермер ҳўжалигининг муҳри йўқ-ку, дебди.

Барча ПУда фаол қўлланилади. У айрим жумлалар таркибида турғунлашган бўлади: *барча шароитлар, барча жабҳалар, барча соҳалар* каби: Бу фожиялар **барчамизга** сабоқ бўлиши керак. Иш ускуналарини ўрнатиш учун **барча шароитлар** яратиб қўйилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари З.Мирзаев тантана иштирокчиларига вилоят ҳокимининг табригини ўқиб эшиттираркан, фидойи хотин-қизларнинг **барча жабҳалардаги** меҳнати ва шижоатига юқори баҳо берди. Вилоят ҳокимлиги 13 та номинация бўйича жамиятнинг **барча соҳаларида** самарали меҳнат килаётган энг фаол хотин-қизлар номини эълон қилди. Олмошли бирикмаларнинг турғунлашган ҳолатларида ПУга хосланганлик сезилади.

Жамлаш маъносини берадиган бутун сўзининг қўлланиши РМлар билан боғлиқ: *Нью-Йоркда бўлиб ўтаётган Бутунжаҳон* ўйинчоқлар кўргазмасида «Хасбро» компанияси электрон янги ўйинчоқларни намоиш этди. Мен ушбу ўлкага қадам қўяр эканман, аввало **бутун дунё** халқларининг Ислом динига эътиқоди мени ҳайратлантирди. Бу услублараро яқинликнинг натижасидир.

Ўзбек тилида ҳар сўзи ва унга айрим СўОлар, баъзан бир, нарсалар бирликларининг қўшилишидан ҳосил бўлган элементлар¹ БеОлар сифатида ПМларда қўлланилади: Бола **ҳар қандай** китобни тушунарли ва ифодали ўқиши учун бир дақиқада юз сўзни ўқий олиши керак. Тарихчи Арузи Самарқандий қолдирган маълумотга кўра, адабиётдан тўла хабардор бўлиш учун **ҳар бир** киши йигитлик даврида ўтмиш шоирлардан йигирма минг байт, замондош шоирлардан ўн минг байт, жами ўттиз минг байтни ёддан билиши керак бўлган. «Зарафшон»да бу сўз олмошлар таркибида 51 марта қўлланган.

ПМларда *ҳар томонлама, ҳар доим, ҳар кун, ҳар ҳафта, ҳар баҳор, ҳар он, ҳар қадамда, ҳар ой, ҳар сафар, ҳар гал* каби бирикмалар кўп учрайди.

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.355.

Инкор маъносини ифода этувчи *ҳеч* ва унга қўшиладиган СўОлар ва *бир*, *нарс*а, *ҳам* элементли сўзлар БўО сифатида ПМларда, барча матнларда бўлгани каби, қатъиятни таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш, кескин фикр ифода этиш, қиёслаш каби ҳолатларда қўлланади: *Аммо Гулнора она ва унинг аҳил жамоаси, кўнгли ярим, лекин орзу-ҳаваси оламдек болалари билан ҳеч хайрлашгим келмади. Аслида Муқаддас «Қуръон» китобимизда ҳам ҳижоб тўғрисида ҳеч бир жумла йўқ. «Ҳеч ким кўрмайдиган жойга олиб бориб ташланг» деявериб безор қилибди. Шу сабабли амалга оширилган таҳлиллар ва тадқиқотлар натижасида инсон ҳаёти дахлсиз ва ҳеч қандай куч билан ажратилмас бойлик..., деб ушбу жазосини қўллаш билан боғлиқ амалиётга чек қўйиш керак, деган хулосага келинди. Ернинг пайдо бўлиш бошланғич даври ҳақида бизга ҳеч нарс*а маълум эмас.

Гумон олмошлари. Олмошлар орасида сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этадиган ГуОларнинг ПМларда қўлланиши маҳсулдор эмас. Публицистиканинг деярли барча жанрларига ҳос бўлган аниқликка мойиллик уларни фаол ишлатилишига монелик қилади. Шунинг учун ҳам уларни баъзан бадий-публицистик жанрларда ёзилган матнлар тилида, таҳририятга ёзилган хатларда, танқидий мақолаларда учратиш мумкин: Умиджон Султонов *аллақачон* вилоятимиз фаҳрига айланиб улгуришди. Ўғил бир кун келиб уйга қараса ростдан ҳам онаси *ниманидир* кавшаб юрганмиш. *Нима учундир* олимлар Ойга шошилиб қолишди? Аммо кўнглимни хира қилган *бир нарсани* айтмасам бўлмас. Рекламага учиб, *баъзилар* уларни ўзича харид қилиб ичиб, соғлигига зарар етказмаслигига ким кафолат беради? *Баъзида* мижоз пастроқ сифатли кампанияга аъзо бўлса-ю, уяли алоқаси овози паст бўлиб яхши ишламаса, буниям рекламанинг «фойдаси» деймизми? Афсуски, *айрим* бойваччаларга тақлид қилиб, «шовла кетса кетсин, обрў кетмасин», «қарз тўланар, хотин ёнда қолар» қабилида моддий аҳволини ҳисобга олмай, қарзга ботиб дангиллама тўй қилаётганлар учраб туради.

Умумий маънода ПУнинг «ўз» олмошлари йўқ. Матнларда уларнинг барчасига дуч келинади. Аммо жанрлар услуби уларнинг қўлланишини ўз доирасида чегаралайди. ПУда қўлланадиган олмошларни фаол ва нофаол тарзида иккига бўлиш мумкин.

3.2. Бадий услубда олмошларнинг қўлланиши

Тилнинг ижтимоий вазифаси ҳақида гапирар экан акад. В.В.Виноградов «Тилнинг алоқа, хабар ва таъсир каби муҳим ижтимоий вазифалари ажратилганда тил структураси умумий планида қуйидаги услублар чегараланган бўлиши мумкин: кундалик-маиший услуб (алоқа вазифаси), кундалик-хизматга доир, расмий-ҳужжат ва илмий (хабар вазифаси), публицистик ва бадий-беллетристик (таъсир вазифаси)»¹ [Таржима С.Каримовники.] тарзида қайд этган фикрлари БМлардаги тил воситаларини таҳлил этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, тил воситаларининг БМларда ўзига хос тарзда намоён бўлиши туфайли уларда тилдан фойдаланишнинг алоҳида услуби шаклланган. Ана шу алоҳидаликнинг олмошлардан фойдаланишда ҳам яққол намоён бўлиши уларнинг махсус таҳлил этишни тақозо этади.

Адабий асарлар матнида олмошларнинг барча турларини учратиш мумкин. Мавзуларнинг турли-туманлиги, асарда турли жинс, ёш ва касбдаги қаҳрамонлар нутқи олмошларнинг шу тариқа кенг қўламда фойдаланишга йўл қўяди. Бу қўлланишда улар, биринчи навбатда, ўзининг семантик маънолари, иккинчидан, стилистик маънолари билан иштирок этади. Мавзу таҳлили нуқтаи назаридан бизни кўпроқ масаланинг иккинчи томони қизиқтиради ва бунда О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романлари, У.Азим ва М.Алининг «Сайланма»лари матнидан фойдаланамиз.

Кишилиқ олмошлари БМларда жуда фаол. Уларни бирма-бир кўздан кечирамиз.

Мен. Жанр хусусиятларидан қатъий назар барча бадий асарларда фаол қўлланади ва ўзининг грамматик маъносидан ташқари алоҳида семантик оттенкани намоён этади. Асосан таъкидни ифода этади: *Агарчи масала шахзоданинг гуноҳларини кечирмоқда бўлса, юрт осойишталиги йўлида мен сулҳдан бош тортмас эдим* (О.Ёқубов). Мана шу маъноси билан аслида у СНда барқарорлашган. (КиОлар статистикаси илованинг 2-жадвалида берилди).

«Тушда кечган умрлар»да *ман* 7 мартагина персонажлар нутқида қўлланилган: *Бўмаса, ўй оббер, уч хоналими, тўрт хоналими, десам, ман сизга квартир берадиган исполком эмасман, дейди. Келин-куёв дўмга кўчиб келган кунлари энг аввал ман билан*

¹ Виноградов В.В. Стилистика. Теория художественной речи. Поэтика. – М., 1963. –С.6.

танишган... каби. Бу ман нинг адабий матнларда имконияти чегараланиб бораётганлигидан далолат беради.

«Бу дунёда ўлиб бўлмайди»да учрайдиган 2 та *фақир* ва 27 *банда* сўзининг биронтаси ҳам мен маъносида ишлатилган эмас, балки ўз лексик маъноси – *одам, инсон, киши* маънолари билан иштирок этган. Бу эса, *камина, фақир, банда* сўзларининг мен ўрнида қўлланиш имкониятлари тобора торайиб бораётганлигини кўрсатади. *Банда* сўзи билан ёнма-ён мен нинг қўлланиши бу фикрни янада мустаҳкамлайди: *Шундай экан, мен ожиза банда, шу ерда ўтирган барча мўмин-мусулмон мазлумаларга Муҳаммад алайҳиссаломимиз ўғитларига амал қилиб, бошларига рўмол ёпинишларини сўрайман... Худо мен бандасини-да ўз раҳматига олса эди!* Шунинг учун бўлса керак, «Улуғбек хазинасида» ҳам *банда* 1-шахс бирликни кўрсатиш вазифасида бир марта қўлланган: *Осий банда ўз падаримни тахтдан сарнигун қилган бўлсам... бу юмушни мулки ислом йўлида қилганмен, мавлоно!* Лекин роман матнида *бандаи ожиз, бандаи гофил, осий банда, бандаи мўмин, гуноҳкор банда, бандаи мутакаббир, бандаи нобакор* каби аниқловчи-изофали қурилмалар учрайди: *Бандаи ожиз Мовароуннаҳрга салкам қирқ йил раҳнамолик қилдим. Ва лекин бандаи гофил ҳақ таолонинг ихтиёрини билмоқдан ожиздурмиз. Мавлоно Али, ҳар бандаи мўминнинг изми ихтиёри ўзидадур. Йўқ, бандаи ожиз эмас, бандаи нобакорсен!* каби.

Мен ўрнида *камина, фақир, банда* сўзларининг қўлланиши тарихан камтарлик маъносини ифодалаш билан боғлиқ бўлган. «Улуғбек хазинаси»да айнан шу маъноларни берган: *Каминадин тагин не тилайсиз, устод? Наҳот фақирдан шубҳа қилурсиз, устод?*

Замонавий адабий асарлар матнида *камина, фақир* сўзларининг қўлланиш кўлами торайиб бораётганлиги билан бир қаторда, уларнинг семантик доирасида ҳам ўзгаришлар содир бўлаётганлиги кузатилади. Масалан, *камина* Ў.Ҳошимов қаҳрамони Соат Ғаниев ва Т.Мурод қаҳрамони лўттибоз «демократ» Диля нуткида мақтанчоқлик оттенкасини ифодалаш мақсадида келтирилган: *Эътиборингиз учун, ўртоқ терговчи, горисполкомнинг уй тақсимооти комиссиясида камина ҳам борлар! Чунки кўриб турибсиз — камина бир ожизаи заифа* каби.

Ж.Ҳамдамов «Ўзбек тили тарихи» асарида Алишер Навоий ижодида КиОларнинг тарихан *фақир, бу фақир, банда, бу банда, бу бандаи фақир, бу бенаво, бу мазлум, бу нотавон, бу телба, бу*

шикаста, бу қул, бу ҳақир, камина сингари эквивалентлари бўлганлигини ва уларни қўллаш анъаналари кейинги асрлар адабиётида ҳам давом этганлигини кўрсатиб ўтади ва қуйидагиларни ёзади: «*мэн~мэн* олмошининг эквиваленти ёки дублети сифатида қўлланадиган сўзлар ёки сўз бирикмалари одатда сўзловчининг тингловчига нисбатан субъектив ҳиссиётини, унинг олдида ўзини ғоятда камтар, хоксор тутишини ёки тилга олинаётган шахсга нисбатан ҳурмати ва самимияти кабиларни ифодалайди. Бундай вақтда биринчи шахс бирликдаги кишилик олмошлари ўрнида унинг услубий эквиваленти сифатида ишлатилган сўз ёки ибора ўзининг лексик маъносини йўқотиб, олмош маъносини ифодалайди, лекин олмошлар қаторига бутунлай ўтиб кетмайди».¹

БМларда нафақат шахсга нисбатан, балки табиат, предмет ва бошқа ҳодисаларга нисбатан ҳам ишлатилади: *Эй номард табиат, борми сенда ҳис, / Қайтадан бахт берсанг бўлмасми унга?! (А.Орипов) Ёрқин саҳарларда Сен Рухим, омон / Юксак – юксакларга қилабер парвоз (Р.Парфи).*

Сен олмоши БМлардаги энг фаол олмошлардан биридир. Агар унинг феъл таркибида келиб, 2-шахс бирлигини кўрсата олишини, шу билан у бажарадиган грамматик вазифанинг феъл зиммасига ўтишини ҳисобга оладиган бўлсак, *сен* гап таркибида бажарадиган лексик-грамматик вазифадан озод бўлади. Унда фақат стилистик вазифа қолиши мумкин: *Ҳамон кўнглимга сен илҳом солурсен, / Гаҳи Лайли, гаҳи Ширин бўлиб сен, / Доимо яшарсен дostonларимда / Хазонсиз гул бўлиб бўstonларимда (Уйғун, И.Султон).* Мисраларда у таъкидга, ажратиб кўрсатиш мақсадига хизмат қилмоқда. Ушбу олмошнинг БМлардаги стилистик вазифасини мана шу тарзда изоҳлаш мумкин.

Баъзан *сен* га кўплик кўрсаткичи *–лар* қўшилади. Бу ҳолат СУдан кўчган дейиш мумкин. Ж.Ҳамдамов мазкур ҳодисанинг тилимизда қадимий эканлигини таъкидлайди: «*Сэнлар-сэнлар* олмоши бир томондан *сиз* деган иккинчи шахс кўпликдаги кишилик олмошлари маъносида ишлатилса, иккинчи томондан унда сўзловчининг тингловчига нисбатан субъектив муносабати ифодаланади».² Шубҳасиз, бизни масаланинг иккинчи жиҳати қизиқтиради. Ж.Ҳамдамовнинг айтганларидан шу нарса

¹ Ҳамдамов Ж.Ўзбек тили тарихи. II қисм. Тарихий морфология. Биринчи бўлим. –Самарқанд: СамДУ, 2003. – Б.114.

² Ҳамдамов Ж.Ўзбек тили тарихи. II қисм. Тарихий морфология. Биринчи бўлим. –Самарқанд: СамДУ, 2003. – Б.117.

англашиладики, бу олмошнинг субъектив муносабат билдириш хусусияти ҳозирги тилимиз учун янгилик эмас. Буни ўз вақтида Маҳмуд Кошғарий ҳам пайқаган.¹ Аммо унинг стилистик оттенкалар билан қўлланиши чегараланганлигини, асосан, СУ ва БУлар доирасида ишлатилишини қайд этиш лозим бўлади. (Ушбу олмош вариантларининг қўлланиш частотаси иловадаги 2-жадвалда берилди).

Таҳлил қилинган мисоллардан *сенлар* нинг БМлардаги стилистик вазифалари тўғрисида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– сўзловчининг ўзидан ёши кичикларга нисбатан мурожаатида қўлланади ва ҳеч қандай стилистик вазифа бажармайди: *Ҳали сенлар кўрганингни ҳеч ким кўрмайди, болаларим, иноқ бўлинглар, сенларнинг бахтингни кўрсам, бас, — деди (Ў.Ҳошимов);*

– худди шу маънода О.Ёкубов уни Улуғбек нутқида қўллаб, у орқали ғоятда муҳим, бошқа матнларда камдан-кам учрайдиган меҳр, меҳрибонлик оттенкаларини бера олган: *Ва лекин қайтмай мусофирликда оламдан ўтсам... бу хазинани кўз қорачиқларингиздай сақлангиз, сўнг, инонган шогирдларингизга топширингиз, улар ҳам ўз шогирдларига топширғай. Сенлардин тилайдурган бошқа тилагим йўқ. Аммо матн давомидаги гапда келган сиз ни у билан алмаштириб бўлмайди: Фақир сиздай шогирдларимдин минг бор розимен - Фақир сенлардай шогирдларимдин минг бор розимен;*

– О.Ёкубов бу олмошни фавқулодда оригинал тарзда қўллаган, уни предметларга нисбатан ишлатган: *О, юлдузлар, сеҳрли юлдузлар! У қирқ йил сенларнинг сирларингни билмоқ ниятида яшади, саноқсиз тунларни бедор ўтказди. Бу ерда ҳам таъкид оттенкаси, асар қаҳрамонининг юлдузларга бўлган меҳри айнан ана шу олмош орқали кучайтирилган;*

– ҳозирги ўзбек нутқида фаол бўлган менсимаслик, беписандлик оттенкаларини беради. Шу маънода Ў.Ҳошимов уни комиссар С.Ғаниев тилида кўп ишлатади: *Балониям билмайсанлар! Ҳайронман, институтларингда нимани ўргатади сенларга? Сенлар нима? Амаллаб ўқишга кирасан... Амаллаб битирасан;*

– нафрат, ғазабни ифода этади: Ў.Ҳошимов бу олмошни Афғонистондаги «дух»лар тилида қўллайди:— *Сенлар ўзбекми! — «Дух» ёрилган лаблари орасидан қон тупуриб, тишларини гижирлатди. — Йўқ! Сенлар ўзбекмас! Сенлар мусулмонмас! — У*

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. 1-том. —Тошкент: Фан, 1960. —Б.313.

эсдан оггандек хохолаб кулди.— **Сенлар** «шўравий!» (Ў.Ҳошимов). Олмошнинг такрор қўлланиши бу стилистик оттенкалар таъсирини яна ҳам кучайтиради;

— масхаралаш, бировнинг устидан кулиш оттенкасини кучайтиради: *Дедушканг сенларга янги бабушка олиб келди! — деди Лола асабий кулиб. — Яқинда бабушканг сенларга дядя туғиб беради. Сенлар кўтариб юрасан!* (Ў.Ҳошимов). «Тушда кечган умрлар»да Лола тилидан келтирилган ушбу гапларда масхаралаш, кулиш, пичинг оҳанглари микроматннинг ўзидан ҳам пайқаш мумкин: *Дедушканг янги бабушка олиб келди! Яқинда бабушканг дядя туғиб беради. Кўтариб юрасан!* каби. Аммо олмошнинг ҳар гапда бир маромда такрорланиши нутқда бу оттенкаларнинг аниқ реаллашувига сабаб бўлмоқда.

Мазкур олмошнинг такрор қўлланиш имконияти фақат БУда қўл келади: — **Сенлар**, ўзи, қаердансан? **Сенлар**, ўзи, қаерда ўсдинг? **Сенлар**, ўзи, кимни боласисан? Осмондан туш-а, нонкўрлар, осмондан шалолаб туш-а, нонкўрлар! (Т.Мурод) Бу каби ўринларда *сенлар* ва такрор усулига хос бўлган таъкидлаш, ажратиб кўрсатиш оттенкалари уйғунлашиб, бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган стилистик воситага айланади.

Биз элементи сўзлаётган киши ва бошқа кишиларни биргаликда олиб кўплик маъносини англатиши унинг лексик-грамматик маъноси ҳисобланади: *Ўзи-ку, бизни илм-урфонга чанқоқ халқ дейди, яна меҳнаткаш номуҳнаткаш деб халқни ажратгани нимаси!..* (А.Қаҳҳор). Кўпликни умумий тарзда англатишдан ташқари, баъзан аниқ икки киши маъносини ҳам беради: *Нечун олло бизни бултур қовуштиради?* (О.Ёқубов).

Шу билан бирга, у ФУлар доирасида яна қўшимча маънолар ҳам англатади. Жумладан, БМларда алоҳида семантик-стилистик оттенкалари билан намоён бўлади. Масалан, анъанавий тарзда мен ўрнида қўлланади: *Бу талафотнинг сабаби шуким, биз инонган лашкарбошилар, мислсиз разолатга бориб, шахзода тарафига қочиб ўтмишлар...* (О.Ёқубов) каби. Бунда бир неча стилистик нозикликлар юзага чиқади:

а) камтарлик оттенкаси: —**Бизнинг** даргоҳ тўғри келмаса... камина не қилай? (Ў.Ҳошимов);

б) манманлик, мақтаниш оттенкаси: *Буёғини бизга қўйиб беринг. Буёғини биз боплаймиз!* (Т.Мурод);

в) хоксорлик оттенкаси: ***Биз** бир далада юрган деҳқон бўлсак* (Т.Мурод);

г) эркаланиш оттенкаси: *Жинни! Айиқ! — Шаҳноза эркаланиб қўлидаги қошиқчаси билан яна таҳдид қилди — Ёмон бола бўпсиз! Билиб қўйинг, **биздаям** қурол бор. Бир урсам! — Шундай деб рўмолчаси билан менинг лабларимни артиб қўйди* (Ў.Ҳошимов);

д) ажратиш ёки биргалик оттенкаси: ***Сен** билан **биз** — ўзбекмиз* (Ў.Ҳошимов); ***Сен** билан **биз** фақат «опаздывать» қиламиз, фақат айб қиламиз* (Т.Мурод) каби;

е) яқинлик оттенкаси: *Агарчи ҳумо қуши шаҳзоданинг бошига қўниб, юрт осойиши бузилса ... расадхонадаги барча нодир китоблар, барча ноёб қўлёзмаларни асраб қолмоқ сизу **бизга** юкланибдур, биродари азиз...* (О.Ёқубов).

Мазкур олмошда биргалик оттенкаси мен ўрнида қўлланмаган тақдирда ҳам намоён бўлиши кузатилади: ***Биз** Гиппократ олдида қасам ичганмиз* (Т.Мурод).

Биргалик ва умумийликни англатиш жараёнида *биз* нинг семантик кўлами янада кенгайиб кетади. У шахсга нисбатан қўлланиш доирасидан ташқарига чиқади ва қандайдир ташкилот ёки идораларга, уларнинг вакилларига ишора қилади: ***Бизга** умумий гап эмас, аниқ далил керак. **Биз** ҳақиқатни аниқлашимиз, эрингизнинг қотилларини топишимиз керак* (Ў.Ҳошимов).

Баъзан *биз* нинг қўлланиши метонимия ҳодисасининг юз беришига сабаб бўлади ва у гапда бошқа бир сўзнинг вазифасини ўз зиммасига олади: *Сиз **бизда** ўқирдингиз-а! — деди ҳамон жилмайиб* (Ў.Ҳошимов). Бу ҳолат СУда кўпроқ кузатилади.

Биз БУда образ яратишнинг кучли воситасига айланади. Масалан, «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида манкурт, довдир, мақтанчоқ, айни пайтда коммунистик ғояларга қаттиқ ихлос қўйган НКВД командири тилида мазкур олмошнинг жуда фаол қўлланиши унинг образини яратишга кўмаклашган: - ***Биз**, сиз фаолларга суянамиз! — деди командир. — Сизлар қанчалик кўп ёрдам берсаларингиз, **биз** очарчиликни шунчалик тез тугатамиз. **Биз** бу борада етарли тажрибага эгамиз* (Т.Мурод).

Фахр, ғурурланиш оттенкаларини кучайтиришга, ички туғённинг юзага чиқишига кўмаклашади: *Ана, **бизни** шаҳримиз — ярақлайди!* (Т.Мурод).

Шунингдек, ажратиб кўрсатиш оттенкасини юзага келтиради. Қиёслаймиз: ***Бизнинг** машина рўпарага келиб тўхташи билан*

«Бурбухайка» кабинасида автомат тариллади.- Машинамиз адир тепасида тўхтаган, пастда, анча олисда қоя панасидаги муюлишида «бурбухайка» (афгонларнинг юк машинасини шунақа деймиз) турар эди (Ў.Ҳошимов).

Айрим ҳолатларда *биз* олмошининг қўлланиши янада ўзига хос: ***Бизни*** *Мадиев қанча ётади?* (Т.Мурод). Бу ерда у кўпликни англатаётгани ҳам, бошқа сўзнинг ўрнида қўлланаётгани ҳам йўқ, шунингдек, стилистик оттенкаси юқорилардагига ўхшамайди. Бу гапда тегишлилик ёки алоқадорлик маънолари ифодаланган эмас. Унда қавмда, миллатда, яшаш жойида ва бошқаларда ҳам умумий яқинлик борлигига ишора қилинади. СЎ ва БУларда *биз* нинг стилистик имкониятлари ана шу тарзда кенгиб борганлигининг ўзи эътиборга моликдир.

Бизни *Ражабовни озод қилинг, жо-о-он ука!* (Т.Мурод) мисолида эса Ражабовнинг яхши одам эканлигига ишора мавжуд. Асар микроматнидан ҳам шу нарса англашилади. ***Бизни*** *Диля ҳам чекади. Ичишини билмадим. Тўй-маъракаларда ичади, дейишади* (Т.Мурод) гапидаги *биз* олмошининг стилистик маъноси эса бутунлай бошқача. Унда гўё яқин олиб гапираётгандай туюлаётгани билан, Диля ва унинг хатти-ҳаракатига нисбатан нафрат, норозилик бор. Шунинг учун *бизни* *Диля* жумласининг пичинг оттенкаси, салбий муносабат англашилади. Одатда ижобий маънони берадиган сўзни салбий маънода қўллаш тилнинг муҳим стилистик имкониятларидан биридир.

Мана бу мисолда ҳам *биз* нинг қўлланишида алоҳида экспрессивлик ажралиб туради: *Ишонасанми, ўғлим: баъзан қараб туриб кулгим келади. Хўп, мен-ку, «гуноҳқорман», «жиноятчиман».* ***Биздақа*** *«ёмонлар»ни «яхши» йўлга соладиганлар-чи?* (Ў.Ҳошимов). Гапнинг умумий мазмунидан *биздақа* элементида сўзловчи ўзини камситмоқда, паст олмоқда деб тушуниш мумкин. Аслида сўзловчи бу ниятда эмас, сўз бу ўринда уни ёмонотлиқ қилганларга бўлган нафратини ифода этишга кўмаклашмоқда. Мазкур олмошнинг навбатдаги стилистик имконияти мана шундан иборат.

Ушбу таҳлиллар БМларда *биз* олмошининг семантик-стилистик имкониятлари кенг қўламда намоён бўлишини кўрсатади. Бу ўзига хосликларнинг маълум қисми олмошнинг СЎда англаган маъноларига мос келади. Бу мурожаат тарихий-бадий асарларда янада фаоллашади.

Таҳлилда енгилликни кўзлаб, у ни ҳам КиО, ҳам КўО сифатида олиб қараймиз. (Ушбу олмошларнинг юқорида тилга олинган асарларда қўлланиш статистикаси илованинг 2-жадвалида берилди).

Жадвалдаги рақамлар шундан далолат берадики, у, улар барча матнларда бўлгани сингари, адабий асарларда ҳам фаол ва барча услублар учун бетараф саналади. Тилимиз тарихида у, ул шаклларида қўлланиб келинган ушбу олмошнинг ул шакли ҳозирги адабий тилимиз учун меъёр саналмайди. Унинг имкониятлари ҳатто СУда ҳам чегараланиб қолган. Асосан БМларда унга мурожаат қилинади. Статистик маълумотлар насрий бадиий асарлардан олинган. Ул сўзига учта романда фақат бир ўринда мурожаат қилинганлиги, унинг прозаик асарлар тили учун хос эмаслигини, мабодо қўлланадиган бўлса, персонажлар тилида ишлатилиши мумкинлигини кўрсатади: *Ақл-заковат бобида... ул зотга тенг кам топилади!* (Т.Мурод) каби.

Поэтик асарлар матнида эса манзара ўзгаради. Масалан, Зулфиянинг «Шалола» ва «Мушоира» тўпламида у 6 марта, М.Алининг «Сайланма»сида эса 49 марта қўлланган. Бу қўлланиш даражасини ижодкорнинг ҳар бир сўзга, бу ўринда у ва ул олмошларига бўлган индивидуал муносабати ҳам белгилайди: *Дарёларнинг ул юзидан келган сўзми, ёр-ёр, / Тўлин ойдай яшнаб кетган Зайнаб қизми, ёр-ёр* (Зулфия). *Бугун ул дўстлардан дарак йўқ, мана, / Бугун ул қизалоқ қайдадир, ҳайҳот!* (М.Али) каби.

Ҳар қалай, бир нарса аниқ: ул нинг қўлланиш имкониятлари ҳозирга келиб функционал жиҳатдан чегараланган – ул БУга хосланган. Бу олмошнинг *анинг* кўриниши ҳақида ҳам шу фикрни айтамиз: *Бобонгиз фатҳ этиб шуҳрат қозонди жумла дунёни, / Бу олам кўрмагай эмди, **анингдек** зоти аълони; **Анинг** каломини ўзинг эшитдинг!* (О.Ёқубов).

Улар нинг тарихий *алар* шакли баъзан бирликда қўлланади ва бадиий-эстетик жиҳатдан ғоятда кучли самара беради: *Биз Амир Темур...–олло таоло **аларга** боғи ризвонни макон қилгай! –Амир Темур авлодидан яхшилик кўрган бўлсак, ёмонлик ҳам кўрдик* (О.Ёқубов). Тилимиз тарихида ҳам шу стилистик оттенкани берган *алар* бугунги бадиий тилда юқори услуб намунаси сифатида иштирок этади.

Кўрсатиш олмошлари. Илмий манбаларда у, бу, шу, ўша олмошлари ва уларнинг кўплик кўрсаткичи *-лар* қўшилган шакллари КўОлар сифатида эътироф этилган ва улар *-дай/доқ/дақа/дақанги, -ча, -чалик* каби қўшимчалар билан келган пайтларда сифат ва равиш

характерида ишлатилиши таъкидланган.¹ Шунинг учун таҳлил кўламини чеклаймиз ва фақат БУда *бу, шу, ўша* олмошларининг қўлланиш хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритамиз. У, улар ҳақида КиОлар қисмида сўз юритилди.

Бу, шу, ўша олмошлари қадимий *бул, шул, ўшал/ошул* элементларининг фонетик ўзгаришга учраган, қисқарган шаклидир.²

Олмошларнинг, хусусан КўОларнинг шаклланиш тарихи ҳақида кузатиш олиб борган С.Иброҳимов *ул, бул, шул, ўшал* сўзларини бу турдаги олмошларнинг тўлиқ шакли сифатида баҳолайди ва ўзбек тили тараққиётининг кейинги босқичларида охириги товуш қисқариб, *у, бу, шу* тарзда айтилиши ҳақида мулоҳазалар баён қилади.³ Олим кўрсатган бу вариантларнинг иккинчиси услубий бетараф характерга эга ва ўзбек тилининг барча ФУларида қўлланаверади. (Уларнинг қўлланиш частотаси иловадаги 2-жадвалда берилди)

Тилимиз тарихида КўОларнинг тўлиқ шаклда ифодаланган *ул, бул, шул, ўшал* каби кўринишлари бугунги адабий тилимиз талаблари нуқтаи назаридан меъёрий саналмайди. Уларнинг тарихан қўлланишида эса стилистик оттенкалар намоён бўлмаган. Аммо ушбу шаклларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги ФУлардан БУда яшаб келаётганлиги даврлар ўтиши билан уларда шу услуб доирасида экспрессив оттенкаларнинг юзага келганлиги билан изоҳланади. Ҳозирги ўзбек шеъриясида уларнинг қўлланиши, гарчи шеър мазмунига ўзгартишлар киритмаса ҳам, ифодага кўтаринки руҳ бағишлайди, унинг юқори услубда ва даражада берилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Жадвалдан англашилиб турибдики, КўОларнинг ҳозирги адабий тилимиздаги барча кўринишлари фаол бўлиб, улар орасида *бу* ва *шу* қўлланиш частотасига кўра устунлик қилади. Уларга қараганда *ўша* нинг *бу* га нисбатан деярли тўрт, *шу* га қараганда икки барабар кам қўлланиши унда расмийлик оттенкасининг мавжудлиги билан изоҳланади. *Ушбу* ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Таҳлиллар бу олмошнинг бошқа асарларга нисбатан Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида кўпроқ қўлланганлиги асардаги айрим қаҳрамонларнинг «фирқавийлиги», расмий кишилар ҳисобланиши,

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.337-343.

² Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.339; Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Тошкент: Фан, – Б.95-99.

³ Иброҳимов С. Айрим олмошларнинг эволюцияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1960. – №5. –Б. 56.

уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид воқеалар ўрни билан расмий оҳангда тасвирланганлигига боғлиқ эканлигини кўрсатди.

Б.Юсуфов «Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмошлари (XV-XVI асрлар)» номли мақоласида *ушбу*, *ўшал/ўшул* каби КўОларнинг стилистик хусусиятлари ҳақида сўз юритган. *Ушбу* олмошини у билан маънодош бўлган олмошларга қиёслар экан, «сўзловчи предметларни аниқ, конкрет, ажратиб кўрсатмоқчи бўлган тақдирда *ушбу* олмошини ишлатади. Аниқ воқеалар, саналар кўпроқ учрайдиган асарларда (масалан, «Бобурнома» ва тарихий дostonларда) *ушбу* кўпроқ ишлатилган. Чунки бундай асарлардаги ўша воқеа-ҳодисалар содир бўлган пайтни конкретроқ, аниқроқ тасвирлаш *ушбу* олмошини кўпроқ қўллашни тақозо этади. Лирик асарларда *ушбу* кам ишлатилади. Бу ҳол мазкур жанрнинг табиатидан келиб чиқади. Масалан, Бобур лирикасида (189 бет) ҳаммаси бўлиб 13 марта, «Мубаййин» рисоласидан олинган «Китобуззакот» (16 бет) номли солиқ йиғиш тартиб-қоидаларига бағишланган шеърини парчада эса 33 марта учрайди. Демак, *ушбу* олмоши адабий тилнинг турли услубларида ҳар хил миқдорда ишлатилган», деган фикрларини баён қилади.¹

Мақола муаллифи *ўшул* га *ушбу* КўОнинг муқобили (варианти) деб қарайди. *Ўшал* ва *ўшул* олмошларининг бир-биридан деярли фарқ қилмаслигини таъкидлаган ҳолда улар ўртасидаги стилистик фарқларни кўрсатиб беради ва уларнинг ўзаро алмаштирилиб қўлланиши билан битта сўзнинг ҳадеб такрорланаверишига йўл қўйилмайди, дейди. Аммо олимнинг «Бу икки олмошни бир-бирининг ўрнида ишлатиш уларнинг синонимлигидан дарак беради», деган фикри баҳсталабдир.² Бизнингча, уларнинг қўлланишида синонимик муносабатдан кўра функционал чегараланиш кучлироқдир. Муаллиф ҳам буни пайқаган.

О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида бул нинг 31 марта, *шул* нинг 6 марта, *ўшал* нинг 10 марта қўлланганлиги роман мавзусининг тарихийлиги ва ундаги персонаж нутқи билан боғлиқ. Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар»ида умуман учрамаслиги ҳам асар мавзусининг замонавийлиги билан изоҳланади.

КўОлардаги архаик шакллар ҳозирги адабий тилимиз учун меъёр саналмайди ва улар фақат тарихий матнлар ҳамда шеърини

¹ Юсупов Б. Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмошлари (XV-XVI асрлар) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №3. – Б. 23.

² Шу мақола. – Б.23.

тилида сақланиб қолган деб айта оламиз: *Тигиз бўлса ҳамки фурсати гоят / Жаҳонгир бул юртга тўхтабди бироз. Сенинг қадамингга ўқирман афсун / Ва қилурман ўшал ерни зиёрат* (М.Али).

Таҳлиллардан англашиладики, бу, шу, ўша олмошларининг БУда қўлланишида алоҳидалик кўзга ташланмайди ва бу уларнинг ФУлараро бетарафлиги билан характерланади.

Сўроқ олмошлари. Илмий адабиётларда СўОлар орқали сўзловчи нутқ жараёнида иштирок этувчилардан ўзига маълум бўлмаган нарсани аниқлаб билиши айtilган ва БУда ҳам асосан шу маънолари билан иштирок этади.¹

Ҳозирги ўзбек адабий тилида СўОларнинг *ким, не/на, нечун, нечук, нега, нима, нима учун, неча, қай, қайси, қандай, қани, қанча, қачон* сингари ўндан ортиқ турлари мавжуд. (Уларнинг қўлланиш частотаси илованинг 2-жадвалида берилди).

Жадвалда беш муаллиф асарида ҳам *ким, нима, нега, қанча, қандай, қани, қанча, қачон* каби олмошларнинг қўлланишидаги мўътадиллик буни яққол кўрсатиб турибди.

Диққатимизни жадвалдаги нотекис ҳолатлар кўпроқ тортади. Нотекислик деганда *не/на, нечун, нечук, нима учун* олмошларнинг қўлланиш частотасидаги ҳар хилликларни назарда тутяпмиз. Масалан, сон жиҳатдан биринчи ўринда турган *не* олмоши О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида 793 марта, Муҳаммад Али «Сайланма»сида 89 марта, Усмон Азим «Сайланма»сида 30 марта қўллангани ҳолда, Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романида атиги 1 марта ва Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида 2 марта қўлланган. Ҳар бир ижодкорнинг сўз қўллашдаги индивидуаллигини инкор этмаган ҳолда ушбу фактларга таяниб айтиш мумкинки, *не* олмошининг қўлланиши тарихий мавзудаги прозаик ва барча поэтик асарлар доирасида чегараланган: *Менга эрк на ҳожат, на ҳожат менга? / Интилиб, ялиниб-ёлвориб сенга, / Топиниб яшамоқ — буюк саодат! Итирқин ер эди хокисор, / Ақл кўзи ҳеч на илғамас...* (М.Али).

Замонавий мавзуларда ёзилган Ў.Ҳошимов ва Т.Муроднинг юқорида тилга олинган асарларида деярли учрамаслиги бу олмошнинг юқори поэтик услубга хосланганлигини яна бир бор кўрсатади. Айни замонда, *на* сўзининг бор-йўғи 4 марта қўлланганлиги ўз шаклдоши *на* юкламасидан фарқли ўлароқ

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. —Тошкент: Фан, 1975. — Б.343.

тилимизда олмош сифатида ўз мавқеини тобора йўқота бораётганидан далолат беради.

Демак, ҳозирги адабий тил меъёрлари нуктаи назаридан қаралганда *не/на* олмошларининг нутқда қўлланиши чегараланиб бораётганлиги ва фақат БУда сақланиб турганлигини дадил айта оламиз: *Уларга не керак, не керак энди, / Ахир ёш жонингга қилишини шафқат!* (М.Али).

«Ўзбек тили грамматикаси»да шундай фикр баён этилган: «*Нима* сўзи баъзан *не* шаклида (ёлғиз ёки такрорланган ҳолда) келиб: а) предметга нисбатан қўлланиладиган *нима* СўО ўрнида ишлатилади; б) предмет белгисини ифодаловчи *қандай* олмошига яқин вазифада ёки гапнинг мазмунига қараб *ёмон*, *кўп* деган маъноларда ишлатилади; ҳаракат белгисини ифодалайди».¹

Ҳозирги тилимиздаги *не/на* нинг семантик кўлами кенгдир. Жумладан:

- *нима* олмошига тенг келади: *Яна отам йўл олар бугун! / Тўрт йил умр не бўпти, ахир?* (М.Али);

- *нима* ва *қандай* олмошларининг оралиғида туради: *Аммо ўз бармогингни ўзинг чополмас экансен, не қилай, ўз пуштикамаримдан бўлган фарзандим...* (О.Ёқубов);

- *қанча* олмошига тенг келади: *Оғир эди таъна, маломат. / Ҳа... Ҳаётдан не улуш тегди* (М.Али);

- *қайси* олмошига тенг келади: *Ҳозир у не йўлни тутмоқни билмас: / Хаёлингда не ўй, не малол* (М.Али);

- *қандай* олмошига тенг келади: ***Не*** бахтки, мусичадай беозор бу маъсума ҳам унинг соқолидаги оқ толаларни гўё кўрмади, кўксидан итармади (О.Ёқубов) Аммо бу каби мисоллардан *не* ва *қандай* олмошлари синонимияси мавжуд бўлса-да, уларнинг қўлланишига стилистик жиҳатдан бир хил баҳо бериб бўлмайди. Масалан: *Бошимга не мусибат тушмасин сендан нолимаймен, билъакс, минбаад шукрона айтамен - Бошимга қандай мусибат тушмасин сендан нолимаймен, билъакс, минбаад шукрона айтамен* (О.Ёқубов). *Қандай* олмошида қатъият оттенкаси мавжуд, *не* да эса сокинлик, тушқунлик, изтироб сингари руҳий ҳолатлар мужассам бўлган, қатъиятни эса *минбаад* сўзи ўз зиммасига олган.

Бинобарин, тил элементлари қўлланиш частотасининг юқори бўлиши сўзнинг семантик-стилистик маъноларининг кенгайишига, уларнинг бошқа бирликлар билан синонимик муносабатга

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.346.

киришишига сабаб бўлиши ҳақидаги фикр олмошларга ҳам дахлдордир.

Мазкур олмош баъзи сўзлар билан биргаликда турғунлик касб этган: *Неча бор шарҳ айлабон, қолсам не тонг минг бора мот, / Келса не тонг, эртага оғир – Бизни кутиб ётган масофа!* (М.Али) каби.

Не ва *нима* олмошлари ўртасидаги мувофиқлик *не* учун ва *нима* учун ўртасидаги муносабатда яна ҳам аниқлашади: *У ёш бола, не учун / У ҳам бир гишт олади? Кўзларига кўринди бутун. / Аста деди: «Хўш, нима учун?»* (М.Али). Аммо бу мувофиқлик фақат семантик ва грамматик жиҳатдандир. Стилистик жиҳатдан эса фарқланади. *Нима* учун олмошида оммавийлик кучли ва унинг бўёқдорлиги сезилмайди. *Не* учун да эса ана шу бўёқдорлик, экспрессив маъно англатиш имконияти мавжуд. Шунинг учун ҳам *Муродим не эди* маним? (М.Али) мисраси *Муродим нима эди* маним? тарзида ўзгартирилса, бўғинлар миқдори кўпайиб, экспрессивликка путур етади. Бунинг устига мисрадаги *менинг* сўзининг маним шаклида қўлланиши ҳам ўзига мос келадиган оҳангни талаб этади. *Не* нинг иккинчи вазифаси мисрадаги ана шу стилистик уйғунликни таъминлашдан иборат.

Не учун нинг БМларда қисқарган *нечун* шакли ҳам қўлланилади: *Нечун* зулм қиласиз, *нечун*? Мен бевош / Тил бермак истайман сизларга ахир! (М.Али).

Нечук олмоши эса фақат бир ҳолатда унга тўғри келиши мумкин: *Нечук* кўз ёшингни дарё қилиб сен / Шижоат топмадинг «Қолгил!» демоққа? Бошқа ҳолатларда унинг семантик кўлами кенгаяди ва бошқа олмошлар билан синонимик муносабатда бўлади. Масалан:

- *нима* олмошига тўғри келади: *Салтанатга деди: Нечук гап? / Айнибдимиз қизингнинг феъли?* (М.Али).

- қандай олмошига тўғри келади: *Ярим тунда нечун керак гул? / Ажаб, гулга нечук юмуш бор?* (М.Али).

- қалай олмошига тўғри келади: *Замон нотинч, эл ҳам ҳар нечук... / Ҳозир уруш... Оғир бўлди-ей!* (М.Али).

БУда яна *нима* қилмоқ олмошининг *нетмоқ*, аниқроғи *нетай* шакли хосланган: *Нетай*, мени кўзга илмасдан, / Кетганича кетди ул хоним. Мен *нетайким*, оҳларим тенг Ер била, Осмон била, / Жон пардасида жон била, дил тўла иймон била (М.Али).

Қайси олмошининг тарихий шакли қай БУга хосланган: Ахир орзулари қайларда қолди, Қай элларда кечар шому саҳари? (М.Али). Бу олмошнинг маъноси матнда баъзан қайси элементиға тўғри келади: Қошида, ўғлининг бошин кессалар, / Қай она ишонар, ўлди, десалар? (М.Али). Худди шу маънода бир, биров каби сўзлар билан бирикиб, турғунлик касб этади ва унинг маъно кўлами кенгайиб, гумон маъноси томон силжийди: Паст-баландга парво қилмас ёш эди унда, / Қай бир кундир у шикорга отланди тунда. Қай бирови ҳайдаб борар қўй. / Бировида энди нишмоқда (М.Али). Мана бу мисолда уни Муҳаммад Али ўзига хос, камдан-кам учрайдиган бирикувда қўллаган: Кўриниш беради дарғазаб Йўлбарс: / Хўш... бизнинг шогирдга, Қуёнга ошкор, Яна қай кимларнинг саволлари бор?!..

Бу олмош маҳал, пайт каби сўзлар билан турғун бирикмалар ҳосил қилганда маъноси қачон олмошига тўғри келади: *Эрка етмоқ қай маҳал, қачон / Сен айтганча осон бўлипти.* (М.Али).

Бемор Ражабов қай даражада бетоблигини ана шу гапларидан билиб олса бўлади (Т.Мурод) мисолидаги қай даражада олмошли бирикмада ҳам турғунлик мавжуд бўлиб, уни БУ доирасида қараб бўлмайди. БУдан кўра у РУ ва ИУда фаол ишлатилади.

Шундай қилиб, БМларда СўОларнинг барчаси иштирок этади. Қўлланиши жиҳатидан *не/на, нима, нечун, ким, нега, қандай* олмошлари юқори ўринларни ишғол қилади. Тил материали *не, нечун, нечук, қай* олмошларининг БУга хосланганлигини ва шу билан боғлиқ ҳолда улар англатган семантик-стилистик маънолар кўлами кенгайиб борганлигини кўрсатади.

Баъзан сўроқ олмошлари такрорланиб, кучайтириш, таъкид, менсимаслик, ажабланиш маъноларини ифодалаши мумкин: *Тирик жасоратдир, тирик Аллоҳинг, / Қани туркийларинг, Туронинг қани?* (Р.Парфи). *Барча-барчасини муфассал эслашга уринаман* (Х.Султонов). – *Хўп, тақсир, – дедим. – Чой-пой йўқми? – Ниманима, нимчорак чой бир мири-ку, сен чой ичасанми, сув ариқда оқиб ётибди, эринсанг, ана обдаста ҳам бор, ичавер* (Ғ.Ғулом). Мана булар эса ҳақиқатсеварлар. *Ким-ким?* (Т.Мурод).

Ўзлик олмоши. Асосан кишиларни, айрим ҳолларда предметларни кўрсатадиган ЎзОнинг БУда қўлланишида хосланиш йўқ деб айтиш мумкин. Фақатгина ўз сўзидан иборат бўлган мазкур олмош БМларда ҳам бетараф элемент сифатида иштирок этади.

Ушбу олмош семантик маъносининг тараққиётида сўзлашув жараёнида содир бўлган маънолари билан БМларга кўчган ва аксарият ҳолларда персонаж нутқида қўлланади.

ЎзОнинг СН ва БНда қўлланишида унинг кўплик ва эгалик қўшимчаларини олган варианты *ўзлари* ажралиб туради. (Ушбу олмошлар статистикаси илованинг 2-жадвалида берилди).

ЎзОда БУга хосланиш йўқ деган фикрда бўлганимиз учун ҳам унинг бирликдаги шаклига алоҳида тўхталиб ўтирмаймиз ва диққатимизни *ўзлари* бирлигига қаратамиз.

Ушбу шакл РМ ва ИМларда денотатив маъноларида ҳам ниҳоятда кам қўлланади, қўшимча маънолари билан иштирок этмайди. РУда: *Ривожланаётган мамлакатлар инсон ҳуқуқлари ва ўз халқ хўжалигини зарур тарзда ҳисобга олган ҳолда ўз мамлакатлари фуқаролари бўлмаган шахсларга мазкур Пактда эътироф этилаётган иқтисодий ҳуқуқлар учун қай даражада кафолат беришларини ўзлари белгилашлари мумкин* («Инсон ҳуқуқлари»). ИУда: *Ваҳоланки, даҳоларнинг ўзлари кўп ҳолларда нафосат назарияси билан шуғулланганлар* («Эстетика»). ПУда ҳам ушбу шакл асосан денотатив маъноси ва таъкидлаш оттенкаси билан иштирок этади: *Ҳолбуки, ушбу қисқартма Миллий банк ходимлари ўзларининг «ижод»лари эди.*

БМларда эса *ўзлари* элементи персонажлар нутқида асосан ҳурмат семаси билан қатнашиши кузатилади: *Энди, мана шу касалхона районимиз территориясида эканиданми ё сизни қўллаб-қувватлашимни билганиданми, ўртоқ Ражабов мени жўнатди. Шахсан ўзлари жўнатди!..* (Т.Мурод).

Абдулла Қаҳҳор беш жилдлик «Асарлар»ида ушбу сўзга 128 марта мурожаат қилган ва уни бирлик шакли ўрнида қўллаш баробарида ҳурмат оттенкасида ташқари семантик-стилистик майдонидаги бошқа маъноларидан ҳам унумли фойдаланган.¹ Жумладан:

- хушомад маъносида: *Нимага, деб сўрамадим: зийрак эканлар, ўзлари фаҳмлаб, «кейин биласиз, тушунасиз», дедилар;*
- пичинг, ҳазил маъносида: *Зиёдахон зувала узар экан, ҳазиломуз жавоб берди: — Унақа одам эмаслигинингизни ҳали ўзлари ҳам билмайдилар.*

¹ Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Частотали луғат. — Тошкент: ЎзМЭ Давлат нашриёти, 2007. — 420 б.

Мазкур бирликнинг А.Қаҳҳор қаламида жуда муҳим бадий восита даражасида қўлланганини ва бу ёзувчи услубининг алоҳида қирраси эканлигини таъкидлаш зарур. Қуйидаги мисолларга эътибор қилайлик: *Масалан, мана, ўртоқ Иброҳимовни олайлик. Бу киши ўзлари ҳосилот, касблари агроном, кечки мактабда муаллимлик ҳам қиладилар. Бу киши бизга ҳар томондан устод бўлиб қолдилар. Агар матн таркибидаги ўзлари сўзини ўзи билан алмаштирсак, ифода оҳанги бутунлай ўзгаради. Матн мазмуни оддий маълумот тусини олади, гапнинг давомидаги ўз уясига ўзи ўт қўймоқ, ўзи дод солмоқ жумлаларидаги ўз элементига тенглашади, ифодадаги енгил, ҳазил аралаш оҳанг йўқолади.*

«Синчалак»даги Саида билан Қаландаровнинг илк тўқнашувларидан бири акс этган ушбу матндаги ўзлари олмоши Саиданинг гапига жавоб тариқасида айтилади:— **Ўзлари** биладилар, — деди истеҳзо билан, — ҳар кимда ҳам битта-иккита мажлисга еткулик гуноҳ топилади.

Мана бу парчада ушбу олмошнинг қўлланиши сарказм даражасига кўтарилади, Саиданинг ҳаракатларига норозилик билдиришнинг кучли бадий воситасига айланади: *Тоҷихон меҳмонга бергани гул кесиб юрганида, Ҳамидулла Саидага яқин келиб секин сўради: – Кечирадилар... Сўраганнинг айби йўқ... ўзлари куёв қилганмилар?– Йўқ, – деди Саида. – Ҳм... куёв қилиш ниятлари борми? Саида хижолат бўлиб, нима дейишини билмай қолди ва кулиб: – Қайдам... – деди. Ҳамидулла ҳам назокат билан кулди. – Қонун... табиат... Одам одам билан тирик. Мавсумни ўтказмасдан куёв қилсалар, ўзларига ҳам яхши, бизга ҳам яхши бўлар эди: Тоҷихон ўзларидан ибрат олса, камина куёвларидан ибрат олсам, турмушимиз бундан ҳам яхши бўлиб кетса ажаб эмас...*

Ўз олмоши кўплигининг 2-шахс кўплик ёки 1-шахс бирлик ўрнида қўлланишида ҳам миллий этикетга хос бўлган оттенкалар англашилиб туради: Деҳқонбой. Салом, Ҳафизахон! Яхшимисиз?.. Ҳафиза. **Ўзларидан** сўрасак... Кўринмайсиз?.. Худди шундай қўлланишдаги мана бу мисолда суҳбатдан норозилик мазмуни англашилади: Наврўзов (Чолнинг диққатини тортиш учун). Бардаммисиз, отахон! Чол. **Ўзларидан** сўрасак?.. Олмош таркибида эгалик қўшимчасининг иштирок этиши билан ифода ўзгаради - ҳам кўплик маъноси, ҳам самимият оттенкаси берилади: Тўтинисо (бир тарзда бўлиб). Вой! Шукур... (Умидага шубҳа билан қарайди). Келинг, яхшимисиз... Умида (ерга қараб). Ўзларингиздан сўрасак...

Бошқа ижодкорлар асарлари матни билан амалга оширилган қиёсий таҳлил ЎзОни бу тарзда қўллаш А.Қаҳҳор услубининг индивидуал қирраларидан бири, деган хулосага келишимизга имкон беради.

Б.Юсуповнинг «XV-XVI аср ўзбек тили ёдгорликларида худ олмоши» номли мақоласида маълумот беришича, ўз олмоши XVI асргача эгалик қўшимчасисиз – *ўзнинг, ўзни, ўзга, ўзда, ўздин* тарзида қўлланган. Олим мақолада ўз олмошига тенг келадиган, форс-тожик тилидан ўтган худ олмоши тўғрисида сўз юритади. Мақола муаллифининг ушбу олмошнинг Алишер Навоий ва бошқа шоирлар асарлари матнида *ахир, фақат* юкламалари, *ҳам* боғловчиси, *асло, жуда* равишлари ўрнида қўлланиши ҳақидаги фикрлари ўзбек стилистикаси учун аҳамиятлидир.¹ С.Каримов ҳам «Ўзбек тилининг бадий услуби» асарида ушбу олмошнинг поэтик матнларда шеърӣ талабга кўра эгалик қўшимчасини олмасдан ёки умуман белгисиз қўлланиши мумкинлигини айтади ва қуйидаги мисолларни келтиради: *Асрим, самоларда ёқолдинг чироқ, / Юлдуз қилиб отдинг самога ўзни* (А.Орипов), *Бу туйғу аёндир – на қилса энди / Оловдек ташланар кўзга ўз одам* (Э.Воҳидов).² Бу каби қўлланишлар ҳозирги ўзбек тилининг бошқа ФУларига хос эмас.

Демак, ЎзОнинг ФУларда қўлланишида бетарафлик кузатилса ҳам, унинг айрим кўринишлари, масалан, кўплик шаклининг семантик-стилистик маънолари СУ ва БУларда реаллашади ва унинг юзага чиқишида муаллиф услуби етакчилик қилади.

Белгилаш олмошлари. Лексик-грамматик жиҳатдан шахслар ва нарсаларнинг умумлаштириб, жамлаб ёки ажратиб кўрсатадиган сўзлар туркуми илмий адабиётларда белгилаш ёки белгилаш-жамлаш олмошлари сифатида қайд этилган.³ (Уларнинг БМларда қўлланиш частотаси иловадаги 2-жадвалда берилди).

Жадвалдан шу нарсалар маълум бўладики, олмошларнинг асосий қисми *ҳамма, бари, барча, бутун* сингарилардан иборат бўлиб, улар БМлардаги олмошларнинг тахминан 80 фоизини ташкил этади. Аммо бу маҳсулдорлик уларнинг БУда хосланганлигини билдирмайди. Улар ўзбек нутқининг барча кўринишларида фаолдир.

¹ Юсупов Б. XV-XVI аср ўзбек тили ёзма ёдгорликларида худ олмоши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. – №5. – Б. 26.

² Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – Б.59.

³ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.353.

Таъкид оттенкасини келтириб чиқарадиган *ҳар+СО*, *ҳар+бир/битта* сўзлари шу гуруҳдаги 128та олмошнинг 70 фоизини ташкил этиши ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин.

БМларда *яли* сўзининг учрамаганлиги унинг РУ ва ИУларга хосланганлиги, *ҳар нима*, *ҳар қанақа*, *ҳар қайси* олмошларининг барча услубларда ҳам кам қўлланиши ва ижодкорларнинг бу олмошларга бўлган индивидуал муносабати билан изоҳланади.

Шундай қилиб, БУда БеОларнинг қўлланишида алоҳидалик сезилмаслиги, барча ФУларда фаол бўлган умумуслubbий олмошларнинг БМларда ҳам фаоллиги, айрим олмошларнинг қўлланилмаслиги эса уларнинг бошқа ФУларга хосланганлиги ёки муаллиф услубига боғлиқ эканлиги маълум бўлади.

Бўлишсизлик олмошлари. Умумий маънода предмет ёки белгига нисбатан инкор маъносини англатадиган БўОлар БУда семантик ва стилистик маъноларини кенг кўламда намойиш этади. (Уларнинг қўлланиш частотаси илованинг 2-жадвалида берилди).

Жадвалдан маълум бўладики, БўОлар қўлланишининг деярли ярми *ҳеч ким* зиммасига тушмоқда. Фаолликнинг иккинчи поғонасини *ҳеч бир*, *ҳеч қачон*, учинчи поғонасини *ҳеч нарса*, *ҳеч нима* олмошлари ишғол қилади.

Масалан, О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида 22 марта қўлланган *ҳеч ким* БўО матнда *ҳеч ким йўқ*, *ҳеч кимнинг кўзига кўзи тушмади*, *ҳеч кимдан сас/ун чиқмади*, *ҳеч ким тоб беролмади*, *ҳеч ким қарамади*, *ҳеч кимни қабул қилмади*, *ҳеч ким кўринмади*, *ҳеч ким жавоб бермади*, *ҳеч ким куттирмади*, *ҳеч ким тегмади* сингари гаплар таркибида турли хил грамматик вазифаларни адо этган. *Ҳеч ким* англатган маъноларни романда *биров*, *бир нарса*, *бир кимса* сингари ГуОлар ўз маъноларининг бир йўналишида ифодалай олганлигини ҳам кўрамиз: – *Қаландар Қарноқий бировнинг ихтиёри билан юрмайдур*, *мавлоно*.

Гаплардаги ГуОларни *ҳеч ким* олмоши билан бемалол алмаштириш мумкин: *ҳеч кимнинг ихтиёри билан юрмайди*, *ҳеч ким жавоб бермади* каби. Аммо роман матнида имтиёз асосан *ҳеч кимга* берилган. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Гаплардаги олмошларнинг ўрнини алмаштириш синонимик муносабатга киришаётган ҳар икки олмошни бирлаштирувчи умумий семема – *бошқа одам/киши* атрофида амалга ошади. Лекин уларнинг бири БўО, иккинчиси ГуОлар гуруҳида, бинобарин, уларда ана шу олмошларнинг лексик-грамматик маънолари етакчилик қилади. Шунинг учун ҳам гаплар

бировнинг ихтиёри билан юрмайди - ҳеч кимнинг ихтиёри билан юрмайди, бирор кимса жавоб бермади - ҳеч ким жавоб бермади тарзида қиёсланганда улар ўртасида стилистик фарқлар маълум бўлиб қолади. *Ҳеч ким* даги қатъият, *биров* орқали ифодадаги нисбатан мулойимлик, юмшоқлик оттенкалари юзага чиқиб қолади. Қайси ҳолат ижодкор учун муҳим ҳисобланса, ўшани ифодалайдиган олмошга имтиёз берилади. *Саройбон оғиз очиб бир нарса* демади гапидаги *бир нарса* – *ҳеч нарса* синонимиясини ҳам шу тарзда тушуниш лозим бўлади. «Тушда кечган умрлар» романидан олинган мана бу мисоллар ҳам фикримизни тасдиқлайди: *Мен ҳеч нима* деганим йўқ, *колега* - *Мен ҳеч нарса* деганим йўқ, *колега* - *Мен бир нима* деганим йўқ, *колега* каби.

Жадвалда энг кўп кўрсаткичга эга бўлган У.Азим шеърини матнида ҳам *ҳеч ким* асосан қатъият оттенкаси билан иштирок этади: *Ўғлимга энг ширин сўзлар айтаман, / Менинг йўқлигимни ҳеч ким билмайди* сингари. Ана шу қатъият оттенкаси унинг *ҳеч қачон* олмошини қўллашида ҳам яққол кўринади: *Биз параллел чизиқлармиз, / Учрашмаймиз ҳеч қачон* каби.

БМларда, хусусан О.Ёқубов ва М.Али асарларида *ҳеч бир* олмошининг қўлланиши ўзига хос тарзда кечганлиги кузатилади. О.Ёқубов уни асосан *ҳеч бир кимса*, *ҳеч бир банда* тарзида шахсларга нисбатан қўлласа, М.Али *нарс*-ҳодисаларга нисбатан ишлатади: *Ҳа, болам, халлоқи олам ҳеч бир бандасининг гуноҳини кечмайдур. Бу тоғжу тахт, бу салтанат ҳеч бир кимсага вафо қилмаслигини ёдидан чиқаради? Дунёда кўп нарс*а ўткинчи эрур, / *Ҳеч бири, ҳеч бири* қолмагай омон. Бу каби ҳолатларни БўОларга бўлган индивидуал муносабат ҳосиласи деб тушунишимиз мумкин.

Кўринадики, БУнинг ўзигагина тегишли бўлган БўОлар йўқ. Аммо ижодкорларнинг уларга бўлган муносабати турлича. Бир ҳолатда улар БўОларнинг синонимик қаторидан фақат биргина элементни қўллашни афзал кўради, бошқа бир ҳолатда эса бу олмошларни шахс, предмет-ҳодиса ва ҳаракатга нисбатан ишлатишда фарқлайди.

Гумон олмошлари. ГуОлар олмошлар тизимида сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам алоҳида ўринга эга бўлиб, бу хусусият улар семантикасидаги мавҳумлик, предмет, белги, ҳаракат ҳақидаги ноаниқ тасаввур билан боғлиқ.¹

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Тошкент: Фан, 1975. – Б.359.

Бадиий адабиётнинг, бадиийликнинг асосини воқеликни образлар орқали акс эттириш ташкил этар экан, демак, бу жараёнда образли тасаввур ҳам муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ижод жараёнида кўплаб ҳолатларда мавҳумликка дуч келинади, бадиий тафаккур олами, ҳиссиёт оламига чуқур кириб борилавергани сари бу оламдаги мавҳумликни ифода этиш машаққати ҳам кучайиб боради. Ана шундай пайтда унга ГуОлар ёрдамга келади. (ГуОларнинг БМлардаги статистикаси илованинг 2-жадвалида берилди).

Жадвалда келтирилган олмошлар статистикаси шундан далолат берадики, ГуОларга бўлган муносабат ижодкорларда турличадир. Қиёсан олинган ГуОлар иштирок этган мингга яқин мисолларнинг деярли ярми О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», тўртдан бири Ў.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романларига тўғри келади. Т.Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи, У.Азим ва М.Али «Сайланма»ларидаги ГуОлар миқдори 10 фоиз атрофида.

ГуОлар қатнашган қирқдан ортиқ мисол таҳлилидан яна шу нарса маълум бўладики, улар ҳозирги адабий тилимизда қўлланишидаги фаоллик даражасига кўра икки қутбга ажрала боради: кам қўлланиладиган ва фаол қўлланиладиган олмошлар. Бу фикрлар бевосита БМларга ҳам тегишлидир.

Алланарса, алланеча, алланечанчи, аллапалла, кимниям, нима учундир, нималардир, қаёқнидир, қаернидир сингари олмошларнинг юқорида ўрганилган матнларда учрамаганлиги, *аллақаёқ, аллақаер, аллақай, аллақайси, аллақанча, нечукдир, қаердандир, қайсидир, қачондир* каби ГуОларнинг 1 мартадан 5 мартагача қўлланганлиги уларни кузатиш объекти сифатида олишга ҳожат қолдирмайди. Улар орасида *нима учундир* нинг қўлланмаслиги унинг ўрнида қисқарган варианты *нечундир* қўлланиши билан изоҳланади.

ГуОларнинг мавҳумликни, ноаниқликни ифода этишида икки грамматик кўрсаткич – *алла* ва *-дир* элементлари иштирок этади ва улар маълум ўринларда синонимик муносабатга киришиши мумкин. Масалан: *Кўнгли нотинч давлатпаноҳ эса бунга аллақандай умид боғлар, ниманидир кутар эди* (О.Ёқубов) - *Кўнгли нотинч давлатпаноҳ эса бунга қандайдир умид боғлар, ниманидир кутар эди* - *Кўнгли нотинч давлатпаноҳ эса бунга алланечук умид боғлар, ниманидир кутар эди* каби. (Уларнинг қўлланиш нисбати иловадаги 2-жадвалда берилди).

Жадвалдан англашиладики, бу олмошларнинг ўзаро синонимик муносабатга киришиши масаланинг бир томони бўлса, БМларда қўлланишидаги фарқланиши иккинчи томонидир. БУда қўлланиш имконияти *-дир* компонентли олмошларга қараганда *алла*-компонентли олмошларда кўпроқ эканлиги маълум бўлади. О.Ёқубовда ҳам, Ў.Ҳошимовда ҳам *аллақандай* нинг *қандайдир* га нисбатан деярли икки барабар кўп қўлланиши фикримизни исботлайди ва *-алла* компонентли ГуОларнинг китобий характерини кўрсатади. С.Каримов бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: «ГуОлар ичида аксарият мавҳумликни, ноаниқликни ифодаладиган, кўпроқ ҳис-туйғулар ифодасида ишлатиладиган *аллақандай*, *алланечук* ва гумон юкламаси билан бирга келган *қандайдир*, *нечундир*, *нимадир*, *негадир* олмошларини БУ доирасида қараш тўғри бўлади».¹ Шунга асосланиб, уларда БУга мойиллик борлиги ва *-дир* га нисбатан маълум даражада экспрессивлик мавжуд эканлигини айтиш мумкин. *-дир* компонентли ГуОларнинг СНда фаоллиги ва умумуслubbий характерини инобатга олсак, масала яна ҳам ойдинлашади. Улар ёрдамида шаклланадиган ГуОларнинг ҳам предмет, ҳам белгига нисбатан қўлланиши туфайли ишлатилиш кўлами кенгдир.

Алланима – *нимадир* ГуОлар нисбатида ҳам асосан шу гапларни айтиш мумкин: *Хотини алланима деб пичирлади* (Ў.Ҳошимов) - *Қайрилиб нимадир* демоқчи бўлар, / *Ва ногоҳ... булбулдай сайрай бошлайди* (У.Азим). Аммо улар кўпинча нарса-предмет доирасида чегараланади: *Алланимага қоқилиб кетдим* (Ў.Ҳошимов) - *Лекин уч-тўрт қадам ўтмасданоқ нимагадир* қоқилиб йиқилди (О.Ёқубов).

Гарчи қўлланиш частотаси маҳсулдор бўлмаса ҳам *алланечук* олмоши БУ доирасида қаралади: *Соат дафъатан хаёлига келган гандан кўнглида алам ва айни пайтда алланечук* енгиллик туйди. *Қария алланечук* осойишта кулди (Ў.Ҳошимов) каби.

Баъзан, баъзи, баъзида, бир қанча, бир неча, бир нарса, бир нима, бир хил олмошларида БУга хосланиш йўқ. Уларнинг бир қисми (*баъзан, баъзи, баъзида, бир қанча, бир неча*) китобий услубда, қолганлари (*бир нарса, бир нима, бир хил*) СУда маҳсулдорлиги билан характерланади. Шунингдек, *биров* ва *кимдир* сингари ГуОлар ҳам умумуслubbийдир.

Аммо *бир неча* олмошининг «Алпомиш» достонида 103 марта, «Кунтуғмиш»да 5 марта, «Ширин билан Шакар»да 13 марта қўлланганлигини эътиборга олсак, бу олмошли бирикманинг

¹ Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. –Б.59.

достонлар тили учун хос хусусият эканлигини айта оламиз. Аммо бу каби ҳолатларда бирикманинг олмошлар доирасидан чиққанлигини, метонимизация ҳодисасига учраганлигини, отлашганини таъкидлаш зарур: *Ғам билан сарғайиб гулдайн дийдор, / Бир нечалар ўз ҳолидан беҳабар* («Алпомиш») - *Ғам билан сарғайиб гулдайн дийдор, / Бир неча одамлар ўз ҳолидан беҳабар*.

БУга хосланган ГуОлар ҳақида сўз кетганда уларнинг айрим тарихий шаклларини ёдга келтириш зарур. ГуОнинг тарихий шакллари *кимсә, кимэрсә, бирәв* лар шахсга нисбатан, *нимэрсә* предметларга, жониворларга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан, *фалан* ҳар иккала ҳолда ҳам қўлланади.¹ Бинобарин, бу ГуОларнинг айримларига тарихий мавзулардаги асарларда дуч келамиз: *Қани бир кимарса амрини вожиб қилмай кўрсин-чи?.. Кўнглим бошқа бир нимарсани истайди, шуаро тили билан айтганда, гул искамоқни тилайди, амирим!* (О.Ёкубов).

Англашиладики, ГуОларнинг БУда қўлланишида алоҳида хусусиятлар мавжуд бўлиб, бу БМларнинг образлилик ва экспрессивликка йўғрилган ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади. Шундан келиб чиқиб, ГуОлар тизимидаги айрим синонимик элементлар табақаланади: уларнинг асосий қисми умумуслубий, иккинчи қисми хосланган ГуОларга ажралади. –*дир* компонентли ГуОларга нисбатан –*алла* компонентли ГуОлар бадиият манфаати учун кўпроқ хизмат қилади, улар орасида *алланечук, нечундир* кабиларда БУ мансублик мавжудлиги маълум бўлади. Бу мансублик тарихий-бадий матнларда қўлланиладиган *кимарса, нимарса* каби архаик элементларда ҳам кузатилади.

Шундай қилиб, БМларда олмошларнинг кўплиги тарихий вариантлари қўлланиши билан ўзига хослик касб этади. Бу бадий адабиётнинг воқеаларни қамраб олиш кўлами, яъни тарихийлиги ва тасвир имкониятларининг кенглиги билан изоҳланди. Фуларнинг биронтасида адабий тил меъёрлари нуқтаи назаридан бунга йўл қўйилмайди.

¹ Абдурахмонов Ғ., Шукuroв Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. –Тошкент: Фан, – Б.112.

Боб юзасидан қисқача хулосалар

Публицистика доирасида қараладиган жанрларнинг кўплиги уларнинг ҳар бирининг алоҳида тил хусусиятларига эга эканлигидан далолат беради. Жанрлар ранг-баранглиги ПМларда олмошларнинг ўрнини ҳам белгилаб беради. Масалан, *мен, сиз* сўзларининг хатларда, *сен* бирлигининг бадий-публицистик матнлар, иборалар ва ҳикматли сўзлар таркибида келиши, *биз, нега, қандай, қани* элементларининг репортаж, интервью каби жанрларга хосланганлиги, ПУда *шу ҳақда, шу тўғрида, шу масалада, шу жиҳатдан* сингари олмошли турғун бирикмаларнинг вужудга келганлиги бу фикрнинг тўғри эканлигини кўрсатади. Гумон маъносидаги олмошларнинг маҳсулдор эмаслиги публицистик жанрлардаги аниқликка мойилликнинг кучлилиги ва бунга ГуОлар ҳалақит бериши билан изоҳланади.

Олмошларнинг қўлланиш частотасида энг юқори ўринни СН ва БН эгаллайди. Аммо улар англатган семантик-стилистик маънолар кўлами БУда кенгдир. Ижодкорнинг бадий тафаккур олами, ижодий жараёндаги вақт ва муҳит бунга имконият яратади. БУда барча олмошларнинг иштирок этиши адабий асарларда сюжет кўламининг кенглиги, ижодкорнинг бадий мушоҳада қуввати билан изоҳланса, айрим олмошлардаги хосланганлик уларнинг тарихий вариант сифатида тилимизда сақланиб келаётганлиги, баъзиларида образлилик даражасининг юқори эканлиги билан боғлиқдир.

Бадий ва публицистик матнлардаги олмошларнинг семантик-стилистик маънолари ва ФС чегаралануви тилимизнинг эмоционал-экспрессивлик ва амалда бўлишлик даражаси ғоятда юқори эканлигининг далилидир.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Олмошларнинг ФС хусусиятларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбек тили сўз туркумлари сирасида қараладиган олмошлар нафақат лексик-грамматик, балки семантик-стилистик ва ФС жиҳатдан ҳам мустақиллик статусига эга.

2. Гарчи сон жиҳатдан озчиликни ташкил этса-да, мазкур тадқиқот олмошларнинг, айниқса, СН ва БН мисолида қўлланиш қўлами ғоятда кенг ва стилистик оттенкалари ранг-баранг эканлигини тасдиқлади. Олмошлар ўзбек тилида нафақат семантик маън ога эга ва гап таркибида грамматик вазифани адо этади, шунингдек, баъзан ўзи алоҳида, баъзан синтактик қуршовда турли-туман стилистик оттенкаларнинг реаллашувида ҳам муҳим лингвистик омил сифатида иштирок этади. Аммо маълум микроматнлар таркибида иштирок этаётган олмошлар гаплар мазмунига жиддий стилистик таъсир кўрсатади, дейиш ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайди. Кўпчилик ҳолатларда улар олмошли бирикмалар таркибидаги олмош бўлмаган элементлардаги стилистик имкониятларнинг юзага чиқишига туртки бўлади.

3. Олмошларнинг қўлланилишидаги фаоллик улардаги стилистик имкониятларнинг тобора кенгая борганлигида кўринади. Уларнинг қўлланиш доираси кенгайиб, маълум шахсни кўрсатишдан ташқарига чиқиб, маъноларида кўчим содир бўлиши кузатилади. Вариантлик ва синонимия натижасида бир шахсни ифодаловчи олмошнинг иккинчиси ўрнида қўлланиши, сон жиҳатдан алмашилиши, яъни бирлик ўрнида кўплик шаклининг ишлатилиши, олмошларнинг ФУлараро қўлланилиши ва чегараланиши шулар жумласидандир.

4. Олмошлар туфайли юзага келадиган стилистик оттенкаларни ёки шунга боғлиқ ҳолда содир бўладиган дифференциаллашув жараёнини биргина олмошни ёки олмошли бирикмани ажратиб олиб таҳлил қилиш қийин ва бу тадқиқотчи учун кутилган натижани бермайди. Бундай пайтларда олмошларни, ҳеч бўлмаганда, микроқуршов таркибида қараш илмий-методик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

5. Матн таркибидан олмошларни тушириб қолдириш гапни айрим имкониятлардан маҳрум қилади. Ундан кутилган маънолар келиб чиқмайди. Бу эса шундай фикрга олиб келадики,

олмошларнинг от, сифат ёки сон ўрнида келиши ва грамматик жиҳатдан улар бажарган вазифани бажариши ҳақидаги фикр бир томонламандир. Улар бу каби вазифаларни бажариш билан биргаликда матнда кенг доирада ранг-баранг семантик-стилистик оттенкалари билан иштирок этади. Улардаги семантик-стилистик оттенкаларнинг юзага келиши аниқ матнлар ва уларнинг мазмунига боғлиқ бўлади. Шу тарзда ҳар бир ФУдаги алоҳида хусусиятларнинг намоён бўлишига ўз ҳиссасини қўшади.

6. Олмошларнинг тарихий тараққиёти давомида содир бўлган семантик-стилистик ва ФС ўзгаришлар уларнинг дастлабки лексик-грамматик маънолари ва аҳамиятига салбий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, олмошлар тизимидаги семантик-стилистик арсеналнинг янги-янги оттенкалар билан бойишига олиб келади.

7. Олмошларнинг тарихий тараққиёти уларнинг асосий қисмининг семантик-стилистик ва ФС йўналишларда сифат жиҳатдан ўзгаришга юз тутишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи бир қисмининг истеъмол имкониятларининг камайишига олиб келди. Аммо истеъмол доираси чегараланиб қолган олмошлар осонлик билан ўтмишга чекинаётган эмас. Уларнинг маълум қисми адабий асарлар матнида сақланиб турибди ва бадиият учун хизмат қилмоқда.

8. Олмошларга хос бўлган ушбу семантик-стилистик ва ФС хусусиятлар ўзбек тилининг изохли луғатларида тўлалигича ўз аксини топган эмас. Ушбу фикр яратилган изохли луғатларга таянган ҳолда келажакда ўзбек тилидаги олмошларнинг изохли луғатини яратиш вазифасини қўяди.

9. Нутқ жараёнида олмошларнинг ўзи ёнма-ён келган сўзларга қўшилишидан ҳосил бўлган эркин ва турғун бирикмалар келажакда уларни алоҳида тадқиқ этишни тақозо қилади ва бу кузатишлар олмошларнинг янги стилистик қирраларини очишга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ. 1997 йил 29 август. — Тошкент: Шарқ, 1997. — 64 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Тошкент: Шарқ, 1998. — 31 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: Маънавият, 2008. — 176 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. — Тошкент: Ўзбекистон, 2000. — 352 б.
5. Баркамол авлод орзуси. — Тошкент: Шарқ, 1999. — 183 б.

Илмий адабиётлар

6. Абдурахмонов Ғ. Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1969. -№6. —Б.50-52.
7. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. — Тошкент: Фан, 1973. —320 б.
8. Абдусайдов А. Язык газеты и литературная норма: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. — Ташкент, 1988. — 23с.
9. Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол.фанлари д-ри ...дисс.автореф. — Тошкент, 2005. — 48 б.
10. Акрамов Т. Кишилик олмошларининг стилистик хусусиятларига доир // Лексика, стилистика ва нутқ маданияти / Илмий мақолалар тўплами. — Тошкент, 1980. —Б.85-91.
11. Алехина М.И. О классификации местоимений // Русский язык в школе. — Москва, 1982. —№1. —С.63-68.
12. Алимуродов Х. Сурхондарё область кўнғирот шеваларида кўплик категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. —Тошкент, 1974. —№4. —Б.65-67.
13. Асқарова М. Олмошлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1969. —№4. — Б.27-30.
14. Аширбаев С. Из истории изучения грамматического строя узбекского языка: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. — Ташкент, 1975. — 49 с.
15. Бабаханова Д.А. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. — Ташкент, 1987. —18 с.
16. Барлас Л.Г. Русский язык. Стилистика. — М.: Просвещение, 1978. — 218 с.
17. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. - Тошкент: Фан, 1983. — 152 б.
18. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, III қисм. — Тошкент: Фан, 1999. —140 б.
19. Бобохонова Д. Расмий-иш стилининг лексик-семантик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1984. -№4. —Б.67-69.
20. Виноградов В.В. Русский язык. — М.: Высш. школа, 1981. —200 с.

21. Виноградов В.В. Стилистика. Теория художественной речи. Поэтика. – М.: Акад.наук СССР, 1963. – 255 с.
22. Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. Дата создания документа: 01.03.2004. Дата индексирования: 07.04.2006. 17 Kb - http://www.ruslang.com/learning/gvozdev/morf_ekspr...
23. Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. Морфология. Местоимение. Дата индексирования: 29.11.2006. 17 Kb - <http://reader.boom.ru/gvozdev/m/stil514.htm>.
24. Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Самарканд, 1967. –18 с.
25. Елисеева А.Г., Селиверстова О.Н. Семантическая структура местоименного значения // Вопросы языкознания. – Москва, 1987. –№1. –С.79-92.
26. Жуманазаров Ю. Ҳазорасп шеvasидаги кўрсатиш олмошларининг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти.- Тошкент, 1961. –№3. –Б.55-58.
27. Зикриллаев Ғ. Истиклол ва адабий тил. –Тошкент: Фан, 2004. –120 б.
28. Иброҳимов С. Айрим олмошларнинг эволюцияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1960. –№5. –Б.56-63.
29. Исабеков Б. Кишилиқ олмошларининг семантик-стилистик хусусиятлари ҳақида // ТошДУ илмий асарлари тўплами, –№ 648. – Тошкент, 1980. –Б.86-91.
30. Исамухамедова С. Синонимы в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. – Ташкент,1963. –16 с.
31. Ишаев А. Ўзбек шеваларидаги кишилиқ олмошларининг кўплик формалари // Ўзбек тили ва адабиёти.- Тошкент,1979. –№4. –Б.27-31.
32. Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1982. – 82 б.
33. Йўлдошев Т. Тожикистон ССРдаги ўзбек шеваларида бир олмош тури // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1986. –№1. –Б.19.
34. Каримов Ғ. 20-йиллар ўзбек адабий тилида олмошларнинг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти.- Тошкент,1972. –№4. –Б.50.
35. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. –140 б.
36. Каримов С. Олмошларнинг функционал-стилистик чегараланиши // Ўзбек тилининг грамматик қурилиши ва стилистикаси / Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ, 1992. –Б.80-85.
37. Каримов С. Тил таълими ва меъёр. –Тошкент: Халқ мероси, 2003. – 268 б.
38. Каримов С., Жўраев Т. Ўзбек тили услубшунослиги ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич.–Самарқанд: СамДУ, 2001. –62 б.
39. Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Частотали луғат. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат нашриёти, 2007. – 420 б.
40. Каримов С.А., Маматов Х., Бўриев И. Юристнинг нутқ маданияти.– Тошкент: Зарқалам, 2004. –130 б.

41. Каримов С.А., Махматмуродов Ш., Каримова О. Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш.— Тошкент: Ўзбекистон, 2003. — 192 б.
42. Ким О.М. Транспозиция на уровне частей речи и явления омонимия в современном русском языке. — Ташкент, 1978. — 227 с.
43. Кожина М.Н. Стилистические ресурсы русского языка как предмет исследования лингвистической стилистики. Глава вторая. Дата создания документа: 27.08.2006. Дата индексирования: 27.11.2006. 120 Kb - <http://syrrik.narod.ru/kozhina.htm>.
44. Комилова Х. Ўзбек тилида сон ва олмош. — Тошкент: Фан, 1953. —17 б.
45. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. — М.-Л.: АН СССР, 1960. — 446 с.
46. Кунгуров Р. Семантико-стилистические особенности формообразующих морфем имени существительного в узбекском языке: Автореф. дисс. .. д-ра.филол.наук. — Баку, 1982. — 42 с.
47. Курбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. — Ташкент, 1987. — 22 с.
48. Майтинская К.Е. Местоимения в языках разных систем. — М.: Наука, 1969. — 308 с.
49. Майтинская К.Е. К происхождению местоименных слов в языках разных систем // Вопросы языкознания. — Москва,1966. —№1. —С.15-25.
50. Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. — Тошкент: Фан, 1988. — 94 б.
51. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том. — Тошкент: Фан, 1960, -499 б.; II том. — Тошкент: Фан,1961, — 421б.; III том. — Тошкент: Фан,1963. —457 б.
52. Маҳмудов Қ. Кэнду олмоши // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент,1982. —№4.—Б.29.
53. Маҳмудов Н., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Аминов М. Ўзбек тилида иш юритиш (муншоат). —Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1990. — 221 б.
54. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995. — 235 б.
55. Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. — Қарши: Насаф, 2004. —171 б.
56. Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек тили. — Тошкент: Ўқитувчи,1992. — 168 б.
57. Мухамедов С. Олмошларнинг лексик-морфологик структурасининг статистик анализи // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент,1978. —№3. —Б.47-50.
58. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. — Тошкент: Фан, 1984. — 160 б.
59. Мукаррамов М. Научный стиль современного узбекского литературного языка в семантико-функциональном аспекте: Автореф. дисс. ... д-ра.филол.наук. — Ташкент, 1985.—44 с.

60. Неъматов Ҳ. “Қутадғу билиг”да ўзлик олмошлари (кэнду, өз) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – №3. – Б.46.
61. Неъматов Ҳ. XI-XII аср ёзма ёдгорликларида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979. – №1. – Б.26-30.
62. Неъматов Ҳ. Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикология асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
63. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 164 б.
64. Пардаев А.Б. Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчиларнинг функционал-стилистик хусусиятлари: Филол.фанлари номзоди ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2005. – 26 б.
65. Пардаев З.Н. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Самарқанд, 2004. – 22 б.
66. Позилова Н. Иккинчи шахс олмошларининг прагматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1999. – №3. – Б.41.
67. Пузанко Л.В. Семантико-функциональные особенности трансформантов, соотносительных с указательными местоимениями. Культура народов Причерноморья. Том 3. Раздел II. Вопросы духовной культуры. Дата создания документа: 28.06.2002. Дата индексирования: 15.06.2006. 20 Kb - <http://www.ccssu.crimea.ua/internet/Education/cult...>
68. Раҳимов С., Умуркулов Б., Эшонкулова А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 340 б.
69. Раҳимова К. Туркменистондаги ўзбек шеваларида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. – №4. – Б.50.
70. Рахматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1965. – 17 б.
71. Садыкова М. Стилистика глаголов в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1991. – 48 с.
72. Санакулов У.С. Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, марфологик меъёрларнинг шаклланиши ва тараққиёти (илк босқич): Филол.фанлари д-ри ...дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 61 б.
73. Смирнов Ю.Б. Семантико-функциональные особенности неопределенных местоименных прилагательных // Русский язык в школе. – Москва, 1985. – №4. – С.90-94.
74. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол. фанлари д-ри. ...дисс. автореф. – Тошкент: 2005. – 50 б.
75. Содиқов Т. Тошкент области шеваларида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1975. – №5. – Б.43-47.
76. Содиқов Т. Ўзбек шеваларида кўрсатиш олмошлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – №1. – Б.45-49.
77. Стилистика русского языка: Дата создания документа: 20.11.2002. Дата индексирования: 27.11.2006. 196 Kb - <http://www.hi-edu.ru/x-books/ xbook 028/01/part-023....>

78. Сулейманова О.А. Местоименные актуализаторы весь и целый в современном русском языке // Филологические науки. – Москва, 1985. -№4. – С.78-82.
79. Суяров И. «Қани» сўзи ҳақида // Труды Самаркандского государственного университета имени А.Навои. Новая серия, № 139. Краткие сообщения о выполненных работах факультетов узбекской и таджикской филологии. – Самарканд: СамГУ, 1964. – С.24-25.
80. Суяров И. Шахс олмошлари тўғрисида баъзи мулоҳазалар / Труды Самаркандского госуниверситета. Новая серия. – Самарканд: СамГУ, 1963. Вып.124. –С.128-134.
81. Суяров И. Биз ва сиз олмошларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1963. –№5. –Б.37-43.
82. Суяров И. Местоимение в современном узбекском литературном языке: Дисс. ... канд. филол. наук.– Самарканд: СамГУ, 1965. – 294 с.
83. Суяров И. Местоимение в современном узбекском литературном языке: Автореф.дисс... канд.филол.наук.– Самарканд, 1965. – 32 с.
84. Суяров И. Ўзлик олмоши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1965. –№1. –Б.60-62.
85. Суяров И. Шахс олмошларининг этимологияси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1964. –№2. –Б.33-37.
86. Темирова М. «Фарҳод ва Ширин»да олмошларнинг вариантлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1991.–№4. –Б.44-48.
87. Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Университет, 1994. – 132 б.
88. Тожиев Ё., Маллабоев М. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. I қисм – Тошкент: Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, 2006. – 150 б.
89. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент:Ўқитувчи, 1992. – 399 б.
90. Убайдуллаев Б.Г. XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоирлари асарлари тилида олмошларнинг лексик-грамматик хусусиятлари: Филол.фанлари номзоди ...дис.автореф. – Нукус, 2006. –21 б.
91. Узоқов Ҳ. Водил шевасида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1962. –№5.–Б.32-36.
92. Уринбаев Б. Вопросы синтаксиса узбекской разговорной речи: Автореф. дисс. ...д-ра.филол.наук. – Ташкент, 1976. –62с.
93. Усманов Х. Особенности разговорной речи в художественном тексте: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1988. -20с.
94. Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фанлари д-ри... дис. автореф. –Тошкент, 1999. – 46 б.
95. Шарипова У. Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асаридаги сўрок олмошлари // Илм зиёдир / Проф. Р.Расулов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТДПУ, 2006. –Б.134-146.
96. Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент:Ўқитувчи, 1983. – 248 б.

97. Элтазаров Ж. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар. – Самарқанд: СамДУ, 1996. –128 б.
98. Элтазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. –169 б.
99. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув. Монография. – Самарқанд: СамДУ, 2004. – 110 б.
100. Элтазаров Ж.Д. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши: Филол.фанлари д-ри ...дисс. автореф. – Тошкент, 2007. –42 б.
101. Юсупов Б. XI аср ёзма ёдгорликларида ўзлик олмоши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1982.–№3. –Б.37.
102. Юсупов Б. XV-XV аср ўзбек тили ёзма ёдгорликларида худ олмоши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1985. –№5. –Б.26.
103. Юсуфов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVI вв.) – Тошкент: Фан, 1991. –146 с.
104. Юсупов Б. Эски ўзбек тилида кўрсатиш олмошлари (XV-XVI асрлар) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,1986. –№3. –Б.21-24.
105. Янко-Триницкая Н.А. Местоименные слова со значением неопределенности // Русский язык в школе. –Москва, 1977. –№1. –С.71-73.
106. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. –612 б.
107. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II том. – М.: Рус тили, 1981. –631 б.
108. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. Биринчи жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. -680 б.
109. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари / СамПИ асарлари. Янги серия, № 241. – Самарқанд: СамПИ, 1972. – 178 б.
110. Ўринбоев Б. Функционал услуб ва унинг моҳияти. – Тошкент: Фан, 1992. - 36 б.
111. Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент: Фан, 1974. –148 б.
112. Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. – Тошкент: Фан, 1991.–161 б.
113. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
114. Қиличев Э., Қиличев Б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Бухоро, 2002. – 114 б.
115. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд: СамДУ, 1975. – 240 б.
116. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – 168 б.
117. Қўнғуров Р. Олмош стилистикасига оид айрим мулоҳазалар// Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар / Илмий мақолалар тўплами. –Самарқанд: СамДУ, 1981. –Б.4-21.
118. Қўнғуров Р. Ўзбек тилини стилистик жиҳатдан ўрганишнинг аҳволи ва навбатдаги вазифалар // Ўзбек тили ва адабиёти. - Тошкент,1984. -№4. - Б.25-27.

119. Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1984. – 84 б.
120. Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – 118 б.
121. Қўнғуров Р., Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1984. – 100 б.
122. Ғуломов А. Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – 464 б.
123. Ҳакимов М.Ҳ. Ўзбек тили матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол.фанлари номзоди ...дис.автореф. – Тошкент, 1993. – 27 б.
124. Ҳакимова Д. Сиз ва сен олмошларининг лексик-семантик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2003. – №5. – Б.77.
125. Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. I қисм. – Самарқанд: СамДУ, 1999. – 160 б.
126. Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. II қисм. Тарихий морфология. Биринчи бўлим. – Самарқанд: СамДУ, 2003. – 180 б.
127. Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. II қисм. Тарихий морфология. Иккинчи бўлим. – Самарқанд: СамДУ, 2003. – 94 б.
128. Ҳамроев М. Ҳозирги ўзбек тилидаги кўрсатиш олмошларининг функционал-семантик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2009. – 108 б.
129. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.
130. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002. – 168 б.
131. Ҳожиёва Ҳ. Кишилиқ олмоши ва ҳурмат маъноси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2000. – №4. – Б.37-38.

Электрон матнлар

132. Азим У. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – 432 б.
133. Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони /Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли, ёзиб олувчи: Маҳмуд Зарифов.– Тошкент: Шарқ, 1998. – 400 б.
134. Валижонов Р., Қобулов О., Эргашев А. Менежмент асослари. Касб-ҳунар коллежлари учун дарслик. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 208 б.
135. Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. Роман. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 464 б.
136. Зулфия. Асарлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 416 б.
137. Мустафаев С.М. Ботаника (анатомия, морфология, систематика). Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 472 б.
138. Муҳаммад Али. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 448 б.
139. Мурод Т. Бу дунёда ўлиб бўлмайдими. Роман. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 208 б.
140. Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. Роман. – Тошкент: Шарқ, 1994. – 330 б.

141. Қаҳҳор А. Асарлар, беш жилдлик, биринчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. -336 б.; Иккинчи жилд, 1987. -368 б.; Учинчи жилд, 1988. – 368 б.; Тўртинчи жилд, 1988. –336 б.; Бешинчи жилд, 1989. –272 б.

142. «Зарафшон» газетасининг 2006 йилги сонлари.

143. ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

БеО – белгилаш олмоши

БМ – бадий матн

БН – бадий нутқ

БУ – бадий услуб

БўО – бўлишсизлик олмоши

ГуО – гумон олмоши

ИМ – илмий матн

ИН – илмий нутқ

ИУ – илмий услуб

КиО – кишилик олмоши

КўО – кўрсатиш олмоши

ПМ – публицистик матн

ПУ – публицистик услуб

РМ – расмий матн

РН – расмий нутқ

РУ – расмий услуб

СН – сўзлашув услуби

СУ – сўзлашув нутқи

СўО – сўроқ олмоши

ФС – функционал-стилистик

ФУ – функционал услуб

ЎзО – ўзлик олмоши

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати

ЎТСИЛ – Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати

ИЛОВАЛАР

1-жадвал

КиОлар синонимияси

	<i>мен</i>	<i>сен</i>	<i>биз</i>	<i>сиз</i>
<i>мен</i>	-	+	+	-
<i>сен</i>	+	-	-	+
<i>биз</i>	+	-	-	-
<i>сиз</i>	-	+	-	-
<i>камина</i>	+	-	-	-
<i>фақир</i>	+	-	-	-
<i>банда</i>	+	-	-	-
<i>бу бенаво</i>	+	-	-	-
<i>бу мазлум</i>	+	-	-	-
<i>бу нотавон</i>	+	-	-	-
<i>бу телба</i>	+	-	-	-
<i>бу шикаста</i>	+	-	-	-
<i>бу хаста</i>	+	-	-	-
<i>бу қул</i>	+	-	-	-
<i>бу ҳақир</i>	+	-	-	-

КиО-КўОлар синонимияси

	<i>у</i>	<i>бу</i>	<i>Шу</i>	<i>ўша</i>	<i>ушбу</i>
<i>у</i>	-	-	-	+	-
<i>бу</i>	-	-	+	-	+
<i>шу</i>	-	+	-	-	+
<i>ўша</i>	+	-	-	-	-
<i>ушбу</i>	-	+	+	-	-

СўОлар синонимияси

	<i>ким</i>	<i>нима</i>	<i>нега</i>	<i>қанақ</i>	<i>қанда</i>	<i>қалай</i>	<i>қайси</i>	<i>қанча</i>	<i>қачон</i>	<i>неча</i>	<i>қаер</i>	<i>қани</i>	<i>нечун/нечу</i>	<i>не/на</i>
<i>Ким</i>	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>Нима</i>	+	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	+
<i>Нега</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-
<i>қанақа</i>	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>қандай</i>	-	+	-	+	-	+	+	-	-	-	-	-	-	+
<i>Қалай</i>	-	-	-	+	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>Қайси</i>	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	+
<i>Қанча</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-	+
<i>Қачон</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>Неча</i>	-	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-	+
<i>Қаер</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>Қани</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>нечун/нечу</i> <i>к</i>	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>не/на</i>	-	+	-	-	+	-	+	+	-	+	-	-	-	-

БеОлар синонимияси

	<i>ҳамма</i>	<i>бари</i>	<i>барча</i>	<i>жами</i>	<i>бутун</i>	<i>ялли</i>	<i>ҳар</i>	<i>бир</i>	<i>ҳар нима</i>	<i>ҳар ким</i>	<i>ҳар қайси</i>	<i>ҳар бир</i>
<i>ҳамма</i>	-	+	+	+	+	+	-	-	-	-	-	-
<i>бари</i>	+	-	+	+	+	+	-	-	-	-	-	-
<i>барча</i>	+	+	-	+	+	+	-	-	-	-	-	-
<i>жами</i>	+	+	+	-	+	+	-	-	-	-	-	-
<i>бутун</i>	+	+	+	+	-	+	-	-	-	-	-	-
<i>ялли</i>	+	+	+	+	+	-	-	-	-	-	-	-
<i>ҳар</i>	-	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-
<i>бир</i>	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-
<i>ҳар нима</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>ҳар ким</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>ҳар қайси</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+
<i>ҳар бир</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-

БўОлар

	<i>ҳеч</i>	<i>ҳеч ким</i>	<i>ҳеч кимса</i>	<i>ҳеч нима</i>	<i>ҳеч қандай</i>	<i>ҳеч қайси</i>	<i>ҳеч қачон</i>	<i>ҳеч қаер</i>	<i>ҳеч нарсa</i>	<i>ҳеч бир</i>
<i>ҳеч</i>	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-
<i>ҳеч ким</i>	-	-	+	-	-	+	-	-	-	+
<i>ҳеч кимса</i>	-	+	-	-	-	+	-	-	-	-
<i>ҳеч нима</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-
<i>ҳеч қандай</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>ҳеч қайси</i>	-	+	+	-	-	-	-	-	-	+
<i>ҳеч қачон</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>ҳеч қаер</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>ҳеч нарсa</i>	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-
<i>ҳеч бир</i>	-	+	-	-	-	+	-	-	-	-
<i>асло</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>сира</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>мутлақо</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>зинҳор</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>бутунлай</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>ҳаргиз</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>заррача</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>зигирча</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>тирноқча</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>бирор бир</i>	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-
<i>биронта</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+
<i>(ҳеч) вақт</i>	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-
<i>(ҳеч) замон</i>	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-

ЎзОлар синонимияси

	<i>мен</i>	<i>сен</i>	<i>биз</i>	<i>сиз</i>	<i>у/улар</i>
<i>ўз (лар)</i>	+	+	+	+	+

ГуОлар синонимияси-1

	<i>аллаким</i>	<i>алланеча</i>	<i>алланечанчи</i>	<i>алланечук</i>	<i>алланима</i>	<i>алланарса</i>	<i>аллақаёқ</i>	<i>аллақаер</i>	<i>аллақай</i>	<i>аллақайси</i>	<i>аллақандай</i>	<i>аллақанча</i>	<i>бир хил</i>	<i>айрим</i>
<i>аллаким</i>	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>алланеча</i>	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>алланечанчи</i>	-	+	-	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-
<i>алланечук</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-
<i>алланима</i>	+	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>алланарса</i>	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>аллақаёқ</i>	-	-	-	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-	-
<i>аллақаер</i>	-	-	-	-	-	-	+	-	+	-	-	-	-	-
<i>аллақай</i>	-	-	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-	-	-
<i>аллақайси</i>	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>аллақандай</i>	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>аллақанча</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>кимдир</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>биров</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>қайсидир</i>	-	+	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>қандайдир</i>	-	-	-	+	+	-	-	-	-	-	+	-	-	-
<i>нимадандир</i>	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-

ГуОлар синонимияси-2

	<i>кимдир</i>	<i>нимадир</i>	<i>қандайдир</i>	<i>қайсидир</i>	<i>негадир</i>	<i>нима</i>	<i>нечукдир</i>	<i>нималардир</i>	<i>ниманидир</i>	<i>қаердандир</i>	<i>қачондир</i>	<i>биров</i>	<i>бир нима</i>	<i>айрим</i>	<i>баъзи</i>	<i>баъзида</i>	<i>баъзан</i>
<i>кимдир</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-	-
<i>нимадир</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-
<i>қандайдир</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>қайсидир</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>негадир</i>	-	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>нима</i> <i>учундир</i>	-	-	-	-	+	-	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>нечукдир</i>	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>нималар-</i> <i>дир</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-
<i>ниманидир</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	+	-	-	-	-
<i>қаердан-</i> <i>дир</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>қачондир</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>биров</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>бир нима</i>	-	+	-	-	-	-	-	+	+	-	-	-	-	-	-	-	-
<i>ким</i> <i>ҳамдир</i>	+	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

2-жадвал

КиОлар	О.Ёқубовда	Ў.Ҳошимовда	Т.Муродда
<i>Мен</i>	114	151	163
<i>Манн</i>	-	7	-
<i>фақир</i>	63	-	2
<i>камина</i>	91	1	2
<i>Банда</i>	110	-	27

КиОлар	О.Ёқубовда	Ў.Ҳошимовда	Т.Муродда
<i>Сен</i>	130	184	52
<i>Сан</i>	-	-	-
<i>Сенлар</i>	3	23	14

КиОлар	О.Ёқубовда	Ў.Ҳошимовда	Т.Муродда
--------	------------	-------------	-----------

У	456	160	55
Ул	-	-	1
Улар	205	30	35
Алар	3	-	-
Анинг	7	-	-
Онинг	-	-	-

КўОлар	О.Ёқубовда	Ў.Ҳошимов да	Т.Муродда	Усмон Азимда	Муҳаммад Алида	жами	Фоииз
Бу	1092	256	155	185	205	1893	0,5815
Шу	193	112	318	54	139	816	0,2506
Ўша	69	148	56	30	134	437	0,1342
Булл	31	-	-	2	2	35	0,0107
Шул	6	-	2	1	10	19	0,0058
Ўшал	10	-	-	-	16	26	0,0079
Ушбу	2	-	25	2		29	0,0089
Жами	1403	516	556	274	506	3255	
Фоииз	0,4310	0,1585	0,1708	0,0841	0,1554	100	

СўОлар	О.Ёқубовда	Ў.Ҳошимовда	Т.Муродда	Усмон Азимда	Муҳаммад Алида	жами	Фоииз
Ким	58	82	56	32	51	279	0,0982
не/на	793/-	3/-	-/1	30/-	89/3	919	0,3234
Нечун	189	1	2	24	64	280	0,0985
Нечук	54	-	-	-	20	74	0,0260
Нега	54	101	19	40	15	229	0,0806
Нима	38	252	116	31	4	441	0,1552
нима учун	-	8	4	3	2	17	0,0059
Неча	33	19	17	13	22	104	0,0366
Қай	18	4	1	15	8	46	0,0161
қандай	42	33	30	34	16	155	0,0545
Қани	8	48	23	14	7	100	0,0351
Қанча	31	26	7	26	9	99	0,0348

<i>Қачон</i>	12	37	14	27	8	98	0,0344
<i>Жами</i>	1330	614	290	289	318	2841	0,0982
<i>Фоиш</i>	0,4681	0,2161	0,1020	0,1017	0,1119	100	

<i>ЎзОлар</i>	<i>О.Ёқубов</i> <i>да</i>	<i>Ў.Хошим</i> <i>овда</i>	<i>Т.Муродда</i>	<i>Усмон</i> <i>Азимда</i>	<i>Муҳаммад</i> <i>Алида</i>	<i>жами</i>	<i>Фоиш</i>
<i>ўз</i>	588	367	353	154	266	1728	100
<i>ўзлари</i>	14	7	25	5	2	53	100

<i>БеОлар</i>	<i>О.Ёқубов</i> <i>да</i>	<i>Ў.Хошим</i> <i>овда</i>	<i>Т.Муродда</i>	<i>Усмон</i> <i>Азимда</i>	<i>Муҳаммад</i> <i>Алида</i>	<i>жами</i>	<i>Фоиш</i>
<i>ҳамма</i>	120	175	27	44	16	382	0,4143
<i>бари</i>	15	-	20	5	35	75	0,0813
<i>жами</i>	2	-	2	2	-	6	0,0065
<i>барча</i>	119	7	36	17	34	213	0,2310
<i>бутун</i>	54	24	17	9	14	118	0,1279
<i>ялти</i>	-	-	-	-	-		0
<i>ҳар</i>							0
<i>ҳар ким</i>	2	4	1	5	4	16	0,0173
<i>ҳар нима</i>	-	-	-	-	-		0
<i>ҳар нарсa</i>	1	2	2	3	2	10	0,0108
<i>ҳар қандай</i>	-	2	1	1	1	5	0,0054
<i>ҳар қанақа</i>	-	-	-	-	-		0
<i>ҳар қайси</i>	-	-	-	-	-		0
<i>ҳар қанча</i>	2	1	1	-	-	4	0,0043
<i>ҳар қачон</i>	-	-	-	-	4	4	0,0043
<i>ҳар бир</i>	32	11	6	19	8	76	0,0824

ҳар битта	-	7	-	4	2	13	0,0140
Жами	347	233	113	109	120	922	100
Фоиш	0,3763	0,2527	0,1225	0,1182	0,1301	100	

ГуОлар	О.Ёқубов да	Ў.Хоши мовда	Т.Муродда	Усмон Азимда	Муҳаммад Алида	жами	фоиш
ҳеч ким	22	35	4	37	16	114	0,4978
ҳеч нима	-	21	-	-	1	22	0,0960
ҳеч қайси	-	-	-	0	-	0	0
ҳеч қандай	-	3	-	1	2	6	0,0262
ҳеч қанча	-	-	1	-	-	1	0,0043
ҳеч қачон	6	6	1	13	3	29	0,1266
ҳеч бир	23	1	-	2	7	33	0,1441
ҳеч нарса	18	-	-	4	2	24	0,1048
Жами	69	66	6	57	31	229	100
Фоиш	0,3013	0,2882	0,0262	0,2489	0,1353	100	

ГуОлар	О.Ёқубов да	Ў.Хоши мовда	Т.Муродда	Усмон Азимда	Муҳаммад Алида	жами	Фоиш
айрим	-	1	-	-	3	4	0,0038
аллавақт	-	-	-	-	-	-	0
аллаким	-	3	-	2	2	7	0,0066
аллақай	-	1	1	-	-	2	0,0019
аллақайси	-	4	-	-	-	4	0,0038
аллақандай	-	-	-	2	2	4	0,0038
аллақанча	-	3	-	-	-	3	0,0028
аллақачон	134	20	-	2	2	158	0,1511
аллақачон	-	2	-	-	-	2	0,0019
алламаҳал	1	3	-	-	-	4	0,0038
алланарса	-	-	-	-	-	-	0
алланеча	-	-	-	-	-	-	0
алланечанчи	-	-	-	-	-	-	0
алланечук	3	9	-	-	-	12	0,0114
алланима	13	5	-	-	-	18	0,0172
баъзан	3	8	-	11	5	27	0,0258

<i>баъзи</i>	2	7	3	-	2	14	0,0133
<i>баъзида</i>	1	-	-	-	1	2	0,0019
<i>бир қанча</i>	4	-	-	-	-	4	0,0038
<i>бир нарса</i>	47	22	5	-	7	81	0,0775
<i>бир неча</i>	26	-	-	-	2	28	0,0267
<i>бир нима</i>	11	17	8	-	2	38	0,0363
<i>бир хил</i>	15	2	-	-	-	17	0,0162
<i>билов</i>	23	50	74	18	11	176	0,1684
<i>ким ҳам</i>	-	-	-	1	-	1	0,0009
<i>кимдир</i>	24	10	5	18	27	84	0,0803
<i>кимниям</i>	-	-	-	-	-		0
<i>негадир</i>	46	38	-	6	8	98	0,0937
<i>нечукдир</i>	-	-	-	-	1	1	0,0009
<i>нечундир</i>	55	1	-	-	3	59	0,0564
<i>нима учундир</i>	-	-	-	-	-		0
<i>нимадир</i>	6	4	1	6	9	26	0,0248
<i>нималардир</i>	-	-	-	-	-		0
<i>ниманидир</i>	8	1	-	4	2	15	0,0143
<i>қаёқнидир</i>	-	-	-	-	-		0
<i>қаердандир</i>	5	-	-	-	-	5	0,0047
<i>қаернидир</i>	-	-	-	-	-		0
<i>қайсидир</i>	-	1	-	-	-	1	0,0009
<i>қандайдир</i>	60	13	-	2	3	78	0,0746
<i>қачондир</i>	-	1	-	1	1	3	0,0028
<i>ғалати</i>	35	30	-	-	4	69	0,0660
Жами	522	256	97	73	97	1045	100
Фоииз	0,4995	0,2449	0,0928	0,0698	0,0928	100	

ГуОлар		<i>О.Ёқубов</i> <i>да</i>	<i>Ў.Хоши</i> <i>мова</i>	<i>Т.Муродда</i>	<i>Усмон</i> <i>Азизда</i>	<i>Муҳаммад</i> <i>Алида</i>	Жами
<i>аллақандай</i>	-	134/60	20/13/	-	2/2/-	2/3/-	158/78/12
<i>қандайдир</i>	-	/3	9				
<i>алланечук</i>							
<i>алланима – нимадир</i>		13/6	5/4	-/1	-/6	-/9	18/26

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....	3
Кириш.....	5
I БОБ. Олмошларнинг стилистик хусусиятлари ҳамда уларнинг юзага келишида вариантлик ва синонимик омиллар.....	12
1.1. Олмошларда эмоционал-экспрессив оттенкалар намоён бўлишининг стилистик шарт-шароитлари.....	12
1.2. Олмошларда вариантлик ва уларнинг матний дифференциацияси.....	21
1.3. Синонимия олмошларда экспрессивликни юзага келтирувчи лингвистик ҳодиса сифатида.....	34
Боб юзасидан қисқача хулосалар.....	62
II БОБ. Сўзлашув нутқи, расмий ва илмий матнларда олмошларнинг қўлланиш хусусиятлари.....	63
2.1 Сўзлашув услубида олмошларнинг қўлланиши.....	63
2.2. Расмий услубда олмошларнинг қўлланиши.....	73
2.3 Илмий услубда олмошларнинг қўлланиши.....	81
Боб юзасидан қисқача хулосалар.....	89
III БОБ. Бадиий ва публицистик матнларда олмошларнинг функционал- стилистик имкониятлари.....	90
3.1. Публицистик услубда олмошларнинг қўлланиши.....	90
3.2. Бадиий услубда олмошларнинг қўлланиши.....	97
Боб юзасидан қисқача хулосалар.....	119
Умумий хулосалар.....	120
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	122
Шартли қисқартмалар.....	129
Иловалар.....	130

ОРЗИБОНИ ЮСУПОВА

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛМОШЛАРНИНГ
ФУНКЦИОНАЛ-СТИЛИСТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Самарқанд, СамДУ нашри. – 2017.

Муҳаррир	Гулбаҳор РАХИМОВА
Мусахҳих	Хосият РАХИМОВА
Тех.муҳаррир	Завқий МЕЛИЕВ

ISBN 978-9943-997-73-3

Босишга рухсат этилди: 29.09.2017 й.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60х84
“Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 9,0. Шартли б.т.: 7,0.
Адади: 100 нусха. Буюртма 067.

“SHEROZIY ELEGANT STIL”

мчж босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: Самарқанд шаҳри,
Темур Малик кўчаси 19^а уй. тел: (366) 233-68-85